

3-13

ҚИШЛОҚ ХҲЖАЛИГИ ИҚТИСОДИЁТИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Ш.ЗИЁВУДДИНОВ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИҚТИСОДИЁТИ

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
олий ўқув юрглариаро илмий-услубий бирлашмалар
фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаши томонидан
олий ўқув юрглариининг иқтисодий таълим йўналишлари
талабалари учун ўқув қўлланма
сифатида тавсия этилган

Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти,
Тошкент 2004.


**THE MINISTRY OF HIGHER AND SECONDARY SPECIAL
EDUCATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

TASHKENT STATE ECONOMIC UNIVERSITY

Sh.ZIYOVIDDINOV

ECONOMY OF AGRUCULTURE

This manual is recommended by the group of “regulating the activities of scientific organizations of higher education” of the Ministry of higher and secondary special education, for the students of higher education establishments majoring in economy



©Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти,
Тошкент 2004.

Ш.Зиёвуддинов. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти (Ўқув қўлланма), - Т.: ТДИУ, 2004 – 144 бет.

Ушбу ўқув қўлланмада қишлоқ хўжалик иқтисодиётининг мамлакат иқтисодида туган ўрни, аҳамияти, қишлоқ хўжалик иқтисодий фанининг мақсади, предмети, вазифалари, қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятлари, тармоқлари, уларнинг ривожланиш хусусиятлари, ер-сув ресурслари, асосий ва айланма фондлари, меҳнат ресурслари, улардан фойдаланиш самарадорлиги, меҳнат унумдорлигини ошириш, қишлоқ хўжалигида капитал қўйилмаларнинг ижтимоий зарурлиги ва бошқа масалалар ёритилган. Қўлланма олий ўқув юртларининг иқтисодий таълим йўналишлари талабалари учун мўлжалланган.

Маъсул муҳаррирлар: и.ф.д., проф.
Ш.Р.Холмўминов,
и.ф.д., проф. Б.Т.Салимов
Тақризчилар: и.ф.н., доц. Ҳ.Қувноқов,
и.ф.н., доц. К.Умаров

Ziyoviddinov Sh, “Economy of agriculture” (manual) – T.: TSEU, 2004 – 144 pages.

The manual is about the role of agriculture in the economy of the country, its importance, aim, subject and tasks of the course “Economy of agriculture”, special features of agriculture, its branches and water resources, fixed and assets, manpower and efficiency of its usage, increasing the productivity of labor, social importance of investments in agriculture and other problems.

This manual is designed for the students of higher educational establishments majoring in “economy”.

Responsible editor: doctor of economic science,
prof.Holmuminov Sh. R.
doctor of economic science,
prof. Salimov B.T.

References: candidate of economic science,
senior-lecturer Quvnoqov Kh.;
candidate of economic science
senior-lecturer Umarov K

КИРИШ

Аҳолини турли-туман ноз несъматлар, саноатни эса хомашё билан таъминлаш, республикамизнинг ташқи экспорт имкониятларини кучайтириш учун қишлоқ хўжалигини изчил ривожлантира бориш давлатимиз иқтисодий сиёсатининг диққат марказида турибди. Шу боис мустақиллик йилларида аграр соҳада муайян ижобий ўзгаришлар рўй берди. Қишлоқ аҳолисига томорқа учун қўшимча ерлар ажратилди, қишлоқларни газ, ичимлик суви билан таъминлаш йўлга қўйилди. Қишлоқ инфратузилмасини кескин яхшилаш чоралари кўрилмоқда.

Авваллари ерлар мутлақо давлат мулки эди. Эндиликда мулк давлат тасарруфидан чиқарилди. Қишлоқ аҳли орасида ерга, мулкка, етиштирилган маҳсулотга эгаллик ҳисси кучайтирилмоқда.

Қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш жараёнидаги энг долзарб масала — ислохотларни чуқурлаштириш, бозор иқтисодиёти шароитларига мос бўлган иқтисодий механизмни вужудга келтириш учун ҳуқуқий механизм яратилди: қатор қонунлар қабул қилинди. «Ер кодекси», «Фермер хўжалиги тўғрисида», «Дехқон хўжалиги тўғрисида», «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги қонунлар шулар жумласидандир.

Бу ўринда таъкидлаш лозимки, Россия Федерацияси ва МДХдаги бошқа давлатлар каби Ўзбекистонда ҳам бозор иқтисодига ўтилиши натижасида агросаноат мажмуида, шу жумладан, қишлоқ хўжалиги ҳамда бошқаришнинг ташкилий таркибида, иқтисодий тизим фаолиятида фавқулодда ўзгаришлар содир бўлди. Эскирган бошқарув, молия, кредит, баҳо, солиқ тизимларида янги-янги муаммолар пайдо бўла бошлади. Ишлаб чиқаришда гоҳ пасайиш, гоҳ кўтарилиш ҳолатлари рўй берди. Айрим корхоналар, цехларда ускуналар, хомашё ва ҳоказолар етишмаслиги оқибатида иш тўхтаб қолди. Шу тариқа ишсизлик жараёни юзага келди.

Шуни айтиш керакки, мамлакатимиз агросаноат мажмуи, шу жумладан, қишлоқ хўжалигида тез суръатлар билан бозор муносабатларига ўтиш кўп жиҳатдан ишлаб чиқаришнинг барча омилларидан самарали фойдаланиш, корхоналарнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, фан-техника ютуқларини жорий этиш, тармоқлар фаолияти ва ҳоказоларга боғлиқдир.

Демак, бу жараёнда аввало чуқур иқтисодий билим ва кўникма талаб этилади. Аммо бугунги кунда «Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти» бўйича ўзбек тилида дарслик ҳам, ўқув қўлланма ҳам йўқ. Ушбу ўқув қўлланма шу бўшлиқни тўлдириш йўлидаги

уринишлардан биридир. Унда республикамизнинг аграр соҳасида рўй берган чуқур ўзгаришлар, қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятлари, ер-сув муносабатлари, ишлаб чиқариш фондлари, қишлоқ хўжалик инвестициялари ва уларнинг самарадорлиги, меҳнат унумдорлиги, шунингдек, ғаллачилик, пахтачилик, чорвачилик иқтисоди ва ҳоказолар ўз ифодасини топган. У қишлоқ хўжалиги ходимлари, иқтисодиёт йўналишидаги олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг ўқитувчи ва талабалари, ишбилармонларнинг билим доирасини кенгайтиришга кўмаклашадди, деган умиддамиз.

Ўқув қўлланмани ёзиш жараёнида берган йўл-йўриқлари, ёрдами ҳамда қимматли маслаҳатлари учун «Иқтисодиёт ва статистика» факультети декани, иқтисод фанлари доктори, профессор Шайзоқ Раҳматович Холмўминовга, «Агроиқтисодиёт» кафедраси мудирини, иқтисод фанлари доктори, профессор Бахтиёр Тожиевич Салимовга, иқтисод фанлари доктори, профессор Абдулатиф Абдуғаниевга, иқтисод фанлари номзоди Пулатбек Қосимбековга чуқур миннатдорчилик билдираман. Профессор Абдулатиф Абдуғаниевнинг «Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти» бўйича дастури ушбу ўқув қўлланмани ёзишимда алоҳида аҳамиятга эга бўлганини мамнуният билан таъкидлайман.

Ўқув қўлланма камчиликлардан холи эмаслиги табиий. У ҳақидаги фикр-мулоҳазаларингизни Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг «Иқтисодиёт ва статистика» факультети деканатига юборишингизни сўраймиз.

«ҚИШЛОҚ ХҲЖАЛИГИ ИҚТИСОДИЁТИ» ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ, УСУЛЛАРИ

1.1. «Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти» фанининг предмети (мақсади) ва вазифалари

Фанга қўйидагича таъриф берилган: «фан, бу – инсон фаолияти доираси бўлиб, ҳақиқат тўғрисида ишлаб чиқилган ва назарий жиҳатдан тартибга солинган объектив (ташқи) билимлардан иборатдир». Бу фикр ижтимоий фанлар гуруҳига кирувчи «Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти» фанига ҳам тегишлидир.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида малакали бошқарувчи мутахассис кадрлар, қолаверса, ишнинг кўзини биладиган ходимларга эҳтиёж ғоят катта. Шу боис «Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти» фани объектив иқтисодий қонунлар ва уларнинг қишлоқ хўжалигида амал қилишини, хусусан, ишлаб чиқариш муносабатлари ва ишлаб чиқариш кучларининг ўзаро алоқаси ва таъсирини ўргатади. Бундан мақсад қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларини барқарор ривожлантирилиши таъминлаш ҳамда самарадорлигини оширишдир.

Демак, «Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти» фанининг вазифаси қишлоқ хўжалигида қўлланилаётган машиналар ва ускуналар, агротехника, технологик, мелиоратив тадбирларнинг жорий қилинишини таъминлашдан, иқтисодий самарадорлигини белгилашдан, шунингдек, рўй берган зиддиятларни ўз вақтида аниқлаш, уларни бартараф қилиш орқали соҳани изчил тараққий эттиришнинг аниқ йўллари белгилаш, айрим хўжаликлар ва тармоқлар ўртасида ўзаро алоқаларни тўғри йўлга қўйиш ва ниҳоят, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш кучларининг муттасил ривожлана боришига имконият яратишдан иборат.

Н. А. Поповнинг фикрига асосан, «Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти» фанининг бозор иқтисодиёти шароитидаги вазифалари жумласига қўйидагилар киритилган:

- қишлоқ хўжалик маҳсулотларига талаб ва таклиф функциялари (вазифалари) ни ўрганиш;
- бозор баҳоларининг шаклланиш тамойилларини ўрганиш;
- бозор маркетинги ва бозор менежментининг асосий тамойил (қоида)ларини ўрганиш;
- қишлоқ хўжалик маҳсулотларига узоқ ва қисқа муддатларда бўладиган талаб ва таклифни ўрганиш.

1.2. Қишлоқ хўжалигининг халқ хўжалигида тутган ўрни ва аҳамияти

Ўзбекистон Республикаси халқ хўжалиги бир-бирига чамбарчас боғлиқ бўлган жуда кўп тармоқлардан таркиб топган. Улар кон қазувчи ва қайта ишловчи саноат тармоқлари, транспорт, қишлоқ хўжалиги, савдо, умумий овқатланиш, моддий таъминот, хизмат кўрсатувчи соҳалардан иборат. Халқ хўжалигининг ҳамма соҳалари бир-бири билан боғлиқ ҳолда ривожланади. Саноат, айниқса, оғир саноат мамлакатимиз халқ хўжалиги ҳамма соҳаларининг ривожланишида ҳал қилувчи ўринни эгаллайди.

Маълумки, қишлоқ хўжалиги иқтисоди барча тармоқлар, аввало, халқ хўжалигининг етакчи тармоғи ҳисобланган саноат билан узвий боғлиқ ҳолда ривожланмоқда.

Оғир саноат, айниқса, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ва кимё саноати қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашда, деҳқон, фермер ва ширкат хўжалиklarини техника ва ўғит билан таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Ўз навбатида қишлоқ хўжалиги ҳам халқ хўжалигининг муҳим соҳаси бўлиб, аҳоли истеъмол қилаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг 95%га яқинини беради.

Бугунги кунда республикаимиз аграр-индустриал мамлакат ҳисобланади, аҳолисининг 60%и қишлоқларда яшамоқда, қишлоқ хўжалигига яроқли ерларнинг катта қисмида эса аҳоли истиқомат қилмоқда.

Саноат ва қишлоқ хўжалигидаги мавжуд омиллардан тадбиркорлик билан тўлиқ фойдаланилса, мамлакатимиз аҳолисининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминланиши маълум даражада яхшиланиши мумкин.

Чунончи, маълумотларга кўра, 1998 йили Ўзбекистонда аҳоли жон бошига 182 кг. дон, 134 кг. пахта, 28 кг. картошка, 98 кг. сабзавот, 33 кг. гўшт, 146 кг. сут маҳсулотлари стиштирилган. Аммо бу белгиланган тиббиёт меъеридан анча кам.

Қишлоқ хўжалиги мамлакатимизнинг моддий ресурслари: трактор, қишлоқ хўжалиги машиналари, комбайнлар, автомобиллар, ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари, кимёвий ўғитларнинг кўп қисмини истеъмол қилувчи (сотиб олувчи) муҳим ва катта соҳа ҳисобланади.

1.3. Қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятлари

Халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида мавжуд бўлган умумий иқтисодий қонунлар қишлоқ хўжалигида ҳам мавжуддир. Аммо бу қонунлар тармоқнинг ўзига хос хусусиятларига боғлиқ ҳолда амал қилади.

Қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятлари. Маълумки, қишлоқ хўжалиги бошқа тармоқлардан, шунинг жумладан, саноатдан ўзига хос қуйидаги хусусиятлари билан фарқ қилади:

- ер-сув асосий ишлаб чиқариш воситасидир. Ернинг қишлоқ хўжалигидаги бошқа ишлаб чиқариш воситаларидан фарқланадиган хусусияти шундаки, ундан оқилона фойдаланилса, унга яхши ишлов берилса, у ишдан чиқмайди, йилдан йилга, унумдор бўлиб боради, мўл ҳосил беради;

- ишлаб чиқариши табиий шароитлар билан боғлиқ;

- ишлаб чиқаришнинг мавсумийлиги туфайли ишлаб чиқариш даври билан иш вақти ўртасида тафовут бор;

- маҳсулотларининг бир қисми (мол, уруғ, ем-хашак ва бошқалар) такрор ишлаб чиқариш воситаси вазифасини ҳам бажаради;

- техникадан фойдаланиш ва у билан қуролланиш даражаси турлича шарт-шароитларга боғлиқ. Бунинг маъноси шундан иборатки, қишлоқ хўжалигида ўсимлик бир жойда жойлашгани ҳолда, меҳнат қуроллари (тракторлар ва ҳ.к.) иш бажариш жараёнида бир жойда туриб эмас, балки катта далаларда ҳаракатда бўлади. Шунингдек, қишлоқ хўжалигида техникадан фойдаланиш саноатдагидан фарқли ўлароқ, мавсумий хусусиятга эга ва ҳоказо.

- ишлаб чиқариши жараёнида ер-сув, қуёш қуввати каби жуда кўп табиий омиллар қатнашади, аммо уларнинг бу жараёндаги улуши етиштириляётган маҳсулотлар таннархига қўшилмайди.

Қишлоқ хўжалигининг саноат тармоқларидан фарқловчи бу каби ўзига хос хусусиятларини тармоқлар моддий-техника базасини яратишда, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ташкил қилиш ва бошқаришда, ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлашда ҳар томонлама ҳисобга олиш лозим.

1.4. «Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти» фанини ўрганиш усуллари ва унинг бошқа фанлар билан боғлиқлиги

Маълумки, атрофимиздаги воқеа ва ҳодисаларни ўрганиш ва билиш фаннинг ўрганиш усули саналади. «Қишлоқ хўжали-

ги иқтисодиёти» фани ҳодисаларни ўрганишда аввало диалектика усулига асосланади. Бу эса ҳодисаларнинг тўхтаб қолишини эмас, балки муттасил ҳаракатда бўлишини кўзда тутлади. Шунинг учун у илмий-тадқиқотларнинг энг сара натижаларини ва илғорлар тажрибасини умумлаштиради ва ишлаб чиқаришга татбиқ қилишнинг оқилона усуларини қидиради.

Қишлоқ хўжалиги иқтисодиётини ўрганишда тадқиқот ишлари босқичма-босқич амалга оширилади. Даставвал кузатиш ишлари олиб борилади ва маълумотлар тўпланadi. Рақамли маълумотларни йиғиш ва шу асосда умумий муҳокамалар юритишнинг ўзи иқтисодий фаннинг аҳамиятини тўлиқ кўрсатиб бера олмайди. Бунда шу нарсага эътибор бериш керакки, тўпланган маълумотлар тасодифий эмас, балки аниқ хулосалар чиқариш учун имконият берадиган типик (энг кўп учрайдиган) хўжаликлар фаолияти билан боғлиқ маълумотлар йиғиндисидан иборат бўлиши керак.

«Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти» фани ўз фаолияти давомида статистик монография (китоб тариқасида ёзиш), аналитик, экспериментал (тажриба), математик усуллар, баланслар (тенглаштириб кўриш) усулидан фойдаланади. Бу усулларнинг жами йиғиндисини иқтисодий тадқиқот усуллари бўлиб, улардан қишлоқ хўжалиги иқтисодиётини ўрганиш билан бирга бу соҳани янада ривожлатириш йўллари аниқлашда ҳам кенг фойдаланиш тақозо этилади.

Шуни айтиш керакки, проф. А. Абдуғаниев таъкидлаганидек, қишлоқ хўжалиги иқтисодиётини ўрганишда «Макроиқтисодиёт», «Иқтисодий назария», «Микроиқтисодиёт», «Менежмент», «Маркетинг асослари», «Молия ва кредит» каби фанлардан ўрганган назарий ва амалий билимларга асосланиш мақсадга мувофиқдир. Масалан, макроиқтисодиёт, яъни республика иқтисодиётини ўрганмай, билмай туриб қишлоқ хўжалиги иқтисодини, унда амалга оширилаётган иқтисодий ўзгаришларни, уларнинг аҳамиятини баҳолаб бўлмайди. Иқтисодий қонунларни, уларнинг мазмунини, ҳаракат механизминини ўрганмай, қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий муносабатларни тўғри ва самарали юритиш, меҳнат унумдорлигини ошириш йўллари оқилона белгилаш қийин. Шунингдек, фандан талаб ва таклиф қонунларини ўрганмасдан қишлоқ хўжалигида қаерларда, қандай маҳсулотларни қанча миқдорда етиштириш зарурлигини тўғри белгилаб бўлмайди.

Демак, талабалар барча ўзаро узвий боғланган барча фанларнинг мазмунини яхши ўрганишлари лозим.

1.5. Қишлоқ хўжалигини ихтисослаштириш ҳамда тармоқларнинг бир-бирига боғлиқ ҳолда ривожланиши

Қишлоқ хўжалиги аввало иккита муҳим соҳа: ўсимликчилик ва чорвачилиқдан ташкил топган бўлиб, уларнинг ҳар қайсиси ўз навбатида алоҳида- алоҳида тармоқларга бўлинади.

Маълумки, айрим хўжаликлар бозор иқтисодиёти талаблари асосида маҳсулот этиштиришга ихтисослаштирилади. Шунга мувофиқ уларда қишлоқ хўжалигининг бир нечта тармоғи мавжуд бўлади. Ҳар бир хўжаликнинг ишлаб чиқариш воситалари (меҳнат предметлари ва меҳнат куроллари), технологияси, ишчи-хизматчиларнинг малакаси ва ниҳоят, этиштирадиган маҳсулотлар тури жиҳатидан бир-бирларидан фарқланувчи бўғинлари қишлоқ хўжалик тармоқлари, деб аталади. Ҳар бир тармоқ бир-бирига ўхшамаган турлича маҳсулотларни этиштиради. Тармоқлар хўжалиқда тутган ўрни, салмоғи ва товарлик даражасига қараб:

- асосий (етакчи) тармоқ;
- қўшимча тармоқ;
- ёрдамчи тармоқларга бўлинади.

Масалан, Ўзбекистоннинг кўпчилик хўжаликларида пахтачиликдан кўп пул даромади олинмоқда ва меҳнат сарфларининг кўп қисми (фоиз жиҳатидан) ҳам шу соҳага тўғри келмоқда. Шунинг учун ҳам пахтачилик асосий (етакчи) тармоқ, пиллачилик, чорвачилик, боғдорчилик-узумчилик ва ҳоказо соҳалар эса қўшимча тармоқлар ҳисобланади.

Хўжаликларда тармоқларни бир-бирига тўғри қўшиб олиб бориш ғоятда катта аҳамиятга эга.

Хўжаликларда ҳамма тармоқларни ривожлантиравермай, табиий шароитлар имкон берадиган бир-икки ёки учта муҳим соҳани ривожлантиришга алоҳида эътибор берилиши керак.

Пахтачилик хўжаликларида чорвачиликни, айниқса, қорамолчиликни ривожлантириш талаб қилинади. Чорвачилик эса пахта ҳосилдорлигини ошириш учун тупроққа гўнг етказиб беради. Тупроқ унумдорлигини оширишда эса иқтисодий самара берадиган пахта — беда алмашлаб экишни жорий қилиш ўзига хос ўрин тутди. Бу эса айни пайтда чорва учун мустаҳкам ем-хашак базаси яратиш имконини беради. Натижада пахтачилик ва чорвачилик сердаромад тармоқларга айланади. Умуман олганда, ўсимликчилик (деҳқончилик) ни чорвачилик билан чамбарчас боғлиқ ҳолда

ривожлантириш катта аҳамият касб этиб. Ҳар бир тармоқнинг (пахтачилик, ғаллачилик, чорвачилик, пиллачилик ва ҳ.к.) иқтисодий самарадорлигини оширади ва ҳ.к. лар.

Қисқача хулосалар

Ушбу бобда қишлоқ хўжалигининг мамлакат иқтисодиётида туган ўрни ва аҳамияти тегишли маълумотлар асосида ёритилган. Шунингдек, «Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти» фани нимани ўргатиши, унинг мақсади ва вазифалари кўрсатилган.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Қишлоқ хўжалиги Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига қандай таъсир кўрсатади?
2. Қишлоқ хўжалигининг асосий мақсади (предмети) нималардан иборат?
3. «Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти» фанининг вазифалари-чи?
4. Фанининг тадқиқот усуллари нималардан иборат?
5. Қишлоқ хўжалигида тармоқлар ҳақида тушунча беринг.

Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. Тадбиркорлик — иқтисодий келажак, - Т.: «Ўзбекистон», 1995.
2. Каримов И.А. Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш. Аграр муносабатларнинг янги турларини шакллантириш -Т.: «Ўзбекистон», 1995.
3. Каримов И.А. Қишлоқ истиқболи — юрт истиқболи, - Т.: «Ўзбекистон», 1996.
4. Коваленко Н.Я. Экономика сельского хозяйства. Курс лекций. — М.: 1999.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА НОДАВЛАТ МУЛҚ ВА ТАДБИР- КОРЛИКНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ ВА УЛАРНИНГ ШАҚЛЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

2.1. Қишлоқ хўжалигида мулкчиликнинг нодавлат шакллари вужудга келиши ва уларнинг шаклланиш босқичлари

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, ҳамма соҳаларда маъмурий-буйруқбозлик ва марказдан туриб режалаштиришга асосланган бошқариш ва раҳбарлик усули тугатилди. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш бошланди. Хусусийлаштиришга кенг йўл очилди. Қишлоқларда ижтимоий ўзгаришлар йўлга тушди. Хўжалик юрителининг янги шакллари: деҳқон хўжаликлари, фермер хўжаликлари ва ширкат хўжаликлари пайдо бўлди ва ривожлана бошлади. Бу жараёнга, хусусан, ер-сув ислохотларини амалга оширишга бевосита давлатнинг ўзи раҳбарлик қилмоқда.

Шу ўринда хўжалик юрителининг янги шакллари моҳияти ҳақида қисқача тўхталиб ўтишни лозим топдик.

Фермер хўжалиги — қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил қилиш ҳамда етиштирган маҳсулотларини сотиш мақсадида ерни узоқ муддатга (10 йилдан 50 йилгача) ижарага олиб, ҳар йили ўз оила аъзолари билан бирга мустақил ишлаш ҳуқуқига эга бўлган юридик шахсдир. Фермер хўжалигига ер майдони уни тегишли маҳаллий ижро органида рўйхатдан ўтказиш вақтида белгиланади. Муайян фермерлар хўжаликлари билан ташкил топган уюшма бошқарувининг раиси бўлади. Фермер билан уюшма раиси ўртасида тузилган меҳнат битими ҳар йил бошида қайта кўриб чиқилади, экин турлари аниқланади ва ҳоказо.

Деҳқон хўжалиги — томорқасида ўз оила аъзоларининг меҳнати билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, истеъмол қилиш ҳамда сотиш билан шуғулланувчи майда товар хўжалигидир.

Томорқа эгаси бўлган деҳқон юридик деҳқон хўжалиги сифатида расмийлаштирилган ёки расмийлаштирилмаган бўлиши мумкин.

Ширкат хўжаликлари фермер ва деҳқон хўжаликлари билан фарқ қилади. Бундай хўжаликларга бириктирилган ерда қишлоқ хўжалиги ишлари ширкатлар билан боғлиқ ҳолда олиб борилади. Йил охирида фойдаланилган ерда етиштирилган ҳо-

силнинг белгиланган қисми ширкатга натура ёки пул кўринишида топширилади ва ҳоказо.

Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш жараёнида муҳим стратегик устувор масала соҳани таркибий ўзгартириш орқали кўп укладли нодавлат мулк товар ишлаб чиқарувчилар бўғинларини шакллантиришга қаратилади.¹

Юқорида қайд этилган вазифалар ҳамда ҳукуматнинг бу борадаги қарорлари ва улар асосида ишлаб чиқилган тартиб-қоидалар ижросини таъминлаш учун Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги бир қанча чора-тадбирларни белгилаб, уларни изчиллик билан амалга татбиқ этмоқда. Шу туфайли қишлоқ хўжалигида турли мулкчилик шаклларига асосланган нодавлат корхоналар ривожланмоқда.

Республика қишлоқ хўжалигида 1991 йилда 1294 та жамоа хўжалиги, 1009 та давлат хўжалиги, 1655 та фермер хўжалиги ва 2,1 млн. та шахсий томорқа эгалари фаолият кўрсатган бўлса, 2000 йилда мулкчиликнинг нодавлат шаклига асосланган 499 та жамоа, 44759 та фермер, 1754 ширкат ва 3,2 млн. та деҳқон хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда. Бу даврга келиб давлат мулки кўринишидаги қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолияти тўхтатилди.

Ўз навбатида қишлоқ хўжалиги корхоналари ўртасидаги ер тақсимоти ҳам мулкчилик кўринишига қараб қуйидагича ўзгариб бормоқда: 1991 йилда давлат хўжаликларига 2403 минг га, жамоа хўжаликларига 1429 минг га, шахсий томорқа хўжаликларига 330,7 минг га ва фермер хўжаликларига 5,25 минг га ер бириктирилган эди, 2000 йилга келиб ширкат хўжаликлари 1723,6 минг га, фермер хўжаликлари 889,7 минг га, деҳқон хўжаликлари 522,6 минг га ва жамоа хўжаликлари 405 минг га ерда фаолият кўрсатди. Шундай қилиб, жами қишлоқ хўжалиги корхоналарига бириктирилган ер фақат нодавлат корхоналари ихтиёрига ўтди. Етиштирилаётган ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, айниқса, пахта ва ғалла таркибида мулкчиликнинг нодавлат шаклларига асосланган хўжаликлар улуши 1991-2000 йилларда қуйидагича бўлди:

Республикада 1991 йилда жами етиштирилган пахтанинг 25035 минг т.си ёки 53,9%и жамоа хўжаликлари ва 2139,7 минг т.си ёки 46,1%и давлат хўжаликлари улушига тўғри келган бўлса, 2000 йилда тайёрланган жами пахтанинг 1893,1 минг т.си ёки 35,4%и ширкат хўжаликларида, 550,6 минг т.си ёки 18,4%и жамоа хўжаликларида

¹Шу ўриндан бошлаб Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалик вазирлиги маълумотларидан фойдаланилди.

ва 549,0 минг т.си ёки 18,2%и фермер хўжаликларида етиштирилди. Кўриниб турибдики, 2000 йилда тайёрланган пахтанинг ҳаммаси нодавлат корхоналари ҳиссасига тўғри келади.

Ғаллачиликда мулкчиликнинг турли шаклидаги корхоналар улуши 1991 йилда куйидагича эди: 427,6 минг т.си ёки 70,8%и давлат хўжаликлари, 175,6 минг т.си ёки 29,1%и жамоа хўжаликлари ва 0,5 минг т.си ёки 0,1%и фермер хўжаликлари томонидан тайёрланди, 2000 йилда эса 1821,7 минг т.си ёки 53,5%ини ширкат хўжаликлари, 609,7 минг т.си ёки 17,9%ини деҳқон хўжаликлари, 534,0 минг т.си ёки 15,7%ини фермер хўжаликлари ва 438,6 минг т.си ёки 12,9%ини жамоа хўжаликлари етиштирди. Шу тариқа 2000 йилда етиштирилган ғалланинг ҳаммаси мулкчиликнинг нодавлат шаклидаги корхоналар томонидан тайёрланди.

Экинлар таркибида 1991 йилда экиладиган ер майдонининг 59,4%ини пахта, 35,2%ини бошоқли дон, 3,9%ини полиз ва сабзавот экинлари, 1,5%ини боғ ва узумзорлар ташкил этарди. 2001 йилга келиб пахтазорлар жами экин майдонининг 42,7%ни эгаллаб, 7,5%га ортди, боғ ва узумзорлар 3,6%га етди ёки 2,1%га кўпайди, полиз ва сабзавот майдонлари эса 1,7%га камайди.

Умуман, 1991 йилда жами экин майдонлари салмоғида озиқовқат экинлари билан банд майдонлар 40,6% бўлган бўлса, бу кўрсаткич 2001 йилга келиб, 48,5%га етди ёки 7,9%га кўпайди.

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, айниқса, жамоа хўжалиklarини ширкат хўжалиklarига айлантириш борасида ижобий натижаларга эришилди. 2002 йилнинг 1 январь ҳолатига республика бўйича 1866 та қишлоқ хўжалиги корхонаси ширкат хўжалиklarига айлантирилди. Бу корхоналардаги 99203 нафар ишчи қисқартирилиб, 388766 нафари ёки 97%и бошқа иш билан таъминланди.

Мулк кўринишлари ўзгарган янги ширкат хўжалиklarида иқтисодий ислохотларни амалга ошириш дафтари 2500 нусхада кўпайтирилиб, жойларга етказилди ва уни юритиш мониторингини олиб боришда амалий кўмаклашилмоқда.

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга доир амалдаги қонун ва меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш мақсадида ислохотларни чуқурлаштириш республика комиссиясига доимий равишда таклифлар киритилмоқда.

Шу билан бирга иқтисодий ислохотлар жараёнини тезлаштириш, қабул қилинган қонун ва қарорларнинг бажарилишини амалда таъминлаш мақсадида 36 та меъёрий ҳужжат ишлаб чиқилди. Шунингдек, иқтисодий ислохотларни кенг тар-

ғиб этиш учун оммавий ахборот воситалари орқали доимий чиқишлар, илғор тажрибаларни тарғиб этиш учун жойларда доимий равишда ўқув-семинарлар ташкил этилмоқда.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги Қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатларни чуқур билган мутахассисларга эга бўлган ширкатлар иқтисодий ислоҳотларга мос ҳолда пудратчилар моддий манфаатдорлигини тўлиқ таъминлаб, юқори самара билан ишламоқда.

2.2. Ширкат хўжаликларига меҳнатнинг пировард натижаларга боғлиқ ҳолда ташкил этилиши


Иқтисодий ислоҳотларнинг туб моҳияти мулкчилик ва хўжалик юритишнинг турли шакллариغا асосланган ишлаб чиқаришни вужудга келтириш орқали ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларини таркиб топтиришдир. Бундан мақсад ишчи ва хизматчиларга тўлиқ эркинлик бериб, уларда мулкка хўжайинлик ҳиссини уйғотиш, айниқса, деҳқоннинг етиштираётган маҳсулотига мустақил эгаллик қилиши учун шароит яратишдир.

Президент И.Каримов кўп маротаба таъкидлаб ўтганидек, деҳқонни ер эгаси қилиш ниятимизни амалга ошириш учун уларга ерни узок муддатга фойдаланишга бериш керак.

Қишлоқ хўжалигида мулкчиликнинг турли шакллариغا асосланган хўжалик юритиш шаклларини ривожлантириш бевосита ижтимоий-иқтисодий муносабатларни ва хўжалик юритиш механизмини такомиллаштириш билан боғлиқ.

Ислоҳотларнинг мазмуни ва моҳиятидан келиб чиқиб, турли хил товар ишлаб чиқарувчилар фаолиятини бозор муносабатларига мослаштиришга киришилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 июлда қабул қилинган «Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишга мувофиқ қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) тузиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 299-сонли қарорига биноан 1998 йилда 65 та, 1999 йилда 913 та, 2000 йилда 776 та, 2001 йилда 113 та ва 2002 йилнинг биринчи ярмида 66 та қишлоқ хўжалиги корхонаси ширкат хўжаликларига айлантирилди (1-диаграмма).

Республикада 2002 йил 1 июль ҳолатига 1863 та ширкат хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Аъзолар сони 1427,8 минг нафар бўлган бу хўжаликларнинг устав жамғармаси 460236 млн. сўм, шундан пай жамғармаси 275791 млн. сўмни ташкил этиб, ўртача бир аъзога тўғри келадиган мулккий пайнинг ўртача қиймати 19779 сўм. Бу 1998 йилги кўрсаткичларга мос ҳолда



хўжаликлар сони 1798 тага, аъзолар сони 1363,6 нафарга, устав жамғармаси 44774,4 млн. сўмга, шундан пай жамғармаси 7990,9 млн. сўмга ва бир аъзга тўғри келадиган мулкый пайнинг ўртача қиймати 6437 сўмга ортганидан далолатдир.

Меҳнат оила пудрати асосида ташкил қилинган хўжаликларда ер оилавий пудратчиларга Республика Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида оила пудрати тўғрисидаги намунавий низом» ва «Ер кодекси»га биноан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун мақсадли фойдаланишга оила пудрати шартномалари шартлари асосида берилди.


Хўжалик юртишда иқтисодий услубларга таяниш ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш ва соҳада тадбиркорликни ривожлантиришни тақозо қилади.

Ширкат, деҳқон ва фермер хўжалиги каби кўринишдаги товар ишлаб чиқарувчи хўжаликларда ҳам кам харажат билан кўпроқ даромад олиш ва хўжалик иқтисодиётини кўтаришда меҳнатни ташкил этишнинг оила пудрати шакли катта аҳамиятга эга.


Ширкатга айлантирилган хўжаликларда меҳнат асосан оила пудрати асосида ташкил этилаётгани пудратчиларнинг ўз меҳнати нитажаларидан моддий манфаатдорлигини таъминлашга кўмаклашмоқда. Ички шартномаларда пахта етиштириш бўйича шартнома шартларини бажарган пудратчиларга пахта ёғи, шрот ва шелуха, ғалла етиштириш режасини ортиғи билан бажарган пудратчиларга режадан ортиқча етиштирилган ҳосилни тўлиқ бериш назарда тутилаётганидан ҳам мақсад шу.

2000 йилда пахтачиликда ички шартнома тузилган 301224 та пудратчидан 163407 таси ёки 54%и шартнома шартларини бажарган. Режани бажарган пудратчиларга 46647,4 т. пахта ёғи, 232323 т. шрот ва 178670 т. шелуха берилди.


Ширкат хўжаликлари сони



Ширкат аъзолари сони (минг нафар
ҳисобида)



Қисқарганлар сони (минг нафар ҳисобида)



1-диаграмма. 1998-2002 йилларда ширкат хўжаликларининг
ривожланиш динамикаси.

Ширкат хўжаликларида кўрилган фойданинг бир қисми пудратчи бўлинмалари аъзоларининг иш натижаларига қараб дивиденд тариқасида бериб борилмоқда. Чунончи, Ўзбекистон бўйича дивиденд ажратган ширкат хўжаликлари сони 1999 йилда 392 та бўлган бўлса, 2000 йилда 641 тага, ҳақиқатда дивиденд тўлаган ширкатлар сони 1999 йилда 1233,7 та бўлган бўлса, 2000 йилда 1855,7 ва 2001 йилда 3640 тага етди.

2001 йилда ширкат хўжаликларида олинган фойдадан дивиденд беришга ажратган хўжаликлар сони 641 та, дивиденд учун ажратилган сумма 3908,8 млн. сўм эди. Шу йили ҳақиқатда 564 та хўжалик 3640,3 млн. сўмини аъзоларига, 3344,6 млн. сўмини нафақахўрларга тарқатди.

Ўзбекистон Республикаси вилоятлари ҳамда Қорақалпо-

гистон Республикасида 2001 йил якуни билан дивидендлар тақсимоти ҳақида 2002 йил 1 сентябрь ҳолатига берилган маълумот 1-жадвалда келтирилган.

Одатда, ҳар бир ширкат хўжалиги ихтиёрида устав жамғармаси, пай жамғармаси ва бўлинмас жамғарма мавжуд. 2002 йил 1 октябрда Ўзбекистон Республикасида хўжаликларни ширкатларга айлантириш ва уларнинг ҳолати қуйидагича эди: ширкатлар сони 1866, ширкатларга аъзолар сони 1432150, пай гувоҳномаларини олганлар сони 1410960, қисқарганлар сони 397077, ишга жойлашганлар сони 395160 нафар, жами устав жамғарма 46660,7 млн. сўм, пай жамғармаси 27961,1 млн. сўм, бўлинмас жамғарма эса 48738,2 млн. сўм ва бир аъзога тўғри келадиган мулкый пайнинг ўртача қиймати 19779 сўм бўлган. Республикамиз вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида хўжаликларни ширкатларга айлантириш бўйича маълумот 2-жадвалда келтирилган.

Жадвалда қайд этилганидек, ҳар бир аъзога тўғри келадиган мулкый пайнинг ўртача қиймати Ўзбекистон Республикасида 19,779 сўм бўлиб, энг ками Самарқанд вилоятида — 7130 сўм ва энг кўпи Қорақалпоғистон Республикасида 45200 сўмни ташкил қилди.

Боғ ва токзорларни ижарага бериш ҳамда ижара ҳақини белгилаш динамикаси ўсиб борди. Бу ҳолат 2-диаграммада келтирилган.

2-диаграмма маълумотларига кўра, 1998-1001 йиллар мобайнида ижарага фойдаланиш учун берилган ер майдони деярли 2,2 марта яъни 34393 гектардан 75965,4 гектарга кўпайди. Айни вақтда ижарага тўланган пул маблағлар тез суръатда ортиб бориб, 4 мартага кўпайди ёки 61 минг сўмдан 299 минг сўмга етди.

Шуни айтиш керакки, иқтисодий жиҳатдан ночор ва зарар кўриб ишлаётган хўжаликлар негизда ташкил қилинаётган фермер хўжаликлари ҳам йилдан-йилга кўпайиб бормоқда (3-диаграмма). 3-диаграмма рақамларига кўра, 1999-2002 йилларда қайта ташкил қилинган фермерлар сони 16 тадан 91 тага етди. Умуман олганда, бу даврда ташкил этилган фермер хўжаликлари сони 1999 йилдаги 1052 та ўрнига 2002 йилда 3,8 баробарга кўпайиб, 3814 тага етди. Фермер хўжалиklarини ташкил қилишда ер майдонлари контуралари асосида ижарага берилиб йириклаштирилган. Фермерларга тақсимланган ер майдони 1999 йилдаги 31570 гектардан 2002 йилда 144235 гектарга етди, яъни 4 баробарга кўпайди.

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги ширкатта айлантирилган хўжаликларда
2001 йил якуни бўйича дивидендлар тақсироти ҳақида

МАЪЛУМОТ



2002 йил 1 сентябрь ҳолатига

№	Вилоятлар	Йилги фойда билан якулаган хўжаликлар		Бўлиммас жамғар ма учун млн. сўм	Жами олинган фойда тақсироти							
					Дивиденд хўжа- ликлар сони		сумма, млн. сўм		хўжа- ликлар сони		ҳақиқатда сумма, млн. сўм	
					жами	нафақа- ларга	жами	нафақа- ларга	жами	нафақа- ларга	жами	нафақа- ларга
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13
1	Қорақалпоғистон Республикаси	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0
2	Анджон	192	3340	9352	192	1300	1171	129	192	1300	1171	129
3	Бухоро	70	795	630	52	228	218	9	52	228	218	9
4	Жиззах	12	1311	786	12	52	52	0	5	7	0	0
5	Қашқадарё	101	3451	3012	68	439	395	44	68	439	395	44
6	Наврий	78	1957	669,5	46	314	282	31	46	265,1	238,4	26,7
7	Наманган	23	189	95	23	95	39	5,8	23	62,4	59,6	2,8
8	Самарқанд	161	1382,6	944,4	84	438	43,8	0	70	387,7	387,7	0
9	Сурхондарё	39	479,2	326,7	22	142,6	129	13,6	20	122,2	114,4	10
10	Сирдарё	6	252	176	6	76	68	8	2	25,2	20	2
11	Тошкент	139	3755	7452	111	687	620	67	61	629	568	61
12	Фарғона	18	255	102	18	153,2	153,2	80	18	153,2	153,1	80
13	Хоразм	11	91	69	7	22	19	2	7	21,5	19,4	2,1
	ЖАМИ	850	17257,8	23615	641	3908,8	3584,2	389,4	564	3640,3	3344,6	366,4


Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда хўжаликларни ширкатларга айлантириш бўйича

МАЪЛУМОТ
(2002 йил 1 октябрь ҳолатига)


№	Вилоятлар	Ширкат хўжалик лари сони	Ширкат аъзолари сони	Пай гувоҳнома эъланлан сони	Қўсқарган лар сони	Ишга жойлаш ган	Жами устав жамғарма си (млн. сўм)	Пай жамғарма си (млн. сўм)	Бўлимас жамғарма (млн. сўм)	Бир аъзога тўғри келадиган мулккий пайнинг ўртача қиймати (сўм)
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11
1	Қорақалпоғистон Республикаси	141	104378	89432	4197	4197	7879,2	4727,3	3151,9	45290
2	Андижон	192	193019	163019	57600	57600	2854,9	1713	1141,9	10508
3	Бухоро	142	91224	91224	25673	25673	1317,5	790,5	527,1	8665
4	Жиззах	100	25186	24759			3723,7	2234,2	1489,4	82006
5	Қашқадарё	184	152117	152117	40337	40337	6822,6	4093,5	2719	26910
6	Навоий	78	42926	42926	21901	21901	1096,8	657,8	438,5	11035
7	Наманган	135	111015	111015	26633	26633	2228,9	1337,5	891,4	12048
8	Самарқанд	252	195072	195072	92868	91346	2451,4	1390,8	1060,6	7130
9	Сурхондарё	137	109386	108408	48612	48612	4625	2750	1875	25142
10	Сирдарё	51	26602	26602			758,4	406,5	285,6	15281
11	Тошкент	191	101485	96646	4353	4353	6408,2	3844,9	2563,3	37886
12	Фарғона	143	172485	172485	52416	52055	2968	1900	1184	11814
13	Хоразм	120	1327255	137255	22487	22487	3526,1	2115,6	1410,5	15414
	ЖАМИ	1866	1432150	1410960	397077	395160	46660,7	27961,6	18738,2	19779




2-диаграмма. Боғ ва токзорларни ижарага бериш ҳамда ижара ҳақи белгилаш динамикаси.



Ташкил этилган фермер хўжаликлар сони



Фермерларга тақсимланган ер майдони, гектар



3 — диаграмма. Иқтисодий очор ва зарар кўриб инлаётган хўжаликлар негизида фермер хўжаликларини ташкил этиш динамикаси

2.3. Оила пудратида ресурслардан самарали фойдаланишда чек тизимининг аҳамияти

Бозор муносабатлари шаклланаётган ҳозирги даврда ширкат хўжаликларида синовлардан ўтган илғор тажрибаларни ҳаётга татбиқ этиш муҳим вазифа ҳисобланади. Амалиёт тажрибаларидан кўзланган мақсад қишлоқда мулкка эгаллик масаласини ҳал қилишга, меҳнаткашларда ҳақиқий мулкдорлик ҳиссини ва қишлоқда мулкдорлар синфини шакллантиришга ва улар меҳнатини хўжалик фаолиятининг якуний натижалари билан боғлайдиган механизм жорий этишга қаратилади.

Бу вазифаларни амалга ошириш учун Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 июлдаги «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги қонунни амалиётга жорий қилиш бўйича 299-сонли қарори ҳамда Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг ушбу қарор асосида ишлаб чиққан йўриқномасига асосан ширкатга айлантирилган барча хўжаликларда молия-ҳисоб марказлари ташкил қилиниб, ҳар бир пудратчига шахсий ҳисоб варақалари очилди. Оила пудратида асосий ҳужжат бўлган шартнома шартларининг икки

томонлама бажарилишини таъминлаш йўлидан борилмоқда. Мақсад етиштирилган маҳсулот миқдорини кўпайтириш, сифатини яхшилаш, таннархни арзонлаштиришдан иборат.

Оила пудратида сарф-харажатларни камайтириш учун барча ишларни — агротехник тадбирларни ҳам, ташкилий ишлару ҳисоб-китоб амалларини ҳам ўз вақтида амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга. Чунки пудратчи ҳар бир агротехник тадбирдан сўнг сарф-харажатларни ҳисоб-китоб қилиб борса, унга қайси бир агротехник жараёнда ортиқча харажатта йўл қўйганлигини, қайсидан маблағ ёки моддий ресурс тежаб қолинганлигини аниқ билади, ортиқча харажатларга йўл қўймаслик чораларини кўради.

Чекда пудратчи маҳсулот етиштириш, уни тозалаш, ташиш ва бошқа жараёнларда зарур бўлган сервис хизматларидан фойдаланганлик учун амалдаги меъёр бўйича сарф-харажатлар суммаси томонлар келишуви асосида белгиланиши кўрсатилган.

Ширкат хўжаликларида оила пудрати шароитида ҳисоб-китоб ишларини чек усулида олиб бориш ва назорат қилиш ижобий натижалар бермоқда.

Ширкат хўжаликларида пудратчиларнинг сарф-харажатлари уларнинг хўжалик молия-ҳисоб марказидаги шахсий ҳисоб варақаларида қайд қилинмоқда, лимит харажатлари билан ҳақиқий харажатлари таққослаб таҳлил этилмоқда. Пудратчи фойдаланган моддий-техника ресурсларида кўрсатилган сервис хизматлари ҳақи, пудратда ишлаётганларга ҳар ойда бериб туриладиган аванс суммалари чек орқали ҳисоб-китоб қилиб борилмоқда. Шунингдек, минерал ўнгит, ёқилғи-мойлаш материалари, химикатлар учун тўланадиган маблағ ҳам чек орқали ҳисобга олинмоқда. Йил мобайнида барча агротехник тадбирларни ўтказиб бўлгандан сўнг тежаб қолинган маблағнинг иш ҳақига қўшиб берилиши пудратчиларнинг моддий манфаатдорлигини оширмоқда, чек тизимининг жорий қилиниши меҳнат унумдорлиги юқори бўлишига, маҳсулот таннархи пасайишига олиб келмоқда.

Ширкат хўжаликларининг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, ширкатнинг ҳар бир аъзоси йил давомида олган меҳнат ҳақи, мукофоти ва йиллик режани бажариш ҳисобига оладиган қўшимча даромади миқдоридан қатъи назар хўжаликнинг умумий фаолияти якунидаги соф фойда ҳисобидан ўз мулкый пайларига мутаносиб равишда дивидендлар олади. Бу эса унда хўжаликнинг пировард молиявий натижасига қизиқишни ошириб, бефарқлик кайфиятини бартараф қилади, моддий рафбатлантириш механизми йўлга қўйилишини таъминлайди.

Ширкат аъзоларининг моддий манфаатдорлиги уларнинг иш ҳақи ва мукофотлари, шунингдек, йил якуни бўйича оладиган дивидент ҳисобига муттасил ошиб боради.

2.4. Айрим тоифадаги хўжаликларнинг кўлами, маҳсулот етиштиришда тутган ўрни ва салмоғи

3-жадвал

Ўзбекистон Республикасидаги фермер хўжаликларининг иш фаолияти бўйича асосий кўрсаткичлар

Кўрсаткичлар	1999 йил	2000 йил
Фермер хўжаликлари сони (йил охирида), минг	31,1	43,8
Бириктирилган ер майдони участкалари, минг га	665,7	889,7
Ҳир бир фермер хўжалигига тўғри келган ер, га	21,4	20,3
Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари (жорий йил баҳосида, млрд.сўм)	41,2	70,7
Экин майдони, минг га	482,5	632,2
Шу жумладан: дон экинлари	182,2	255,0
техника экинлари	241,7	307,0
улардан пахта	236,4	299,2
Картошка ва полиз экинлари	17,0	17,5
Шу жумладан: картошка	1,8	2,6
Сабзавот	8,7	8,4
Полиз	6,5	6,5
хашақли экинлар	41,7	52,4
Ўртача бир фермер хўжалигига тўғри келади:		
Ҳамма қишлоқ хўжалик экинлари майдони, га	15,5	14,4
Қорамол, бош	5,6	4,5
Шу жумладан, сигирлар	1,6	1,3
Чўчқалар, бош	0,3	0,2
Қўй ва эчкилар	5,5	4,5

4-жадвал

Ўзбекистон Республикасидаги деҳқон хўжаликларининг иш фаолияти бўйича асосий кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	1999 йил	2000 йил
Деҳқон хўжаликлари сони (йил охирида), минг	3090,1	3243,6
Бириктирилган ер майдони участкалари, минг га	462,6	468,3
Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари (жорий йил баҳосида, млрд.сўм)	557,1	921,4
Экин майдони, минг га	394,0	401,5
Шу жумладан: дон экинлари	192,7	195,4
техника экинлари	8,3	7,0
Картошка ва сабзавот-полиз экинлари	139,8	143,0
Шу жумладан: картошка	88,2	40,8
Сабзавот	85,6	86,7
Полиз	15,8	15,5
Хашақли экинлар	53,3	56,1
Ўртача 100га фермер хўжалигига тўғри келади:		
Ҳамма қишлоқ хўжалик экинлари майдони, га	12,9	13,0
Қорамол, бош	147	149
Шу жумладан, сигирлар, бош	68	68
Қўй ва эчкилар, бош	191	195

Ўзбекистонда ўсимликчилик маҳсулотлари етиштириш бўйича хўжаликларнинг салмоғи 5-жадвалда акс эттирилган.

5-жадвал

1997-2000 йилларда республикада ўсимликчилик маҳсулотларини етиштириш ҳажми бўйича барча тоифадаги хўжаликларнинг салмоғи (хўжаликларнинг умумий тоифа бўйича хўжалик таркибидagi салмоғи, % ҳисобида)

Йиллар	Барча тоифадаги хўжаликлар	Қишлоқ хўжалик корхоналари	Фермер хўжаликлари	Дехқон хўжаликлари
1997	100	63,0	4,3	32,7
1998	100	56,4	5,6	38,0
1999	100	52,4	7,4	40,2
2000	100	48,1	8,5	43,4

Шуни айтиш керакки, 1999 ва 2000 йиллар мобайнида етиштирилган чорвачилик маҳсулотларининг асосий қисми ёки 88,2-89,0%и дехқон хўжаликлари ҳиссасига, 10,8-11,0%и эса қишлоқ хўжалик корхоналари ва фермер хўжаликлари ҳиссасига тўғри келмоқда (6-жадвал).

6-жадвал

1997-2000 йилларда республикада чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ҳажми бўйича барча тоифадаги хўжаликларнинг салмоғи (хўжаликларнинг умумий хўжалик тоифаларига нисбати, % ҳисобида)

Йиллар	Барча тоифадаги хўжаликлар	Қишлоқ хўжалик корхоналари	Фермер хўжаликлари	Дехқон хўжаликлари
1997	100	9,5	1,3	89,2
1998	100	10,6	1,3	88,1
1999	100	10,1	1,3	88,6
2000	100	9,4	1,6	89,0

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш бўйича хўжаликларнинг салмоғи 7-жадвалда акс эттирилган.

7-жадвал

1997-2000 йилларда республикада қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш бўйича хўжаликларнинг салмоғи (хўжаликларнинг умумий хўжалик тоифаларидаги салмоғи, фоиз ҳисобида)

Йиллар	Барча тоифадаги хўжаликлар	Қишлоқ хўжалик корхоналари	Фермер хўжаликлари	Дехқон хўжаликлари
1997	100	35,9	2,8	61,3
1998	100	33,7	3,5	62,8
1999	100	32,9	4,6	62,5
2000	100	28,9	5,6	66,0

1997 ва 2000 йилларда ҳам қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда қишлоқ хўжалик корхоналари билан деҳқон хўжаликлари салмоқли ўринни эгаллаган.

8-жадвал

Республикамизда 1999 ва 2000 йилларда етиштирилган жами ўсимликчилик маҳсулотлари (ҳамма тоифадаги хўжаликларда, минг тонна ҳисобида)

Ўсимликчилик маҳсулотларининг турлари	Йиллар	
	1999	2000
Пахта	3600,0	3001,8
Картошка	657,8	731,0
Сабзавот	2680,0	2644,7
Мева, резавор	489,1	790,9
Полиз маҳсулотлари	517,5	451,4
Узум	344,0	624,2

9-жадвал

Республикамизда 1999 ва 2000 йилларда жами ишлаб чиқарилган чорвачилик маҳсулотлари (ҳамма хўжалик категорияларида, минг тонна ҳисобида)

Чорвачилик маҳсулотларининг турлари	Йиллар	
	1999	2000
Гўшт, сўйилган вазнда	481,0	501,8
Сут	3543,4	3632,5
Тухум, млн. дона	1239,6	1254,4
Жун, физик ҳолатда	15,7	15,8
Қорақўл тери, минг дона	712,0	747,6

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2000 йилда 1999 йилдагига нисбатан гўшт, сут ва қорақўл тери етиштириш биров кўпайган.

Шуни айтиш керакки, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини янада кўпайтириш учун фермер, деҳқон ва ширкат хўжаликларида жуда катта имкониятлар мавжуд.

Қисқача хулосалар

Бу бобда қишлоқ хўжалигида бозор муносабатларини такомиллаштириш асосида мулкчиликнинг нодавлат шакллари (ширкат, фермер ва деҳқон хўжаликлари) нинг вужудга келганлиги ва уларнинг шаклланиш босқичлари кўрсатилган. Шунингдек, ширкат хўжаликларида меҳнатни пиروвард натижаларга боғлиқ ҳолда ташкил этиш, оила пудратида чек тизимини қўллаш кабиларни ҳаётга татбиқ этишда давлатнинг раҳбарлик роли билан боғлиқ масалалар ёритилган.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Ширкат, фермер ва деҳқон хўжаликлари қандай афзалликларга эга? Ижарага ер бериш, ижара ҳақини тўлаш, фойдадан келаётган дивидендлар бериш тартиби нималардан иборат?
2. Айрим нодавлат корхоналари (ширкат, фермер, деҳқон хўжаликлари) - нинг маҳсулот етиштириш бўйича барча тоифадаги хўжаликлар орасида тутган ўрни ва салмоғи қандай бўлмоқда?
3. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш қандай тартибда амалга оширилади?
4. Аграр-иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида қандай камчиликларга йўл қўйилмоқда?

Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик тўғрисида»ги қонун. Ўзбекистоннинг янги қонуни. -Т.: «Адолат», №2, 1991.
2. Каримов И.А. Хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш ва рақобатчилик муҳитини шакллантириш иқтисодий ислоҳотлар иккинчи босқичининг асосий вазифаси. -Т.: «Ўзбекистон», 1995.
3. Каримов И.А. Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш. Аграр муносабатларнинг янги турларини шакллантириш. -Т.: «Ўзбекистон», 1995.
4. Каримов И.А. Қишлоқ истиқболи — юрт истиқболи - Т.: «Ўзбекистон», 1996.
5. Н. Я. Коваленко. Экономика сельского хозяйства. Курс лекций. —М. 1999.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ЕР-СУВ РЕСУРСЛАРИ ВА УЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ

3.1. Ернинг қишлоқ хўжалигидаги аҳамияти ва хусусиятлари

Ер жамиятда энг зарур ҳаётий манбадир. Халқ хўжалигининг барча тармоқлари усиз мавжуд бўлиши мумкин эмас. Чунончи, металллар, тошқумир, нефть, газ ва бошқа ер ости бойликлар ердан қазиб олинади, завод-фабрикалар, темир йўллар, ишлаб чиқаришга тааллуқли ва тааллуқли бўлмаган барча объектлар (иншоотлар), шунингдек, шаҳар ва қишлоқлар ерда жойлашган. Ер ишлаб чиқаришнинг бошқа нарсалар билан мутлақо алмаштириб бўлмайдиган бебаҳо бойлиги ва моддий замини ҳисобланади. Инсон меҳнати билан ишга туширилган ер барча бойликларнинг муҳим манбаларидан биридир. Капитализм иқтисодий қонунларини чуқур таҳлил қилган олимлардан бири Петти қайд этганидек, ер ишлаб чиқариладиган бойликларнинг, истеъмом қийматларининг манбаи, бинобарин, «онаси»дир.

Ер халқ хўжалигининг турли соҳаларида турлича вазифани бажаради. Қишлоқ хўжалигида эса ер бутунлай бошқа вазифани — меҳнат буюми ва меҳнат курали, бинобарин, ишлаб чиқариш воситаси вазифасини адо этади. Қишлоқ хўжалик машина ва куроллари ёрдамида ишлов берилиши натижасида ернинг устки қатлами ўзгартирилиб, тупроғи ҳосил етиштирса, ер меҳнат буюми бўла олади.

Одатда, ер ва унинг тупроқ қатламларида қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилини етиштира оладиган химик, физик ва бошқа жуда кўп моддалар мавжуд. Бундай ҳолда ер маҳсулот етиштирувчи энг асосий ва ўзига хос ишлаб чиқариш воситаси вазифасини ўтайди.

Аммо ер қишлоқ хўжалигидаги бошқа ишлаб чиқариш воситаларидан фарқ қиладиган ўзига хос хусусиятларга ҳам эга.

Биринчидан, ер доимо бир жойда ўрнашган бўлиб, ишлаб чиқариш жараёнида уни бошқа бир жойга кўчириш мумкин эмас. Аксинча, бошқа ишлаб чиқариш воситалари, чунончи, трактор ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналари иш жараёнида бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юради ва ҳаракати жараёнида иш бажаради.

Иккинчидан, барча ишлаб чиқариш курол-воситаларини меҳнат яратган бўлса, ер меҳнат маҳсулоти бўлмай, балки дас-таввал табиат маҳсулидир. У фақат ишлаб чиқариш жараёнида меҳнат маҳсулоти ва асосий воситасига айланади.

Учинчидан, ер, шу жумладан, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда фойдаланиш мумкин бўлган ерлар, ер куррасида чекланган бўлиб, улар маълум миқдорга эга. Бу миқдорни ер юзида кўнайтириб бўлмайди.

Агар мавжуд ишлаб чиқариш воситаларидан тўла ва оқилона фойдаланилса ҳамда ерга яхши ишлов берилса, ундан зарур миқдорда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари олиш мумкин.

Тўртинчидан, бошқа ишлаб чиқариш воситалари иш жараёнида эскириб, янгиси ва мукамаллашгани билан алмашинади. Аммо ер иш жараёнида эскирмайди, уни бошқаси билан алмаштириб ҳам бўлмайди. Аксинча, ердан тўғри фойдаланилган тақдирда тупроқ унумдорлиги тобора ортиб боради. Борди-ю, ердан нотўғри фойдаланилса, тупроқ шўрланиб, ботқоққа айланиб, у қишлоқ хўжалик фойдаланишидан чиқиб қолиши мумкин.

Бешинчидан, қишлоқ хўжалигида ернинг энг муҳим хусусиятларидан бири тупроқ унумдорлиги турлича бўлишидир. Тупроқ унумдорлиги уч хил бўлиб, табиий, сунъий ва иқтисодий ёки самарали унумдорликдан иборатдир. Қишлоқ хўжалик экинлари ва ўсимликларнинг ҳосилдорлик даражаси эса тупроқнинг сифатига ва унумдорлигига боғлиқ.

Тупроқ унумдорлиги узоқ вақт давомида табиат кучлари, чунончи, иқлим, табиат ўсимликлари, микрооргаанизмлар, оқар сувлар, ер ости сувлари ва ҳоказолар таъсири остида вужудга келади ва бундай унумдорлик *тупроқнинг табиий унумдорлиги*, деб аталади. Айниқса, тупроқнинг табиий унумдорлиги янги ерларни ўзлаштиришда катта аҳамиятга эгадир.

Тупроқнинг табиий унумдорлиги ҳамма ерларда бир хил бўлиши мумкин эмас.

Одатда, қишлоқ хўжалик экинларининг ҳар йили узлуксиз равишда экилиши натижасида тупроқдаги экин учун зарур бўлган озуқа моддалари миқдори тобора камайиб боради. Аммо инсонлар меҳнат фаолияти туфайли тупроқ унумдорлиги оширилади. Бундай унумдорликни *тупроқнинг сунъий унумдорлиги*, деб аталади.

Тупроқнинг табиий ва сунъий унумдорлиги бир-бири билан қўшилиши туфайли узлуксиз оширилган унумдорликка *тупроқнинг иқтисодий унумдорлиги* дейилади.

Табиий унумдорликдан дурустроқ фойдаланиш билан бирга ерга маҳаллий ва минерал ўғитлар солиниши, экинларга ишлов бериш усуларини такомиллаштириш, механик воситалардан фойдаланиш ва бошқа тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида тупроқ унумдорлиги тобора ортиб боради. Бундан ташқари тупроқнинг мутлақ ва нисбий унумдорлиги ҳам бўлади.

Ҳосилдорликнинг ўсиб бориши *тупроқнинг мутлақ унумдорлиги* ортиб бораётганлигидан далолат беради. Ҳар гектар майдонга сарф қилинган бирлик ҳисобига тўғри келадиган ҳосил миқдорига *тупроқнинг нисбий унумдорлиги* дейилади. Тупроқ унумдорлиги қанча юқори бўлса, ҳосилдорлик ҳам шунча юқори бўлади.

Қишлоқ хўжалик ерларидан фойдаланишдан мақсад тупроқнинг мутлақ унумдорлигини, бинобарин, ҳосилдорликни ошириб боришдангина иборат бўлмай, айна вақтда олинаётган ҳосилнинг қанчага тушаётганини, маҳсулот бирлигига кетаётган меҳнат ва моддий-пул харажатлари тежаб-тергаб сарфланаяптими ёки кўпайиб кетаяптими — шуларни билишдан ҳам иборатдир.

Шундай экан, асосий вазифа - қишлоқ хўжалик ерларининг ҳар гектаридан олинадиган маҳсулот бирлигига оз меҳнат ва оз маблағ сарфлаган ҳолда кўпроқ маҳсулот олишдир. Бунга эришган хўжаликлар қишлоқ хўжалик ерларидан самарали фойдаланилаётган хўжаликлардир.

Шуни айтиш керакки, техника тараққиётининг жадал ўсиши, мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида ҳозирги замон фани ютуқлари ва илғор хўжаликлар тажрибасининг кенг қўлланилиши ҳамда илмий жиҳатдан асосланган қишлоқ хўжалик тизимининг жорий қилиниши туфайли ишлаб чиқаришни интенсифлаштириш даражаси ҳам ортмоқда. Бу эса ҳар қандай усуллар орқали экинлар, шу жумладан, эрта баҳорда пленка остига чигит экиш усули билан пахта ҳосилдорлигини, бинобарин, тупроқнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш имкониятини бермоқда ва ҳ.к.лар.

Маълумки, ердан фойдаланиш, бинобарин, тупроқнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш жуда кўп омилларга, чунончи, тарихий, табиий, техникавий, иқтисодий ва бошқа омилларга боғлиқ бўлиб, булар орасида ижтимоий-иқтисодий шароит нафарлик жамиятининг ишлаб чиқариш усули ҳал қилувчи ўринни эгаллайди. Бугунги кунда асосий ишлаб чиқариш воситалари давлат тасарруфидан чиқарилмоқда, қишлоқларда трактор ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналари хусусий мулкка айлантилмоқда.

Эндиликда хусусий мулкчиликка кенг имкониятлар берилмоқда ва шу туфайли дехқонлар ерни ижарага олиш, техникани сотиб олиш ва ундан унумли фойдаланиш, қолаверса, дон, пахта ва бошқа экинлар ҳосилдорлигидан манфаатдор бўлмоқдалар. Бунда етиштирилган ғалланинг режадан ортиқчасини фермерларга берилиши муҳим аҳамият касб этмоқда ва ҳ.к.лар.

3.2. Ер фонди ва қишлоқ хўжалик ерлари, уларнинг таркиби, фойдаланувчиларга тақсимланиши

Ер фонди дейилганда республика, вилоят, туман жамоа хўжалиқларининг жами ер худуди, яъни қуруқликдаги ер майдонлари билан сув остидаги ер майдонларининг ҳаммаси тушунилади. Бу мавзуда қисман проф. А. Абдуганиев маълумотларидан фойдаланилди.

Республикамизнинг умумий ер майдони 1999 йил 1 январда 44405 минг гектарни ташкил этди. Шундан 60.5%и қишлоқ хўжалик ерларидир. Ундан 21086 минг гектарга яқини қишлоқ хўжалигида фойдаланилади. Бу ерлар унумдор ер ҳисобланади. Жами ер майдонининг 9,6%ини суғориладиган ерлар, 50,5%ини яйловлар, пичанзорлар, 0,8%ини кўп йиллик дарахтзорлар, 34,9%ини йўллар, иморатлар, сув билан банд ерлар ва қолганини аҳолининг томорқа ерлари, ўрмонзорлар, шўр ерлар ташкил этади.

Республиканинг ер фонди ундан фойдаланувчиларга 1999 йилда қуйидагича тақсимланган:

- қишлоқ хўжалиги билан шуғулланадиган барча корхоналарда (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Дехқон ва фермер хўжалиқлари уюшмаси, «Ўзгевасабзавотсаноат-холдинг» компанияси, «Ўзпарандасаноат», «Ўзгўштсаноат» ва бошқа ташкилотларга) - 25328 минг/га;

- ўрмон хўжалиги корхоналарига — 8664,4 минг/га;

- шаҳар, саноат, транспорт, алоқа ва бошқаларга — 2794,3 минг/га;

- заҳирадаги ерларга — 6383,3 минг/га;

- мудофаа ва ички вазирлик ихтиёридаги ерлар — 1204 минг/га.

Республикамиз сув ресурслари манбалари бўйича чекланган.

Қишлоқ хўжалик ерлари орасида суғориладиган ерлар халқ хўжалиги нуқтаи назаридан катта аҳамиятига эга бўлиб, бундай ерлардан ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам пахта, буғдой, шоли ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан муттасил юқори ҳосил олиш мумкин.

Ўзбекистон суғориладиган дехқончилик минтақаси саналади. Ҳозирги вақтда суғориладиган ер майдони 2770 минг гектар бўлиб, бугунги кунда галла муаммосини ҳал қилишда алоҳида аҳамият касб этмоқда. Умуман олганда, Ўзбекистон қишлоқ хўжалик ерларининг ўзига хос хусусияти шундаки, унда экинзорлар салмоғи оз. Ернинг кўп қисми пичанзор ва яйлов ерлари туркумига киради. Аммо бу ерларнинг катта қисми маҳсулдорлиги паст, сувсиз сахро ва ярим сахролардан иборат.

Ўзбекистонда тоғ ва даштларнинг нисбатан кўплиги, шунингдек, сув захираларининг етарли эмаслиги, айниқса, кейинги йилларда Амударёда сувнинг камайиб бораётганлиги ҳайдаладиган ерлар чекланишига сабаб бўлмоқда. Ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалик ерлари таркибида сахро ва ярим сахро ҳамда маҳсулдорлиги паст ўрмонлардан иборат ерлар салмоқли ўринни эгаллайди. Шунингдек, аввал қайд этилганидек, республикада ҳайдаладиган ерлар жуда оз, улар таркибида экинзор ва кўп йиллик дарахтзор билан банд ерлар салмоқли ўрин тутати.

Ўзбекистонда фойдаланилмаётган қуриқ ва бўз ер захиралари мавжуд. Келажақда улардан фойдаланиш учун, албатта, кўплаб моддий-техника воситалари ҳамда қўшимча сув захираларини топип ва улардан фойдаланиш тақозо қилинмоқда. Олимларнинг фикрича, Ўрта Осиёдаги ерларни тўлиқ ўзлаштириш учун Россиянинг шимолий томониغا оқётган Иртиш, Обкаби дарёлар тармоқларини каналлар ёки Каспий денгизи сувларини Уст-юрт платоси орқали тахминан 250 км/масофага насос ёрдамида қувурлар орқали Орол денгизига келтириб қуйиш истиқболлари ҳам бордир.

3.3. Ер - сувдан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар, уларни аниқлаш

Мамлакатимизда халқ хўжалигининг арзон ва мўл-қўл озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда хомашё билан таъминлаш, шунингдек, экспорт эҳтиёжларини қондириш учун ҳар гектар ердан самарали фойдаланиш тақозо этилади.

Одатда, хўжаликларнинг ер майдони бирлиги ҳисобига энг кўп ва арзон маҳсулотлар етиштириши қишлоқ хўжалик ерларидан оқилона фойдаланилаётганидан, уларнинг самарадорлиги ошаётганлигидан далолат беради. Ердан самарали фойдаланиш даражасининг бир қанча кўрсаткичлари мавжуд. Ер майдони бирлиги ҳисобига етиштирилган маҳсулотнинг натурал ва қиймат ифодаси қишлоқ хўжалик ерларидан самарали фойдаланиш даражасини ифодаловчи кўрсаткич ҳисобланади.

Ернинг маҳсулдорлик даражаси олинган ялпи маҳсулотларни тегишли қишлоқ хўжалик ерлари майдонига бўлиш орқали аниқланади ва у қуйидаги формула билан ифодаланади:

$$M_d = \frac{Y_m}{K_m}$$

Бу ерда: M_d -ернинг маҳсулдорлик даражаси;

Ям — олинган ялпи маҳсулот;

Қм - қишлоқ хўжалик ер майдони.

Ердан фойдаланиш самарадорлигини ифодаловчи яна қатор кўрсаткичлар мавжуд бўлиб, улар жумласига қуйидагилар киради:

- экинлар ҳосилдорлиги — бу кўрсаткич, юқорида қайд этилганидек, ялпи ҳосилни экин майдонига тақсимлаш йўли билан аниқланади;

- ердан фойдаланиш самарадорлиги — ҳар гектар майдондан олинган ялпи маҳсулот, ялпи даромад ва соф фойда билан ифодаланади.

$$1 \text{ га ЯМ} = \frac{Ям}{Эм}; \quad 1 \text{ га ЯД} = \frac{ЯД}{Эм}; \quad 1 \text{ га СФ} = \frac{СФ}{Эм}$$

Сув ер билан бирга қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида асосий восита саналади.

Проф. А.Абдуганиев маълумотларида ердан ва сувдан фойдаланиш коэффициентилари тавсия қилинган. Қуйида биз улардан фойдаланамиз:

Чунончи,

а) ердан фойдаланиш коэффициенти. Бунда у фойдаланилган ерни жаами фойдаланиш мумкин бўлган ерга нисбати билан аниқланади.

$$\text{Яъни: } \text{ЕФК} = \frac{Фе}{Же} \quad \text{ёки} \quad \frac{Фе}{Же} * 100$$

б) сувдан фойдаланиш коэффициенти. Бунда у сув берилган майдонни, шу сув билан суғориш мумкин бўлган майдонга тақсимлаш натижасида аниқланади. Яъни:

$$\text{СФК} = \frac{СБМ}{СММ} \quad \text{ёки} \quad \frac{СБМ}{СММ} * 100$$

в) сувдан фойдаланиш самарадорлиги 1 м^3 фойдаланилган сув эвазига олинган ялпи маҳсулот, ялпи даромад ва соф фойда миқдорини ифодалайди. Уларни аниқлашда олинган ялпи маҳсулот қиймати, ялпи даромад ва соф фойда суммасини фойдаланилган сув миқдорига тақсимланади:

$$1 \text{ м}^3 \text{ ЯМ} = \frac{ЯМ}{ФС}; \quad 1 \text{ м}^3 \text{ ЯД} = \frac{ЯД}{ФС}; \quad 1 \text{ м}^3 \text{ СФ} = \frac{СФ}{ФС}$$

Бу ерда ЯМ- ялпи маҳсулот;

СФ — фойдаланилган сув.

е) Суғориш тизимидан фойдаланиш коэффициенти. Уни

аниқлаш учун суғориш тизими бошида олинган сувга шу тизимнинг охиридаги миқдорига тақсимланади:

$$\text{ССФК} = \frac{\text{ССОС}}{\text{ССБС}} \text{ ёки } \frac{\text{ССОС}}{\text{ССБС}} \times 100.$$

3.4. Ер мониторинги ва давлат ер кадастри

Ер мониторинги ва давлат ер кадастрини ёзишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг «Ер кодекси тўғрисида»ги маълумотларидан фойдаланилди.

Ер мониторинги ер таркибидаги ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаш, ерларга баҳо бериш, салбий жараёнларнинг олдини олиш ва оқибатларини тугатиш учун ер ҳолатини кузатиб туриш тизимидан иборат. Давлат ер кадастрини юритиш, ердан фойдаланиш, ер тузиш, ер фондидан белгиланган мақсадда ва оқилона фойдаланиш устидан давлат назоратини амалга ошириш, ерларни муҳофаза қилиш жараёнини ахборот билан таъминлаш ер мониторинги асосида амалга оширилади.

Юқорида келтирилган маълумотга кўра, давлат ер кадастрига қуйидагича таъриф берилади: давлат ер кадастри ерларни табиий хўжалик ва ҳуқуқий режими, уларнинг тоифалари, сифат кўрсаткичлари ва баҳоси, ер участкаларининг жойлашган манзили ва ўлчамлари, уларни ер эгаларига, ердан фойдаланувчиларга, ижарачиларга ҳамда мулкдорларга тақсимлаш тўғрисидаги зарур, ишончли маълумотлар ва ҳужжатлар тизимидан иборат.

Давлат ер кадастри бутун республика учун ягона тизим асосида давлат бюджети маблағлари ҳисобидан давлат кадастри ва ер тузиш хизмати идоралари томонидан юритилади. Демак, ер кадастри қуйидагилардан ташкил топади:

1. Ердан фойдаланувчилар;
2. Ер майдони, унинг таркиби, сифати;
3. Ерни иқтисодий баҳолаш.

Мазкур дастур маълумотларига кўра, давлат ер кадастрини тузиш топография, геодезия, картография, тупроқни агрохимё, геоботаника жиҳатидан ва бошқа йўналишларда текшириш ва бу борада изланишлар олиб бориш, ерларни ҳисобга олиш ва уларга баҳо бериш, ер эгаларининг, ердан фойдаланувчиларнинг, ижарачиларнинг ҳамда мулкдорларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини рўйхатга олиш билан таъминланади.

Ер мониторинги ва давлат ер кадастри «Ер кадастри» асосида амалга оширилади.

Маълумки, ер кадастрини тузишда ҳар бир дала участкасига сифат жиҳатидан баҳо бериш ва карталарни паспортлаштириш керак. Ҳар бир дала картасининг тупроқ ҳолатини, ер ости сувларини ва у ёки бу экинлар бўйича олинган ҳосилдорлик даражасини кўрсатувчи махсус дафтарча тутилади. Бунга ерни паспортлаштириш дейилади. Паспортлаш амалга оширилмоқчи бўлган янги агрономик ва ташкилий тадбирларга хизмат қилади ва иқтисодий баҳо беришда ундан фойдаланилади. Ер кадастрида даставвал ердан фойдаланиш бўйича рўйхат тузилади, айрим ерлардаги тупоқларнинг экинларни экиш ва ўстиришга қай даражада яроқлилиги, тупроқ хусусиятларини акс эттирувчи карталар ва ерларга иқтисодий баҳо бериш каби масалалар кадастрнинг муҳим элементларини ташкил қилади.

Ҳозирги вақтда ер кадастрини тузиш ва унинг амалда қўлланилишига катта эътибор берилмоқда. Чунки, тузиладиган ер кадастридан қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини тўғри режалаштириш, ихтисослаштириш, ирригация ва мелиорацияни жорий қилиш, қишлоқ хўжалигини кимёлаштириш, маҳсулот етиштиришни йўлга қўйиш ҳамда уларга асосли ва табақалашган давлат баҳоларини белгилаш, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш ва маданий-маиший эҳтиёжларга, тегишли қурилишларга участкалар ажратиш, ниҳоят, фермер, ширкат хўжаликлари фаолиятларига ҳаққоний, қиёсий баҳо бериш ва ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш каби ишларда кенг фойдаланилади. Бундан ташқари ер кадастри қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини ва табақалаштирилган солиқни аниқлаш имконини беради.

Одатда, ерларга иқтисодий баҳо беришда ер кадастрининг баллар тизимидан фойдаланилади. У қуйидаги тартибда ҳисобланади: масалан, бир туман ичида ҳар гектар ердан олинган ялли маҳсулотнинг давлат харид баҳосидаги қиймати, сўнгра гектар бошига ялли маҳсулотни энг кўп берган хўжаликнинг ери 100 балл деб асос қилиб олинади. Маҳсулот қиймати ундан камроқ бўлган хўжаликларнинг ерлари қанча балли эканлиги ана шу (100 балл деб олинган) хўжаликка нисбатан олинади ва уларнинг ҳам ерлари неча балл эканлиги аниқланади. Буни қуйида формула билан ифодалаш мумкин:

$$B = \frac{Ямх \times 100}{Ямк};$$

Бу ерда: B — баҳоланадиган ернинг баллари;

Ям — 1 гектар ердан олинган ялпи маҳсулот қиймати (сўм);

Ямк — энг юқори баҳоланган ернинг 1 гектаридан олинган ялпи маҳсулот қиймати.

Шуни айтиш керакки, ерга баллар ёрдамида баҳо беришда гектар ҳисобига тўғри келадиган ялпи ўсимликчилик ва чорвачилик маҳсулотлари олинади.

Одатда, ер қанчалик унумдор бўлса, унда ўстирилган экиннинг ялпи ҳосили ҳам шунчалик юқори бўлиши мумкин.

Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, ҳар гектар экин майдонига тўғри келган ўртача ялпи маҳсулот бўйича камида 3 йиллик кўрсаткичлар олинади ва у хўжалик бир неча йил давомида ердан қандай фойдаланаётганини кўрсатади. Аммо гектаридан ҳосилдорлик кўрсаткичи ердан фойдаланишида унинг иқтисодий самарадорлигини аниқлашда, бинобарин, ерга иқтисодий жиҳатдан баҳо беришда талабга жавоб бера олмайди. Чунки ҳар гектардан олинган ялпи ҳосил турлича, экинзор ҳар хил экинлардан ташкил топган бўлиши мумкин. Бунда ҳар гектар ердан олинган ялпи даромад ва соф даромадгина ерларни баҳолаш ўлчови бўла олади. Ер кадастрини тузиш ер бойлигидан фойдаланишни янада яхшилаш, яъни ҳар гектар ер майдонидан энг кўп ва арзон маҳсулот олиш имкониятини беради.

3.5. Ер-сувдан фойдаланишни яхшилаш ва самарадорлигини ошириш масалалари

Ҳозирги даврда республика вилоятларининг кўплаб хўжаликлариде ерлардан, сув ресурсларидан самарали фойдаланилаётгани йўқ. Проф. А. Абдуғаниев тақдим қилган дастурда аниқ кўрсатилганидек, бунинг қатор сабаблари бўлиб, улар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин: маълум миқдордаги ерлар мелиоратив ҳолатининг ёмонлашганлиги, маҳаллий ва минерал ўғитлардан тўлиқ фойдаланилмаётганлиги, алмашлаб экиш жорий этилмаётганлиги, агротехника тадбирлари ўз вақтида сифатли ўтказилмаётганлиги, сув ва техника воситаларидан яхши фойдаланмаслик.

Мақсадга эришиш учун қатор тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Чунончи, проф. Абдуғаниев А. дастурда қайд

этганидек, ер захини қочириш, шўрни сифатли ювиш, суғориш техникаларини, технологиясини ўзгартириш, ишчи ва хизматчиларни моддий-маънавий рағбатлантириш, сара уруғ экиш, агротехник тадбирларни ўз вақтида, сифатли ўтказиш, ўғитлардан тадбиркорлик билан фойдаланиш, янги техникани, самарали технологияларни жорий қилиш, шунингдек, ер ислоҳотларини қонунлар асосида яхши ўтказиш ва ҳоказолар шулар жумласидандир. Шундай экан, асосий вазифа қишлоқ хўжалик ерларининг ҳар гектаридан олинadиган маҳсулот бирлигига оз меҳнат ва маблағ сарфланган ҳолда кўпроқ маҳсулот олишдир. Бунга эришган хўжаликларни қишлоқ хўжалик ерларидан самарали фойдаланаётган хўжаликлар, деб айтиш мумкин.

Қисқача хулосалар

Ер-сувнинг қишлоқ хўжалигидаги аҳамияти, хусусиятлари, ер фонди, қишлоқ хўжалик ерлари ва уларнинг таркиби, фойдаланувчиларга тақсимланиши, ер-судан фойдаланиш самарадорлиги ва уни ошириш ер кадастри масалалари ёритилган.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Ернинг асосий восита сифатида хусусиятлари, тупроқнинг унумдорлиги ва уни ошириш йўллари нималардан иборат?
2. Ер-сув ресурслари қандай тақсимланган?
3. Ер кадастрининг моҳияти нимада?
4. Ер-сув ресурсларидан фойдаланишни яхшилаш йўллари баён этинг.

Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг «Ер кодекси», «Халқ сўзи». 1998.
2. Каримов И.А. Хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш ва рақобатчилик муҳитини шакллантириш иқтисодий ислохотлар иккинчи босқичининг асосий вазифаси. -Т.: «Ўзбекистон», 1995.
3. Каримов И.А. Қишлоқ хўжалигини ислох қилиш. Аграр муносабатларнинг янги турларини шакллантириш. -Т.: «Ўзбекистон», 1995.
4. Каримов И.А. Қишлоқ истиқболи — юрт истиқболи. Т., 1990.
5. Гречиха В. Н., Когубей М. И. Земельный фонд Узбекистана и перспективы его использования -Т.: «Меҳнат», 1987.
6. Абдуғаниев А. Ўтиш давридаги ер муносабатлари -Т.: ТДИУ, 1997.

ҚИШЛОҚ ХҲЖАЛИГИНИНГ МОДДИЙ-ТЕХНИКА РЕСУРСЛАРИ, ФАН-ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ, САМАРАЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА УЛАРДАН ҲОЙДАЛАНИШ

4.1. Моддий-техника ресурслари, уларнинг туркумлаштирилиши ва хусусиятлари

«Ресурслар» атамаси французча сўз бўлиб, манбаи деган маънони англатади, ишлаб чиқариш жараёнида ёрдамчи маблағни ифодалайди. Кенг маънода ресурслар ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш жараёнида қатнашиши мумкин бўлган моддий-буюмлашган бойлик, табиат бойликлари ҳамда одамлардан иборатдир.

Барча ресурслар қуйидаги туркумларга бўлинади (1-чи-мага қаранг):

- келиб чиқиши жиҳатидан;
- ишлаб чиқаришга муносабати жиҳатидан;
- фойдаланилиши жиҳатидан;
- такрорий ишлаб чиқарилиши жиҳатидан.

Келиб чиқиши нуқтаи назаридан ресурслар табиий ва иқтисодий ресурсларга бўлинади. Табиий ресурслар - табиий шароитлар ва бизни ўраб турган муҳитдан иборат. Буларга ер, сув, ўрмон, ўғитлар, шунингдек, ҳайвонот дунёси ресурслари, қуёш энергияси, прилив ва отлив энергияси киради.

Иқтисодий ресурслар иқтисодий потенциалнинг асосий элементи (қисми) саналади.

Иқтисодий потенциал мамлакатимизнинг иқтисодий қудратини ифодалайди ва халқ хўжалиги миқёсидаги жами ишлаб чиқаришнинг ривожланишига боғлиқ.

Соддароқ айтганда, иқтисодий ресурслар — маблағлар ёки манбалар ишлаб чиқариш жараёнининг имкониятларидир. Улар орасида ишлаб чиқариш объектлари, ишлаб чиқариш иншоотлари, ҳар хил ускуналар, инструмент(асбоб)лар, машиналар, турли-туман алоқа ва транспорт воситалари, беҳисоб меҳнат турлари, шунингдек, турли фойдали ерости қазилмалари. Иқтисодий ресурслар ўз навбатида моддий, меҳнат ва молиявий ресурсларга бўлинади.

Моддий ресурслар жамиятнинг кенгайтирилган такрорий ишлаб чиқаришда фойдаланадиган меҳнат воситалари ва меҳнат буюмлари йиғиндисидан иборат. Улар ишлаб чиқаришнинг барча буюмлашган элементларини: табиий материал (буюмлар), хомашё, меҳнат қуролларини ўз ичига олади.

Молиявий ресурслар давлат ва корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ихтиёрида бўлган пул маблағларидан иборат. Молиявий ресурсларнинг ҳосил бўлиши, тақсимланиши моддий ва қиймат баҳоли товарлар ҳаракатини ифодалайди ва миллий даромаднинг тақсимланиши ва қайта тақсимланиши билан боғланган ҳолатда бўлади.



1-чизма. Ресурсларнинг туркумланиши.

Молиявий ресурслар кенгайтирилган такрорий ишлаб чиқаришни таъминлаш учун ҳозирги замон техника ва технологияларини кенг жорий қилиш асосида интенсивлаш, жамиятнинг моддий ва ижтимоий-маданий эҳтиёжларини таъминлаш учун хизмат қилади. Молиявий ресурсларнинг асосий манбалари моддий ишлаб чиқариш соҳасида яратиладиган соф даромад, асосий ишлаб чиқариш фондлари (қайта тақсимлаш учун) фойдаланиладиган амортизация фонди саналади. Ресурслар ишлаб чиқаришга нисбатан олганда ҳаракатда (ишлатишда)ги ёки ишлаб чиқаришда ва потенциал ҳолатдаги ресурсларга бўлина-

ди. Ишлаб турган ресурсар хўжалик айланмасида фойдаланилаётган жами ресурсларнинг бир қисмини ташкил қилади.

Ишлаб чиқариш ресурсларидан жамият учун моддий бойлик яратишда фойдаланилади. Ишлаб чиқариш ресурслари ер ресурслари, моддий ресурслар, меҳнат воситалари ва меҳнат предмет (буюм)ларидан таркиб топган ишлаб чиқариш воситаларидан иборатдир.

Натура жиҳатидан моддий ресурслар таркибига хомашё, асосий ва ёрдамчи материаллар, ёнилғи, энергия, шунингдек, ярим тайёр маҳсулотлар, ишлаб чиқаришдаги тугалланмаган маблағлар киради.

Меҳнат қилиш қобилиятига эга бўлган одамлар меҳнат ресурсларини ташкил қилади. Бу даставвал меҳнат қобилиятига эга бўлган аҳолидир. Бу ресурслар ноишлаб чиқариш соҳасида аҳолининг турмуш фаровонлиги даражаси меъёрида бўлишини таъминлаш учун шароитлар яратишга хизмат қилади.

Қишлоқ хўжалигида моддий ресурслар ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, улардан самарали фойдаланиш ҳисобга олиниши керак (2-чизмага қаранг). Ресурслар такрорий ишлаб чиқариш усули бўйича қайтадан тикланадиган ва қайтадан тикланмайдиган ресурсларга бўлинади.

Қишлоқ хўжалигида моддий - техника ресурсларининг ўзига хос хусусиятлари
Ер – моддий-техника ресурсларининг ажралмас қисми эканлиги
Моддий-техника ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ишлаб чиқаришнинг мавсумийлигига боғлиқлиги
Моддий-техника ресурсларининг кўлами ва таркиби мамлакатнинг минтақалари бўйича ўзгаради
Қишлоқ хўжалиги моддий - техника ресурслари таркибига жонли организмлар: ўсимликлар, хайвонлар киради
Моддий-техника саноат, ишлаб чиқариш ҳамда қишлоқ хўжалигида яратилган воситаларидан ташкил топади
Моддий-техника ресурслари таркибига капитал сифими кўп бўлган кучли агрегатлар киритилган
Моддий-техника ресурсларидан фойдаланишнинг самарадорлиги АСМга тегишли барча соҳаларнинг фаолиятига (сақлаш, қайта ишлаш, реализация) боғлиқ

2-чизма. Қишлоқ хўжалигида моддий ресурсларининг ўзига хос хусусиятлари.

Такрорланадиган ресурслар одам меҳнати билан яратилган буюмлашган материаллар бўлиб, улар ишлаб чиқариш жараёнида такрорланиб туриши мумкин. Табиат томонидан яратилган ресурслар такрорланмайдиган ресурслар жумласига киради. Бунга биринчи навбатда фойдали қазилмалар, ўрмон, сув ресурслари ва бошқалар киради.

Ҳамма иқтисодий ресурслар ёки ишлаб чиқариш омиллари ягона хусусиятга эга: улар кам учрайди ёки чеклангандир. Шу сабабли ҳам баъзи ресурсларнинг ишлаб чиқариш ҳажми ҳам чекланган бўлиши мумкин.

Вазифа: ҳар қандай ресурслардан исроф қилмасдан, самарали фойдаланишдан иборат.

Шуни қайд этиш керакки, қишлоқ хўжалигининг моддий-техника ресурслари мустаҳкамланиб ва тўхтовсиз ривожланиб боради.

4.2. Фан-техника тараққиёти, унинг йўналишлари, самарали технологиялар

Қишлоқ хўжалигида моддий-техника ресурсларининг мустаҳкамланиб бориши ва такомиллашуви кўп жиҳатдан фан-техника тараққиётига боғлиқ. Техника тараққиёти туфайли экинлар ҳосилдорлиги ва чорва маҳсулдорлиги ошади, маҳсулот бирлигига жонли меҳнат сарфи камаяди, ишлаб чиқариш самарадорлиги ортади.

Агарда пахтачиликда серҳосил ва тезпишар навлар жорий этилса, ўз вақтида ғўзаларга ишлов берилса, улар сифатли қилиб сугорилса, ҳосилдорлик ортади, меҳнат унумдорлиги кўтарилди. Техника тараққиёти дейилганда, қишлоқ хўжалигида моддий-техника ресурсларининг ривожланиш жараёни, бунда ишлаб чиқариш қуроллари ва энергия манбаларидан фойдаланиш ҳамда технологиянинг доимо режали равишда такомиллашуви, улар ишлаб чиқаришни тафсил қилишнинг илғор усуллари билан чамбарчас боғлиқ ҳолда олиб борилиши тушунилади. Бошқача айтганда, техника тараққиёти бир-бирига чамбарчас боғлиқ бўлган ҳолда кечади: бири дехқончилик ҳамда чорвачилик маданиятини ошириш йўли бўлса, иккинчиси қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўп ва арзон етиштириш мақсадида такомиллашган трактор ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналарининг қўлланиши ҳамда мавжуд машиналар конструкцияларини янада такомиллаштириш ва уларнинг янги турларини яратишдан иборат. Бу эса янги техника ва технология жорий қилинишини тақозо этади. Ҳозирги вақтда пахта етиштиришда «Андижон

технологияси», «Исроил технологияси», картошка етиштиришда «Голландия технологияси»нинг жорий қилиниши катта иқтисодий самаралар бермоқда: маҳсулот етиштириш ҳажми ортишига, иш унумдорлигини ўсиши ҳамда пул даромадларини кўпайиб бориши учун қулай имкониятлар яратмоқда.

Пахтачиликда «Андижон технологияси» бўйича чигит эрта баҳорда, одатдагидан 8-12 кун олдин пленка остига экилади, униб чиққан ғўза ниҳоллари рўй бериши мумкин бўлган совуқдан, дўл уришдан сақлаб қолинади, экиннинг қатор оралиғига барвақт ишлов бериш имконияти ҳам яратилади. Сифатли ишлов бериш ва сифатли суғориш асосида гектаридан 7-8 центнер кўпроқ пахта ҳосили олинмоқда. Бу усулни қўллаш натижасида Андижон вилоятидаги фермер, ширкат, деҳқон хўжаликлари пахтачилик соҳасида мисли кўрилмаган ютуқларга эришмоқдалар.

Айниқса, сув танқис йиллари суғоришда «Исроил технологиясини» қўллаш дуруст самаралар бермоқда. «Андижон усули» республикамининг деярли қатор вилоятлари хўжаликларида жорий қилинмоқда ва яхши ютуқларга эришилмоқда.

Сўнгги йилларда ғаллачиликда ҳам айрим ютуқларга эришилмоқда. Бунинг боиси теziишар ва серҳосил янги буғдой навларининг жорий қилинишидир.

Чорвачиликда, насли молларни сунъий қочириш йўли билан уларнинг маҳсулдорлигини ошириш, пиллачиликда Япония ва Хитойдан серҳосил ипак қурти уруғини келтириб, хўжаликларимизда жорий қилиш, мазкур соҳалар самарадорлигини, демак, аҳолининг моддий манфаатдорлигини ошириш имкониятини беради.

4.3. Қишлоқ хўжалигининг моддий-техника ресурслари билан таъминланганлиги ҳамда улардан фойдаланиш даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар

Қишлоқ хўжалигида тегишли коэффициентларнинг ўзгаришига қараб техника тараққиёти даражаси қандай эканлигини белгилайдиган қатор кўрсаткичлар мавжуд. Ҳар 100 гектар ер майдони ҳамда ҳар бир ишловчи ҳисобига тўғри келадиган энергия ва электр қуввати, ҳар 100 гектар майдон ва ҳар 100 сўмлик яши маҳсулот етиштиришга кимёвий воситалар сарфи, етиштирилган маҳсулотларда кимёвий маҳсулотларга кетган маблағлар салмоғи, жорий қилинаётган янги машиналар сони ва янги технология каби кўрсаткичлар шулар жумласидандир.

Энергетик ресурслар қишлоқ хўжалигида моддий-техника ресурсларининг энг кучлиси (энг фаол қисми) ҳисобланади. Улар

механик, электр двигателлари ҳамда электр қурилмалар, шунингдек, иш ҳайвонлари сони (улар механик кучга айлантирилганда) қувватларининг йиғиндисидан иборат. Энергетик ресурслар таркибида қувватларнинг кўп қисми тракторлар, автомобиллар ва комбайнларнинг двигателлари ҳиссасига тўғри келади.

Қишлоқ хўжалигини энергетик ресурслар билан таъминлашнинг асосий кўрсаткичлари энергия билан таъминланиш, электр билан қуrollаниш даражаси ҳисобланади. Энергия билан таъминланиш дейилганда ҳар бир экин майдонига тўғри келадиган энергетик қувватлар миқдори тушунилади. У қуйидаги формула бўйича ҳисобланади ва аниқланади:

$$\mathcal{E}_m = \frac{M_2}{Z_n}$$

Бу ерда: M_2 — энергетик қувватлар миқдори, от кучи;
 Z_n - қишлоқ хўжалик экинлари майдони.

Энергия билан қуrollаниш даражаси энергетик ресурсларнинг қишлоқ хўжалигидаги ўртача йиллик ходимларга бўлган нисбати билан аниқланади.

Масалан, Россия қишлоқ хўжалигида 1990 йилдан 1998 йилгача энергия билан таъминланиш даражаси 15%га камайди ва ҳар 100 га қишлоқ хўжалик экин майдони ҳисобига 305 от кучига тенг бўлди, энергия билан қуrollаниш даражаси 9%га кўпайди ва ўртача бир ходим ҳисобига 55,4 от кучини ташкил қилди. Энергия билан таъминланиш даражаси қишлоқ хўжалигида энергетик қувватларнинг анча қисқариши ҳисобига пасаяди. Бу ерда эса энергия билан қуrollаниш даражаси тармоқда банд бўлган одамлар сони кўчиб кетиш ҳисобига камайганлиги натижасида ўсди.¹

4.4. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаш ва машиналар тизимини такомиллаштириш

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни механизациялаш ва электрлаш меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот таннархини пасайтириш омилидир.

Механизациялашнинг ўзи нима? Механизациялаш айрим иш жараёнларининг машиналар билан бажарилиши бўлиб, механизмлар ёрдамида бажарилган иш миқдорининг от-улов, қўл ҳамда механизмлар воситасида бажарилган жами (эталонга) иш миқдорига бўлган нисбати механизация коэффиценти ёки механизация даражасидир. Бунда қишлоқ хўжалиги ишлари-

¹ Коваленко Л.К. Экономика сельского хозяйства. М., 1999, 154-156.

нинг тўлиқ механизациялаштирилишига эса комплекс механизациялаш ёки тўлиқ механизациялаш дейилади

Ҳозирги вақтда электрлаштиришга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Электрлаштириш дейилганда, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида машиналарнинг электр қуввати ёрдамида ишлатилиши тушунилади. Электр двигателлари ҳамда аппаратлари орқали сарфланган электр энергия миқдорининг хўжаликда сарфланган жами (электр ва механик) энергия миқдorigа нисбати электрлаштириш коэффициентини ёки электрлаштириш даражасини, дейилади.

Қишлоқ хўжалигида пахтачилик, ғаллачилик соҳаларида механизациялаш бўйича анча ютуқлар қўлга киритилди. Аммо бу соҳаларда механизация даражасини қишлоқ хўжалигининг ҳозирги ривожланиши талабларига жавоб бера олмайдиган тармоқлар ҳам бор. Чунончи, чорвачилик, сабзавотчилик соҳаларида ишларни механизациялаштириш даражасини паст, пиллачиликни эса деярли механизациялашмаган дейиш мумкин.

Шуни айтиш керакки, мамлакатимиз қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи бўлган дон хўжалигидаги кўп меҳнат талаб этадиган ишлар тўлиқ механизациялаштирилаётган бир пайтда пахтачиликда ҳали бунга эришилгани йўқ.

Ҳозирги пайтда республикамизнинг машина-трактор паркларидан кўп миқдорда пахта териш машиналари, шу жумладан, Америка комбайнлари, кўшлаб тракторлар ва бошқа машиналар мавжуд.

Шуни айтиш керакки, қишлоқ хўжалигида машиналар сонининг кўпайиши билан бирга улар тизимининг такомиллашуви ҳам алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Қишлоқ хўжалигида машиналар тизими, деб агротехника тадбирларига мувофиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан боғлиқ бўлган барча ишларни кетма-кет бажарадиган турлича машиналар йиғиндисига айтилади. Масалан, пахтачиликда ер ҳайдаш, бороналаш, чигит экиш, культивация қилиш каби агротехника тадбирлари ва ишларини бажариш учун плуг, борона, сеялка, культиватор, пахта ва кўрак териш машиналари ва бошқа бир қанча машиналар талаб қилинади. Бу ерда тракторлар двигатель вазифасини бажаради. Баъзан двигатель билан машинанинг иш органи бирлашиб (ўзйорар комбайн, ўзйорар машиналари) яхлит машина қисмларини вужудга келтиради. Қишлоқ хўжалигидаги машиналар тизими саноатдаги машиналар тизимидан тубдан фарқ қилади ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари бор. Маълумки, аввал айтилганидек, қишлоқ хўжалиги мавсумий хусусиятга эга. Шу сабабли мавжуд машиналар йил давомида тўлиқ ишламайди, омбор ва саройларда туриб қолади.

Машиналар тизими қишлоқ хўжалигининг турли минтақаларига боғлиқ ҳолда турлича бўлади. Чунончи, дон хўжалигидаги машиналар тизими ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, пахтачиликдагидан мутлақо фарқ қилади. Шунингдек, қишлоқ хўжалигидаги машиналар тизими доимо ўзгариб ва такомиллашиб туради.

Умуман олганда, деҳқончилик ва чорвачиликдаги машиналар тизими энг яхши ва такомиллашган ҳолатда бўлиши учун қатор талабалар қўйилмоқда. Улар қуйидагилардан иборат:

- ҳар бир минтақа (зона) шароитини ҳамда илғор технологияни ҳисобга олган ҳолда қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларида комплекс механизацияни жорий қилиш;

- агрегатнинг ҳар бир юриб ўтишида бир эмас, бир қанча амалларни (эгат олиш, ўғит бериш в.х.) бажаришга эришиш ва айниқса пахта ҳосилини териш, ғўзапояни йиғиб олиш ва ундан сўнг кетма-кет ер ҳайдаш ишларини поток (оқим) усулида ташкил қилиш;

- кучли қувватга эга бўлган тез ҳаракат қилувчи тракторлар ҳамда қамраш кенлиги катта бўлган машиналарни ишлаб чиқаришга жорий қилиш;

- кимёвий маҳсулотлардан оқилона фойдаланиш;

- трактор ва машиналарни энг юқори даражада универсаллаштириш, уларнинг иқтисодий ва эксплуатация қилиш жиҳатидан мутлақо талабга жавоб бера олишини ва иш унумдорлиги юқори даражада бўлишини таъминлаш;

- машиналарда ишлаётган ходимлар учун қулай меъёрий шароитлар яратиш ва уларнинг ишларини илмий асосда ташкил қилишни таъминлаш.

Қишлоқ хўжалигида машиналар тизими ва уларни ҳаракатга келтирувчи тракторларни такомиллаштириш ҳамда энергия қувватини ошириш энг муҳим масала ҳисобланмоқда. Шу жиҳатдан қараганда сўнгги йилларда Ўзбекистон далаларида Америка тракторлари ва комбайнлари ишлаётганлиги алоҳида аҳамият касб этади.

4.5. Бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалигида моддий-техника ресурсларини шакллантиришнинг хусусиятлари, улардан самарали фойдаланиш

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитларида ҳар бир фермер, ширкат ва деҳқон хўжалиги қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантириш учун зарур моддий-техника базасига эга бўлиши лозим.

Барпо этилаётган ва яратилаётган моддий-техника ресур-

слари ишлаб чиқаришни механизациялаш, комплекс механизациялаштириш имкониятини бера олсин. Бунда иккита муаммо бўлиб, уларни яратиш ҳамда қандай манба ҳисобидан пул олиб қоплаш. Одатда, моддий-техника ресурсларининг бир қисми хўжаликни ўзида қуриш ва таъмирлаш ва сотиб олиш ҳисобига бўлади. Шунингдек, уларнинг бир қисми ижарага олиб фойдаланиш ҳисобига барпо этилмоқда. Шуниси ҳам борки, саноатда ишлаб чиқарилган моддий-техника ресурслари қимматга тушмоқда. Деҳқонлар уларни сотиб олишда қийналмоқдалар. Жуда кўп ишлар кўл билан бажарилмоқда, натижада меҳнат унумдорлиги ҳам паст даражада бўлиб, маҳсулот таннархи қимматлашмоқда. Рентабеллик паст, фойда ҳам оз бўлмоқда.

Моддий ресурсларни сотиб олиш учун хўжалик етарли даражада манбаларга эга бўлиши лозим. Моддий ресурслар, амортизация ажратма фондлари ҳамда четдан бериладиган кредитлар ҳисобига олинадиган маблағ манба ҳисобланади. Бунда лизинг кредитини жорий қилиш йўли билан кредитдан фойдаланиш тавсия қилинади.

Туманлар ҳокимиятлари ҳар йилги маҳаллий бюджетлар кўрилаётганда хўжаликлар фойдаланиши учун узоқ ва қисқа муддатли, имтиёзли кредитлар ажратилишини режалаштириши тақозо этилади.

Моддий ресурсларни шакллантиришда, давлат томонидан қўлланиладиган иқтисодий механизмлар тобора кенгроқ жорий этилиши, экинлар ҳосилдорлиги, чорва маҳсулдорлиги, ходимларнинг кўп ва сифатли маҳсулот етиштириш манфаатдорлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Бу эса моддий-техника ресурслари кўпайиши ва мустақамланишига шароит яратади.

4.6. Лизингнинг ресурсларни яратишдаги аҳамияти

Лизинг асосида қишлоқ хўжалик моддий-техника ресурсларини тўлдириш катта аҳамият ва имтиёзга эга. Чунки заводдан етказиб бериладиган машина, трактор ва ҳ.к.лар хизматларни нақд пулга сотиб бўлмаётми, улар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан алмаштирилади. Қишлоқ хўжалик корхоналари товар шаклида бир неча йил давомида қарздан қутулади. Моддий-техника базаси кучсизроқ бўлган фермерлар учун ҳам лизингдан фойдаланиш қулайдир.

Лизинг корхона ишлаб чиқариш воситаларини тиклаш мақсадида мол (товар) шаклида ижарага бериш йўли билан корхоналарни молиялаштиришдан иборат.

Ижарага олган корхона эгасининг балансида лизинг асосида берилган ишлаб чиқариш воситалари акс этирилмайди.

Лизингда узоқ муддатта кредитга олинган ишлаб чиқариш воситалари нақд пулга сотилмайди, балки ресурслар имтиёзли ижарага бериб борилади. Одатда, лизинг асосида ижара шартномаси ҳам тузилган бўлади, техникалардан корхоналар ўз мулкидек фойдаланаверадилар.

Ижарага тўланадиган ҳақ асосий воситалар суммасидан кўпроқ ёки камроқ бўлиши мумкин. Шартнома муддатлари давомида ижарачига мулкни сотиб олиш ҳуқуқи берилган бўлади. Ижара хизмат қилиш муддатидан кўпроқ белгиланиши керак. Чунончи, тракторларнинг меъёр бўйича хизмат қилиш муддати 10 йил дейлик, шартнома эса 6-8 йил муддатга тузилган бўлади. Қолган 2-4 йи муддат учун мулк текинга қишлоқ хўжалиги корхонаси ихтиёрига берилади, унинг хусусий мулки бўлиб қолади. Лизинг товар кредитидан фарқ қилади. Россияда 1994 йилдан бошлаб ҳар қайси вилоятда давлат бюджетидан лизингга фонд ажратила бошланди.

Ҳозирги вақтда ривожланган қатор мамлакатларда лизинг усули кенг жорий қилинмоқда. Чунончи, инвестиция умумий ҳажмида лизинг АҚШда 27%, Буюк Британияда 20%, Европа мамлакатларида 8%ни ташкил қилмоқда.

Бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалигида инқироз ҳолатлари натижасида лизингдан ташқари товарлар кредитга ҳам бериладиган бўлди. Хўжаликларга нақд пул маблағлари бўлмаганлиги сабабли ёнилғи-мойлаш материаллари, ўғитлар, қурилиш моллари ва бошқалар ишлаб чиқариш воситаларини кредитга бериш жорий қилинади. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчиларни қийин аҳволдан чиқариш учун техника, ёнилғи келаси йил ҳосилидан сўнг тўлаш шарти билан ҳам берилмоқда.

Ҳозирги шароитда моддий ресурсларни турли йўллар билан яратиш мумкин. Чунончи, қишлоқ хўжалик корхоналари товар ва молиявий кредит, лизинг йўллари, деҳқонларнинг турлича уюшма (кооперация)лари орқали ҳам ишлаб чиқариш воситалари билан таъминланмоқдалар. Қишлоқ хўжалиги билан саноат ўртасидаги мол алмашувида баҳолар давлат томонидан тартибга солиб турилади.

Моддий ресурслар самарадорлигини ошириш учун уларнинг исроф қилинишини камайтириш, қишлоқ хўжалик ерлари ҳосилдорлигини, чорва маҳсулдорлигини ошириш, қишлоқ хўжалик маҳсулот ва материаллари сифатини яхшилаш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, технологияни такомиллаштириш тақозо этилади.

Қишлоқ хўжалик моддий-техника таъминотида хўжалик, кредит ва молия усулларини такомиллаштириш лозим.

Бу кабилар амалга оширилса, қишлоқ хўжалик маҳсулот бирлигига ресурслар таннархи камаяди. Натижада, ялпи маҳсулот, соф маҳсулот (ялпи даромад), соф даромад кўпайиб боради.

4.7. Илмий-техника тараққиётининг иқтисодий самарадорлиги ва уни аниқлаш асослари

Илмий-техника тараққиётининг иқтисодий ва технологик самарадорлигини аниқлаш мақсадга мувофиқдир.

Илмий-техника тараққиётига иқтисодий баҳо беришда ресурслардан фойдаланиш даражаси, сарфларни камайтириш ҳисобига тежам кўпайиши, моддий-пул харажатларини қоплаш муддатини қисқартириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини интенсивлаштиришни тезлатиш, тармоқ самарадорлигини ошириш лозим. Бунинг учун маълум бир маҳсулот тури бўйича янгиликни (технологияни, техникани, ускуналар ишлаб чиқариш ташкил қилинишини) жорий қилмасдан аввал ва жорий қилингандан сўнг ишлаб чиқариш натижалари солиштирилади. Технологик баҳо бўйича ҳам иш натижалари солиштириб кўрилади. Бунда маҳсулотдаги меҳнат сифими миқдори, энергия миқдори сифими аниқланади.

Илмий-техника тараққиёти иқтисодий самарадорлигининг асосий ўлчами (критерияси) сифатида умуман соф маҳсулот кўпайиши ва уни аҳоли жон боши ҳисобига миқдори, ўсиши олинади. Тармоқда ҳар бир ходим ҳисобига қанча кўп ялпи маҳсулот ишлаб чиқарилса, моддий, меҳнат ва пул ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги ҳам шунча юқори бўлади.

Илмий-техника тараққиётининг иқтисодий самарадорлиги натура ва қиймат кўрсаткичлари ёрдамида аниқланади. Бу даставвал қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигининг ўсиши, ишлаб чиқариш жараёнида ҳосилни сақлаш ва сотиш даврида исрофгарчилик камаяётганлигида ўз ифодасини топади.

Илмий-техника тараққиётининг иқтисодий самарадорлиги қатор кўрсаткичлар ёрдамида аниқланади: меҳнат унумдорлиги даражаси, маҳсулот таннархининг арзонлашуви, харажатларни қоплашнинг ўсиши, фонд қайтими, ишлаб чиқариш рентабеллигининг кўпайиши.

Ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалигида маҳсулотларнинг ўсиш суръати асосий ишлаб чиқариш фондларининг ўсишидан орқанда қолмоқда.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида янгиликни жорий қилиш самарадорлигини аниқлашда куйидаги шаклдан фойдаланамиз:

$$\varepsilon = \frac{P_1 \cdot \Phi_6}{P_2 \cdot \Phi_0};$$

Бу ерда: P_1 ва P_2 — маълум бир маҳсулот тури бўйича янги техника ва технологияни қўллагандан ва қўллагандан сўнг меҳнат унумдорлиги даражаси 1 ц.га нафар соати;

Φ_0 ва Φ_6 — янги техника ва технология қўллагандан олдин ва қўллагандан кейин фонд сизими.

Қишлоқ хўжалигининг маълум бир тармоғида техника тараққиётини янги техника ва технологияни қўллагандан олдинги ва қўллагандан кейин янги маҳсулот ҳажмининг қўпайиши илмга қилинган сарф-харажатлардан олдинда бораётганлигида кўриш мумкин. Бундай ижобий натижа эса фан-техника самарадорлиги юқорилашаётганидан далолат беради.

Одатда, янги техника ва технологияларга қилинган инвестицияларнинг ҳам самарадорлиги аниқланади. Бунда уларни жорий этиш туфайли тежалган харажатлар; олинган қўшимча соф даромад суммасини уларга қилинган инвестициялар суммасига тақсимлаш лозим.

Юқорида қайд этилган кўрсаткичлар ҳолатини аниқлаб моддий-техника ресурсларнинг ҳолати, даражаси, самарадорлиги аниқланади. Улар чуқур таҳлил қилинади. Натижада бу жараёнга таъсир этган омиллар аниқланиб, келажақда уларни яхшилаш чора-тадбирлари белгиланади.

Қисқача хулосалар

Бу бобда моддий-техника ресурслари, уларнинг моҳияти, моддий-техника тараққиёти, шунингдек, бозор иқтисодиёти шароитларида уларни шакллантириш, илмий-техник тараққиётнинг самарадорлиги ва ҳоказолар баён этилади.

Назорат ва муҳокама учун саволар

1. Нима учун фан-техника тараққиёти, самарали технологиялар мавжуд?
2. Қишлоқ хўжалигининг моддий-техника ресурслари билан таъминланиш даражасини ифодаловчи қандай кўрсаткичлар бор?

Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. 1994 йил 21 январдаги иқтисодий ислохотлари янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида. -Т.: «Ўзбекистон», 1994.
2. Каримов И.А. Қишлоқ хўжалигини ислох қилиш. Аграр муносабатларнинг янги турларини шакллантириш. -Т.: «Ўзбекистон», 1995.
3. Каримов И.А. Қишлоқ истиқболи — юрт истиқболи. -Т., 1990.
4. Каюмов Ф. К. Эффективность АПК в условиях перехода к рынку -М.: ИПО, Поигран, 1992.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ АСОСИЙ ВА АЙЛАНМА ФОНДЛАРИ, УЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ

5. 1. Асосий ва айланма фондлар ҳақида тушунча, уларнинг аҳамияти ва туркумлари

Халқ хўжалигининг барча тармоқлари каби қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш кўпайтириш, уларнинг таънарини арзонлаштириш, хўжаликларнинг рентабеллигини йилдан-йилга кўтариш ҳамда меҳнаткашлар моддий фаровонлиги даражасини оширишда ишлаб чиқариш воситалари ҳал қилувчи омил ҳисобланади.

Маълумки, ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этишда учта асосий омил (элемент):

- инсон меҳнати;
- меҳнат воситалари (қуроллари);
- меҳнат ашёлари (буюмлари) талаб этилади.

Меҳнат буюмлари — табиат буюмлари ёки аввалги меҳнат маҳсули бўлиши мумкин. Меҳнат буюмларига хомашё, уруғлик, ем-хашак, ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари (материаллари), химикатлар, ярим тайёр маҳсулотлар ва ҳоказолар киради. Меҳнат воситалари (машина, асбоб ва ҳ.к.) эса шундай нарсаки, инсонлар улар ёрдамида ўз эҳтиёжлари учун зарур бўлган маҳсулотларни етиштириш мақсадида меҳнат буюмларига таъсир қиладилар. Меҳнат воситаларига меҳнат қуроллари, ер, бинолар, каналлар ва бошқалар киради. Меҳнат воситалари орасида меҳнат қуроллари ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бу ерда меҳнат буюмлари ва меҳнат воситалари айни вақтда ишлаб чиқариш воситаларини ташкил қилади. Ишлаб чиқариш воситалари моддий ишлаб чиқариш жараёнида пул ва моддий ҳолатида иштирок этади ва уларни айни вақтда ишлаб чиқариш фондлари, деб ҳам юритилади.


Ишлаб чиқариш воситалари иш жараёнида ўз қийматини маҳсулотларга кўчириш жиҳатидан асосий ва айланма воситаларга бўлинади. Ишлаб чиқариш жараёнида ўз қийматини маҳсулотларга бир иш даврида тўлиғи билан кўчириб, асил (натура) табиий ҳолатдаги кўринишларини ўзгартирувчи ишлаб чиқариш воситаларига айланма воситалар дейилади. Уруғлик, ёнилғи-мойлаш ашёлари, кимёвий воситалар, ем-хашаклар, кам баҳоли, тез эскирувчи буюмлар, жорий валюта счегидаги, кассадаги маблағлар, берилган иш ҳақи ва ҳоказолар айланма воситаларни ташкил қилади.

Етиштирилаётган маҳсулотларга ўз қийматларини бир қанча иш даврида оз-оздан ўтказиб борувчи меҳнат воситаларига эса асосий ишлаб чиқариш воситалари ёки асосий ишлаб чиқариш фондлари дейилади.

Асосий ишлаб чиқариш фондларининг турлари кўп. Ер ва сув ҳам асосий ишлаб чиқариш воситаси бўлишига қарамай, асосий ишлаб чиқариш фонди бўла олмайди. Чунки уларнинг қиймати йўқ ва хўжаликнинг балансида пул ифодасида акс эттирилмайди. Аммо шуниси борки, ернинг унумдорлигини ошириш мақсадларида қилинган тадбирларга кетган харажатлар аста-секин маҳсулотларга кўчади.

Қишлоқ хўжалигида фондларнинг айрим туркумларга бўлиниши 3-чизмада келтирилган.

Қишлоқ хўжалигида фондларнинг туркумлари



3-чизма. Қишлоқ хўжалигида фондларнинг туркумланиши.

Қишлоқ хўжалигида асосий фондлар ўз навбатида қишлоқ хўжалиги учун аталган асосий ишлаб чиқариш фондларига (воситаларига) ва ноишлаб чиқариш асосий фондларига бўлинади. Сўнгиларига маданият саройлари, соғлиқни сақлаш, ясли, ҳаммом, савдо-сотик бинолари киради. Бугунги кунда республикамиздаги жами асосий фондларининг бешдан тўрт қисми қишлоқ хўжалиги асосий фондлари ҳиссасига тўғри келади. Улар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришда катта аҳамият қасб этади.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида бу асосий ишлаб чиқариш фондлари куйидагича:

- бинолар, иншоотлар ва узатувчи мосламалар;

Шу жумладан, ирригация ва мелиорация ва яйловлардаги суғориш иншоотлари;

- асбоб-ускуналар ва куч машиналари;
- Шу жумладан*, тракторлар;
- ускуналар ва иш машиналари;
- транспорт воситалари;
- иш ҳайвонлари;
- сут берувчи қорамоллар;
- кўп йиллик дарахтлар;
- ерни ишлаш учун қилинган сарфлар;
- бошқа асосий фондлар.

Бозор иқтисодиётига ўтиладиган ҳозирги шароитда асосий фондлардан фойдаланиш учун уларнинг бир қисми ижарага берилмоқда, бир қисми сотиб олинмоқда ва сотилмоқда.

Асосий фондларнинг таркиби ҳар бир хўжаликнинг йўналишига қараб, турли хўжалик ва тармоқларда турлича бўлади. Ўсимликчилик соҳасидаги асосий фондларнинг таркиби чорвачилик соҳасидаги асосий фондлар таркибидан фарқ қилади. Агар ўсимликчиликда жами асосий фондларнинг тўртдан уч қисми техника воситаларига тўғри келса, чорвачиликда эса фондларнинг учдан икки қисми чорва бинолари, маҳсулдор ҳайвон, иншоотлар ва ҳоказоларнинг қийматига тўғри келади.

Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалиги асосий ишлаб чиқариш фондларининг (чунончи, собиқ колхозларда) 43,1%и бино, иншоотлар ва узатувчи мосламаларга, 19,9%и асбоб-ускуна ва куч машиналарига, 13,1%и асбоб-ускуна, иш машиналарига тўғри келган бўлиб, бу 76,1%ни ташкил қилган ва ҳоказо.

Қишлоқ хўжалиги учун аталган асосий ишлаб чиқариш фондлари ҳам ўз навбатида шартли равишда яна айрим турларга бўлинади. Улар трактор ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналари, шунингдек, қишлоқ хўжалигининг ўзида етиштириладиган маҳсулдор ҳайвон ва кўп йиллик мевали дарахтлардан иборат бўлиб, асосий ишлаб чиқариш фондларининг энг фаол (актив) қисмини ташкил қилади. Одатда, бундай фондлар учун сарфланган маблағлар тезда ўз самарадорлигини кўрсата олади.

Шуни айтиш керакки, асосий ва айланма воситаларга кирувчи ишлаб чиқариш воситалари қишлоқ хўжалигининг ривожланишида ғоятда катта аҳамият касб этади. Улардан унумли фойдаланиш натижасида маҳсулот етиштириш кўпаяди, жонли меҳнат сарфи камаяди, меҳнат унумдорлиги ортади ва ҳозако.

Асосий фондларни баҳолаш ҳақида тушунча ва бу фондларнинг турлари.

Қишлоқ хўжалигида асосий фондлар натура ва пул (қиймат) шаклида ҳисобга олинади.

Натура шаклидаги кўрсаткич ишлаб чиқариш фондларининг миқдори ва сифатини кўрсатади. Натура кўрсаткич асосий воситаларнинг ишлаш имкониятлари ва хизмат қилиш муддатлари ҳақида маълумот бера олади. Пул ёки қиймат шаклидаги кўрсаткич эса асосий фондларнинг ўсиб бориши учун сарфланган пул суммаси ҳамда фондларнинг эскириш қийматини акс эттиради.

Асосий фондлар уч хил қиймат:

- бошланғич;
- тикланиш;
- қолдиқ қийматлари билан қайта баҳоланади.

Бошланғич (дастлабки) қиймат асосий фондларни ташкил этишдаги (яратишдаги) ҳақиқий харажатларни кўрсатади.

У асосий фондлар (трактор ва х.к.лар) нинг сотиб олиш қийматини, уларни хўжаликка келтириш, монтаж қилиб, ишга тушириш каби харажатларни ўз ичига олади.

Қолдиқ қиймат эса асосий фондлар қийматидан ейилиш (эскириш) қиймати чиқариб ташлангандан кейин қолган қисmini кўрсатади.

Тикланиш қиймати — асосий ишлаб чиқариш воситалари (фондлари)нинг ҳозирги вақтдаги сотиб олиш қийматидир.

Одатда, техника ва бошқа асосий фондларни дастлабки қиймати бўйича ҳисоблашни жуда ҳам тўғри, деб бўлмайди. Чунки у ёки бу фонднинг ҳозирги таннархи ёки баҳоси уни бундан бир неча йил олдин ишлаб чиқаришга кетган харажатларга қараганда ўзгарган бўлиши мумкин. Шунинг учун у ёки бу асосий фонд (трактор)нинг такомиллашганини ҳисобга олган ҳолда давлат комиссияси томонидан қайта қўйилган баҳоси унинг тикланиш қиймати бўлади.

Қайта баҳолашда сўнги йиллардаги баҳо билан бирга асосий фонд ёки иншоотларнинг эскириши ҳам, албатта, ҳисобга олинади. Қайта баҳоланиш йўли билан асосий ишлаб чиқаришнинг тикланиш қиймати белгиланиб турилади, аксинча, қишлоқ хўжалик ерлари эса, аввал айtilганидек, қийматга эга эмас. Шунингдек, кўп йиллик дарахтлар қиймати уларни экиш ва парваришлаш харажатлари бўйича ҳисобланса, ёш молларни асосий подага кўчириш (ўтказиш)да улар таннархи бўйича қайта баҳоланади.

Шуни айтиш керакки, асосий фондлар икки хил, яъни табиий, ва маъновий жиҳатдан эскиради.

Табиий эскириш (ейилиш) — фондларнинг ишлаб чиқаришда қатнашиши натижасида аста-секин эскириб боришидир.

Маънавий эскириш деганда, хўжаликдаги мулкларнинг

ишлаб чиқаришда иштироқ этиш муддати битмасдан ишга яроқсиз бўлиб, сафдан чиқиб қолиши тушунилади. Бу биринчидан, техника тараққиёти натижасида янги ва унумдорлик жиҳатидан юқорироқ кўрсаткичларга эга бўлган машиналар яратилганда, иккинчидан, машиналарнинг баҳоси арзонлашиб, кам харажатли машиналар ишлаб чиқарилганда содир бўлади.

Асосий фондларни эскириш қийматларидан ажратиш йўли билан тўланадиган фонд амортизация фонди дейилади.

Бундай фонддан асосий фондларнинг капитал таъмири ва уларни тиклаш учун фойдаланилади ва ҳ.к.

Аввал қайд этилганидек, ҳар бир қишлоқ хўжалик корхонаси ишлаб чиқаришида асосий ишлаб чиқариш фондларидан ташқари айланма фондлар ҳам қатнашади. Шунини айтиш керакки, қишлоқ хўжалигида айланма маблағлар саноатдан ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларидан фарқ қилади. Чунки, қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусияти туфайли айланма маблағлари айланиши, бинобарин, ишлаб чиқариш муддати узоққа чўзилади. Шундай қилиб, айланма маблағларни, белгиланган иш даври давоми учун кўпроқ миқдорда сарфлаш (аванс қилишни) тақозо этилади. Қишлоқ хўжалиги айланма маблағларининг таркиби 4-чизмада келтирилган.

Шунини айтиш керакки, ишлаб чиқаришдаги айланма маблағлар куйидаги уч қисмдан иборат:

- ишлаб чиқариш заҳиралари (уруғлик, ем-хашак, нефть маҳсулотлари, минерал ўғитлар, заҳарли химикатлар, ёқилғи ва мойлаш материаллари, дори-дармонлар ва ҳоказо);

- тугалланмаган ишлаб чиқариш заҳиралари (кузда келгуси йил ҳосили учун ер ҳайдаш ва ҳоказоларни амалга ошириш жараёнидаги сарфлар);

- бўрдоқидаги моллар ҳамда ёш моллар.


Ҳар бир хўжаликда ишлаб чиқаришдаги айланма фондлардан ташқари муомалада айланма фондлар ҳам бўлади. Муомаладаги айланма фондларга сотилиши ва тақсимланиши керак бўлган маҳсулот, пул маблағлари ва тугалланмаган ҳисоб-китобдаги маблағлар киради. Ишлаб чиқаришдаги ҳамда муомаладаги айланма фондларининг йиғиндиси, ўз навбатида, корхонанинг айланма маблағларини ташкил қилади.

Қишлоқ хўжалиги айланма маблағлари маълум вақт ичида доира айланиб, кетма-кет учта асосий bosқич (стадия)дан ўтиб, ҳаракат ҳолатида бўлади.¹

Айланма воситаларнинг таркиби йил давомида ҳамма вақт ҳам

¹Коваленко Н.Я. Экономика сельского хозяйства. М. 1999, с. 299-300.

бир хил миқдорда бўлавермайди. Чунончи, чорвачиликда айланма воситалар ичида салмоқли ўринни ем-хашак эгалласа, дехқончиликда уруғликлар эгаллайди. Умуман олганда, айланма воситаларнинг таркиби қатор омиллар таъсири остида ўзгариб туриши мумкин. Масалан, чорвачиликка ихтисослашган хўжаликларда кўпроқ ем-хашак, ёш ва семиртиришга қўйилган моллар, касал молларни даволаш учун ишлатиладиган дори-дармонлар айланма фондларнинг кўп қисмини ташкил этса, ўсимликчилик, шу жумладан, пахтачилик хўжаликларида эҳтиёт қисм, минерал ўғитлар, ёқилғи ва мойлаш материаллари, шунингдек, тугалланмаган ишлаб чиқаришдаги маблағлар ўз миқдори жиҳатидан салмоқли ўринни эгалламоқда. Мавсумга боғлиқ ҳолда у ёки бу айланма воситаларга бўлган ишлаб чиқариш вақти ва муомала вақти йиғиндиси доира айланиш вақтини ташкил этади.



4-чизма. Қишлоқ хўжалик айланма маблағларининг таркиби.

Масалан, чорвачиликда молларни қишки оғилда боқиш бошланишидан бошлаб, ем-хашак ва тўшамаларга, деҳқончиликда эса, экиш бошланганда уруғликка бўлган талаб ортади ва ҳоказо.

Ҳар бир хўжалик иш жараёнларини йил давомида ўз меъёрида олиб бориш учун зарур миқдорда айланма маблағларга эга бўлиши лозим. Айланма фондларнинг муҳим қисмларидан ёқилғи ва мойлаш материалларига бўлган эҳтиёжни зарур миқдорда қондириш ва улардан оқилона фойдаланиш, нефть хўжаликларини тўғри ташкил қилиш катта аҳамиятга эга.

Баъзи айланма воситаларнинг эҳтиёжга нисбатан ортиқ бўлиши ёки етишмаслиги ишлаб чиқаришга салбий таъсир кўрсатади. Бундай ҳолга йўл қўймаслик учун захиралар миқдори меъёрида белгиланиши керак.

Айланма маблағлар қанчалик тез ҳаракатланса ва айланмиш сони ортса, фойдаланиш самараси шунчалик юқори бўлади. Буни аниқ тасаввур этиш учун мисол келтирамиз: айтайлик, Тошкент вилоятининг Зангиота тумани «Тўқимачилик» хўжалигида бир ходим бир қиш мавсумида иссиқхонада помидор ва бодринг етиштириш учун 100 минг сўм сарфлаган. Бунда экин бир мавсумда уч мартаба экин экилиб, уч мартаба ҳосил олинган ва сотилган. Бу ерда айланма маблағларнинг суммаси 300 минг сўм эмас, балки 100 минг сўмдир (300 000:3). Чунки ҳар гал ҳосил етиштиришда ўша 100 минг сўм айланма маблағ вазифасини бажарган.

Шунингдек, ишлаб чиқариш ва муомала доираси қанчалик қисқа бўлса, айланма маблағларнинг доиравий айланиши даври ҳам шунча камроқ, бинобарин, бундай маблағларнинг ҳаракат тезлиги кучайган бўлади.

5.2. Асосий ишлаб чиқариш фондлари ва уларнинг самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар

Маълумки, қишлоқ хўжалигида асосий фонднинг энг фаол ва кучли қисми трактор ва бошқа қишлоқ хўжалиги машиналари ҳисобига кўпаймоқда.

Одатда, меҳнатнинг бу борадаги асосий фондлар билан таъминланганлик даражаси муайян хўжалик, фермер, ширкат хўжалигида бошқа хўжалик даражасидан юқори ёки пастлигини, айрим бир хўжалик мисолида бир неча йиллар давомида улар кўпайган ёки кўпаймаганлигини билиш учун қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади:

1. Меҳнатнинг асосий ишлаб чиқариш фондлари билан

куролланиши. Бунда асосий фондларнинг (баланс қиймати бўйича) ҳар бир ишловчига тўғри келган йиллик ўртача миқдори кўрсатилади.

2. Хўжаликнинг асосий фондлар билан таъминланганлиги. Бу қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ҳар 100 гектар экин майдонига тўғри келадиган асосий фондлар қийматида олинади.

Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалигининг асосий фондлар билан таъминланганлик ва меҳнатнинг қуролланиш даражаси аста-секин ўсмоқда.

Кўп-йиллик маълумотларга кўра, совет ҳокимияти йилларида қишлоқ хўжалигининг фондлар билан таъминланиш ҳамда меҳнатнинг қуролланиши даражаси жиҳатидан Ўзбекистон Республикаси собиқ СССРдаги ўртача даражадан орқада қолган эди.

Маълумки, асосий ишлаб чиқариш фондларининг кўпайиши жонли меҳнат сарфини камайтиради, меҳнат унумдорлигини оширади, маҳсулот таннархини пасайтиради.

Асосий ишлаб чиқариш фондларининг самарадорлигини ифодаловчи бир қанча кўрсаткичлари бор. Асосий ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги фонд қайтими ва фонд сифими кўрсаткичларида аниқланади.

Фонд қайтими — қишлоқ хўжалиги маҳсулоти қиймати қишлоқ хўжалигига аталган, ишлаб чиқаришда ишлатилган асосий маблағларга бўлиш йўли билан аниқланади. У қуйидаги шаклда келтирилган:

$$\Phi_k = \frac{ЯМ}{\Phi};$$

Бу ерда: Φ_k — фонд қайтими;

ЯМ — ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулоти;

Φ — асосий фондларнинг йиллик ўртача қиймати, сўм.

Шу формуланинг тескарисини ($\Phi/ЯМ$) фонд сифимини ифодалайди.

Шуни айтиш керакки, фонд қайтими ва меҳнат унумдорлиги ҳамда фонд билан қуролланганлик ўртасида узвий боғланиш бор.¹

$$\Phi_k = \frac{ЯМ}{\Phi}; \Phi_{б.к} = \frac{\Phi}{Т}; M_y = \frac{ЯМ}{Т};$$

¹Коваленко Н.Я. Экономика сельского хозяйства. М. 1999, с. 221-224.

Бу ерда: Φ_k – фонд қайтими, сўм;

$\Phi_{б.с}$ – меҳнатни фонд билан қуролланиши, сўм/одам;

ЯМ – ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулоти, сўм;

M_y – меҳнат унумдорлиги;

Φ^y – қишлоқ хўжалиги асосий ишлаб чиқариш фондининг қиймати, сўм.

Шундай қилиб, агарда меҳнат унумдорлиги даражаси меҳнатнинг фонд билан қуролланишидан ортиқроқ ўсиб борса, фонд қайтими ўсиб боради.

Ишлаб чиқариш (асосий ва айланма) фондларининг иқтисодий самарадорлиги уларнинг рентабеллик кўрсаткичи билан ҳам ифодаланади. Иқтисодиётда бу кўрсаткич фойда нормаси деб аталади. У қишлоқ хўжалиги маҳсулотини сотиш натижасида олинган фойдани ўртача йиллик асосий ва айланма маблағлар қийматига бўлган нисбати асосида ҳисобланади ва аниқланади.

$$P_n = \frac{\Phi_p}{\Phi + O_\phi} \times 100\% ;$$

Бу ерда: P_n – рентабеллик нормаси, %;

O_ϕ – айланма фондлар қиймати, сўм;

Φ_p – маҳсулот реализациясидан олинган фойда.

Рентабеллик нормаси у ёки бу хўжаликда ишлаб чиқариш асосий ва айланма фондларнинг бирлик қиймати ҳисобига қанча фойда олинганлигини ифодалайди.

Машина, трактор парки, транспорт воситалари, маҳсулдор ҳайвонлардан фойдаланиш самарадорлигини аниқлашда кўпгина техника иқтисодий кўрсаткичлари ҳам қўлланилади.

Шу билан бирга машинанинг хўжаликда фойдаланилган вақтлари, смена коэффициенти, шартли эталон гектар, юк машиналари бўйича ташилган т.-километр юкнинг таннарни ҳам аниқланади.

Шуни айтиш керакки, қишлоқ хўжалигида ишловчи ҳар бир ходимнинг асосий фондлар билан таъминланиш даражаси саноатдагига қараганда кам. Айни вақтда ривожланган мамлакатларда қишлоқ хўжалик меҳнатининг асосий ишлаб чиқариш фондлари билан таъминланиш даражаси саноатдаги ишчилар меҳнатининг фондлар билан таъминланиш даражасидан юқори (АҚШда 1,6 марта, ГФРда эса 2,2 марта) бўлмоқда.

Келтирилган қиёсий рақамлардан аёнки, мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида асосий ишлаб чиқариш фондларининг ҳозирги ҳолати, бу соҳани янада тез суръатда ривожлантириш учун етарли деб бўлмайди. Шу сабабли бозор иқтисодиётига ўтиш

даврида қишлоқ хўжалигини саонат (индустириал) асосига кўчириш, илғор технологияни жорий қилиш йўли билан қишлоқ хўжалигида ишловчи ходимлар меҳнатининг асосий фондлар билан таъминланиш даражасини ҳозиргига нисбатан деярли икки марта ошириш тақозо қилинмоқда ва ҳ.к.

5.3. Айланма ишлаб чиқариш фондлари ва уларнинг самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар

Олдинги мавзуда қайд этилганидек, ҳар бир корхонада асосий ишлаб чиқариш фондларидан ташқари ишлаб чиқаришдаги айланма фондлар ҳам бўлади. Иккала фонднинг йиғиндиси ишлаб чиқариш фондларини ташкил этади. Айланма фондларга ишлаб чиқариш жараёнида ишлатиладиган меҳнат воситалари ва моддий неъматларнинг айримлари киради. Агар асосий ишлаб чиқариш фондлари ишлаб чиқариш жараёнида ўз қийматини оз-оздан маҳсулотларга ўтказиб борса, айланма фондлар ўз қийматини бутунлайин янги ишлаб чиқарилган маҳсулот қийматига ўтказиши ва ўз моддий шаклини ўзгартиради.

Айланма фондлардан самарали фойдаланиш уларнинг:

- қопланиш коэффициентини;
- айланиш коэффициентини;
- айланиш муддатини ўз ичига олади.

Айланма маблағларнинг *қопланиш коэффициенти* деб, яъни маҳсулот қийматининг ишлаб чиқариш харажатларига бўлган нисбатига, *айланиш коэффициенти* деб, айланиш суммасининг ўртача йиллик айланма фондлар қолдиғи миқдорига бўлган нисбатига ва *айланиш муддати* деб, ўртача йиллик қолдиқ айланма фондлари миқдорини ва йилдаги кунлар сонини айланиш суммасига бўлишга айтилади.

Ўртача йиллик қолдиқ айланма маблағлари дейилганда айланма фондларни йилнинг 12 ойига бўлингани тушунилади. Албатта, айланма фондларнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлашда фонд қайтими ва фонд сифими кўрсаткичларидан ҳам фойдаланамиз.

5.4. Асосий ва айланма воситаларнинг яратилиши

Бозор иқтисодиётига ўтилаётган ҳозирги шароитда деҳқон, фермер ва ширкат хўжаликлари асосий ва айланма воситаларни яратишда анча қийинчиликларга дуч келмоқдалар. Улар, аввало, асосий фондларни қуйидаги йўллар билан барпо этишга ҳаракат қилмоқдалар:

1. Хўжаликнинг ўзида янгисини қурмоқдалар, эскисини таъмирлаб, ишга туширмоқдалар.

2. Баъзиларини сотиб олмақдалар, шунингдек, фойдаланиш учунгина ҳам олмақдалар ва ҳоказолар.

Энг муҳим муаммоли масала эса уларни олиш учун пул маблағлари зарурлигидир. Улар бу мақсадда имкониятлари борича ўз маблағлари ва четдан келадиган пуллар, банкларнинг кредитларидан фойдаланмоқдалар.

Айланма маблағлар хўжаликнинг ички манбаи ва қарз оладиган манбалари ҳисобига, ўз айланма маблағлари тайёр маҳсулотларнинг тақсимланиш жараёнида яратилади. Етиштирилган ғалла, картошка, қишлоқ хўжалик экинлари уруғлиги, шунингдек, чорвачилик маҳсулотларининг бир қисми ишдан чиққан айланма маблағлари ўрнини тўлдириш учун бевосита хўжаликнинг ўзида қолдирилади. Улар ишлаб чиқариш таннархи билан баҳоланади.

Четдан сотиб олинадиган айланма воситалар эса уларни сотиб олиш нархи ҳамда истеъмол жойига қадар келтириш харажатларини ҳам қўшиб баҳоланади. Корхоналар айланма воситалари (минерал ўғитлар, захарли химикатлар, ёнилғи-мойлаш материаллари, эҳтиёт қисмлар, қурилиш материаллари в.х.)ни сотиб олишда кредитлар, дотация, шунингдек, бошқа пул маблағларидан фойдаланадилар.

Бундан ташқари хўжаликлар айланма воситаларини етказиб берувчи биржалар билан бевосита алоқа ўрнатиб, бу нарсани маълум даражада келишилган ҳолда ҳал қилишлари ҳам мумкин.

5.5. Бозор шароитида асосий ва айланма ишлаб чиқариш фондларидан самарали фойдаланиш йўллари

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантириш ва маҳсулот таннархини пасайтиришда қўшимча капитал қўйилмаган ҳолда асосий фондлардан самарали фойдаланиш алоҳида аҳамият касб этади.

Асосий фондларни қўшимча инвестиция сарфламасдан тиклаш янги тракторлар, комбайнлар, қишлоқ хўжалиги машиналарини олишга, шунингдек, қўшимча бино ва иншоотлар қуришга зарурият қолдирмайди.

Асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш йўллари куйидагилардан иборат:¹

¹Коваленко Н.Я. Экономика сельского хозяйства. М. 1999. с. 223-225.

1. Корхоналарнинг фондлар билан таъминланганлик даражасини ўстириш;

2. Меҳнат воситаларини такомиллаштириш, уларнинг мустаҳкамлиги ва ишонарлилик даражасини ошириш;

3. Машина-трактор паркига техник хизмат кўрсатишни яхшилаш;

4. Бино ва иншоотлар қурилишини арзонлаштириш ва бунинг учун маҳаллий қурилиш материалларидан фойдаланиш;

5. Саноат корхоналаридан етказиб берадиган қишлоқ хўжалик машиналари ва ускуналари нархини тушириш;

6. Асосий воситалар таркибини такомиллаштириш, уларнинг энг фаол (кучли) қисмлари ҳисобига кўпайтириш;

7. Асосий ва айланма ишлаб чиқариш воситалари ўртасида энг мақбул бўлган нисбатларни белгилаш;

8. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ихтисослаштириш ва йириклаштириш (концентрация) жараёнини янада чуқурлаштириш;

9. Асосий ишлаб чиқариш фондларини сотиб олишда кредит ва молиялаштириш тизимини такомиллаштириш (яхшилаш);

10. Қишлоқ хўжалиги экинларига ишлов бериш ва ҳосилни йиғиштириб олиш ҳамда чорва молларига хизмат қилишда илғор технологияларни жорий этилиши;

11. Асосий воситалардан фойдаланишда кадрлар малакасини ошириш ва уларни моддий рағбатлантириш тартибини такомиллаштириш.

Айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, минерал ўғитлар, ёнилғи-мойлаш материаллари, ем-озуқа, уруғликларни тежаб сарфлаш, йил давомида меҳнат буюмларининг айланишини тезлатиш лозим.

Айланма маблағлар самарадорлигини ошириш йўллари куйидагилардан иборат:

1. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида меҳнат буюмлари сифатини яхшилаш ва таннархини пасайтириш;

2. Тежаб сарфлаш ва эҳтиёт қилиб сақлаш;

3. Ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш;

4. Айланма маблағларнинг мақсадга мувофиқ таркибини таъминлаш;

5. Айланма маблағларни меъёрлаш (нормалаш) ни такомиллаштириш;

6. Айланма маблағларнинг айланиш муддатини камайтириш;

7. Қишлоқ хўжалигида фан-техника ютуқларини жорий қилиш;

8. Меҳнатни ташкил қилиш ва моддий рағбатлантириш тартибини такомиллаштириш.

Аввалги ўринларда қайд этилганидек, фондлардан яхши фойдаланиш йўлларида бири асосий ва айланма маблағлар ўртасидаги нисбат мақсадга мувофиқ бўлишини таъминланишдир. Айланма маблағлар старли даражада бўлмаса, асосий фондлардан фойдаланишда салбий ҳолат рўй бериши мумкин. Чунончи, ёнилғи-мойлаш материаллари етишмаслиги трактор, комбайн, авто юк машиналаридан тўлиқ фойдаланмасликка, бу эса қишлоқ хўжалиги ишлари ўз вақтида бажарилмаслигига ҳамда маҳсулотнинг кўп қисми йиғиб-териб олинмаслигига сабаб бўлади. Худди шундай ҳолат, агарда ем-хашак етишмаса ва унинг сифати ёмон бўлса, чорвачиликда ҳам рўй беради.

Қисқача хулосалар

Бу бобда қишлоқ хўжалигида асосий ва айланма фондлар ҳақида тушунча, бу фондларнинг аҳамияти, самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар, уларни аниқлаш усуллари, асосий ва айланма фондлардан фойдаланишнинг яхшилаш йўллари ба- тафсил баён этилган.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Асосий ва айланма фондлар, уларнинг аҳамияти ва тур- кумлари нималардан иборат?
2. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш ва муомала фонд- лари ҳақида тушунча.
3. Айланма маблағлар, уларнинг иқтисодий моҳияти нимада?
4. Асосий ва айланма воситалар самарадорлигини оши- риш йўллари.
5. Асосий ва айланма воситалар қандай яратилади?

Асосий адабиётлар

1. Добрикин В.А. Экономика сельского хозяйства, -М.: «Колос», 1990.
2. Каюмов Ф.К. Эффективность АПК в условиях пере- хода к рынку. -М.: ИПО, «Поигран», 1992.
3. Жалилов Х., Ҳамдамов Қ. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг иқтисодини ташкил этиш ва режалаштириш. - Т.: ТДИУ.
4. Коваленко Н.Я. Экономика сельского хозяйства. Курс лекций. —М. 1999.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА МЕХНАТ РЕСУРСЛАРИ БОЗОРИ, УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА МЕХНАТ УНУМДОРЛИГИ

6. 1. Мехнат ресурслари, уларнинг таркиби, унумдорлиги ва аҳамияти

Мехнат ресурслари дейилганда 16дан 60 ёшгача эркеклар, 16 ёшдан 55 ёшгача аёллар ҳамда ишлаш қобилиятига эга нафақа олувчилар тушунилади.

Шуни айтиш керакки, аввал қайд этилганидек, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида, мехнат ресурсларидан фойдаланиш мавсумий хусусиятга эга. Бунда энг долзарб ҳисобланган ёз ойларида кўп мехнат сарфланса, қиш ойларида ва қисман кеч кузда энг оз мехнат сарфланмоқда. Қишлоқ хўжалик мехнати мавсумийлигининг қатор кўрсаткичлари мавжуд. Йилнинг энг кам мехнат талаб қилган ойларидаги мехнат сарфлари миқдорини энг долзарб ойларида сарфланган мехнат миқдорига бўлган нисбатлари ва ҳар ойда сарфланган мехнат кунлари миқдорининг йиллик сарфланган жами мехнат кунларига нисбатан салмоғи шундай кўрсаткичлар жумласидандир. Қишлоқ хўжалигида мехнат ресурсларидан фойдаланиш мавсумий эканлигини Тошкент вилоятидаги собиқ колхозларнинг кўп йиллик ҳисобот маълумотлари акс эттирилган махсус жадвалдан кўриш мумкин. Ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган ёрдамчи саноат корхоналарида транспорт ва қишлоқ хўжалиги машиналарини капитал таъмирлаш, шунингдек, умумишлаб чиқариш ва умумхўжаликка боғлиқ харажатларда мехнат сарфи деярли бир меъёрда тақсимланаётганлигини кўриш мумкин.

Одатда, мехнат ресурсларидан қай даражада фойдаланилаётганлиги хўжаликнинг йўналиши ҳамда ихтисосланишига боғлиқдир. Масалан, чорвачилиқда ходимлар (молбоқар, соғувчи ва ҳоказо) йил давомида ишда банд бўлиб, ҳамма ойларида ҳам деярли бир меъёрда мехнат сарф қиладилар. Пахтачилик хўжаликларида эса энг долзарб ойлари июнь-июль ва октябрь-ноябрь ойлари дур. Ана шу даврларда мехнат ресурслари энг кўп жалб қилинади, декабрь, январь ва қисман февраль ойларида эса ишга яроққилар иш бўлмаганлиги сабабли деярли бўш бўладилар.

Йилнинг ҳамма ойлари давомида ҳам мавсумийлик бўлишига қарамай, мехнат ресурсларидан тўлиқроқ фойдаланиш имконияти ҳамда унга таъсир қилувчи омиллар мавжуд. Масалан:

1. Қишлоқ хўжалигини интенсивлаштириш даражасини янада ошириш ва ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш, бу жараёни чорвачилик ҳамда етакчи тармоқлар билан бирга ривожлантириш;

2. Хўжаликдаги ишга яроқли ҳар бир ходим ер майдони ҳамда иш билан етарлича таъминланиши, сермеҳнат ишларда, айниқса, ишнинг долзарб даврларида механизация ва электр воситаларидан тўлиқ фойдаланиши;

3. Ҳар бир хўжаликда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган саноат корхоналарини яратиш.

Маълумки, Иқтисодиёт назариясида қийматнинг меҳнат томонидан яратилиши кўрсатилган. Ҳар қандай ишлаб чиқариш жараёнида ҳам жонли меҳнат қатнашади. Ҳар қандай унумли меҳнат туфайли маҳсулот миқдори кўпаяди ва сифати яхшиланади.

Меҳнат унумдорлиги деганда, инсоннинг мақсад йўлидаги фаолият самараси тушунилади. Ҳар бир ходимнинг, чунончи, тракторчи, сигир соғувчи, ипак қурти боқувчи ва бошқа шахсларнинг вақт бирлиги ичида яратган маҳсулотлари миқдори, яъни меҳнатнинг самараси, натижаси *меҳнат унумдорлиги* дейилади. Ҳар бир ходимнинг фаолиятида сарфланган меҳнат тегишли иш вақти, чунончи, киши куни, киши соати билан аниқланади. Шунингдек, бу вақт бирлигида етиштирилган маҳсулотлар (ғалла, сут, пахта в.х.) миқдори эса килограмм, центнер, т. ўлчовида ифодаланади.

Умуман олганда, меҳнат унумдорлиги даражаси етиштирилган маҳсулотни унга сарфланган вақтга тақсимлаш йўли билан аниқланади ва у куйидаги формула билан ифодаланади (5- чизмага қаранг):

$$M_y = \frac{M}{T};$$

Бу ерда: M_y — меҳнат унумдорлиги даражаси;

M — етиштирилган маҳсулот;

T — иш вақти.

Одатда, вақт бирлиги ичида қанча кўп маҳсулот етиштирилса ёки маҳсулот бирлиги учун қанча оз меҳнат сарфланса, меҳнат унумдорлиги даражаси ҳам шунча юқори, меҳнат унумдорлиги даражаси қанча юқори бўлса, жамият ҳам шунча ривожланган бўлади. Меҳнат унумдорлигининг ўсиши жамиятнинг тараққиёт негизи бўлиб, янги ижтимоий тузумнинг эски тузум устидан ғалаба қилиш омилидир.

Қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлиги даражасининг кўрсаткичлари

1. Меҳнат унумдорлигининг тўғри кўрсаткичлари:

$M_y = \frac{M}{T}$, бу ерда: M — етиштирилган маҳсулот ҳажми (натура ёки қиймат кўриниши); T — маҳсулот етиштиришга кетган меҳнат сарфи (киши-соатлари, ўтача йиллик ходимлар сони).

2. Меҳнат унумдорлигини тескари усулда кўрсатиш:

$t = \frac{T}{M}$, бу ерда: T — маҳсулот етиштиришга кетган меҳнат сарфи, киши-соатда;

M — етиштирилган маҳсулотнинг натура ҳолидаги ҳажми (ц, т, дона).

3. Меҳнат унумдорлигининг тўлиқ бўлмаган кўрсаткичлари:

- бирлик вақт (1 соатда га, 1 соатда т) ичида бажарилган иш ҳажми;
- 1 га қишлоқ хўжалик экин майдонини ишлашга кетган меҳнат сарфлари (киши-соат);
- 1 бош чорвага хизмат қилиш учун кетган меҳнат сарфлари (киши-соат);
- чорвачилиқда айрим амалларни бажариш учун сарфланган меҳнат ва ҳ.к.

5-қизма

Меҳнат унумдорлигининг узлуксиз ўсиб бориши фоят катта аҳамиятга эга. Одатда, меҳнат унумдорлигининг ўсиши ишни енгиллаштириб, жонли меҳнат сарфини камайтиради, маҳсулот етиштиришни кўпайтириб, унинг таннархини арзонлаштиради ва бунинг натижасида чакана харид нархлари камаяди, бу эса меҳнатқашлар даромади ошишига ва турмуш даражаси яхшиланишига олиб келади. Ниҳоят, меҳнат унумдорлиги туфайли ишлаб чиқаришнинг рентабеллиги ортади, иш вақти қисқаради. Натижада одамларнинг бўш вақти кўпайиб, улар бу вақтдан билимларини ошириш, маданий ҳаёт кечирish учун фойдаланиш имкониятига эга бўлиши мумкин.

6.2. Қишлоқ хўжалигида меҳнат бозори

Бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтилаётган бугунги шароитларда қишлоқ хўжалигида ҳам ишсизлик пайдо бўлиши оқибатида меҳнат бозори шаклланмоқда.

Маълумки, бозор иқтисодиёти шароитида меҳнат бозорининг назарий асослари даставвал инглиз иқтисодчиси Давид Рикардо, шотландиялик иқтисодчи Адам Смит ҳамда Нобель мукофоти соvrиндори, америкалик иқтисодчи Пауль А. Самуэльсон ва бошқа иқтисодий назарийчи олимлар томонидан етарли даражада асосланган. Дарсда улар ҳақида батафсил тўхтаб ўтиш мумкин.

Бозор рақобатлари натижасида ишлаб чиқаришнинг ривожланишига катта туртки берилади. Айни вақтда айрим корхона, цехларда иш тўхтаб қолиши оқибатида корхоналар синади ва ёпилиб қолади, ишсизлар кўпаяди. Аҳолининг ўн олти ёшдан то пенсия

ёшигача бўлган, ишга ва иш ҳақига (меҳнат даромадига) эга бўлмаган, иш қидирувчи шахс сифатида маҳаллий меҳнат бўлимларида рўйхатга олинган, меҳнат қилишга, касбга ёки қайта тайёргарликдан ўтишга тайёр қисми ишсиз деб эътироф этилади.

Бугунги кунда Ўзбекистон фуқаролари қонун тақиқламаган ҳар қандай фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга. Давлатимиз ва ҳукуратимиз аҳолини иш билан таъминлаш, уларга ёрдам қилиш мақсадида «Меҳнат кодекси», турли қарор ва фармонлар қабул қилмоқда. Руспубликамизнинг ҳар бир ҳудудида меҳнат бўлимлари ташкил қилинмоқда. Бу бўлимлар ишсизларни ҳисобга олиб, уларга ишга жойлашгунича ёрдам тариқасида нафақа тайинламоқда.

Одатда, меҳнат бозорида ўз меҳнاتини таклиф этувчи фуқаролар бир томондан, уларни истеъмол қилувчи, яъни ишга олувчи корхоналар, шахслар иккинчи томонда олди-сотди қилишади. Бунда меҳнат қонунига мувофиқ улар талаб ва таклифга асосланади. Бу жараён эса қуйидаги ҳолатда шакллантирилиши лозим:

1. Меҳнат бозорида ҳар қандай бозордагидек, меҳнат қилиш жараёни эркин рақобат асосида таъминланиши — меҳнат қилиш қобилиятини сотишни хоҳлаганлар сотишга (беришга), уни сотиб олувчи корхоналарга эса, сотиб олиш имкониятларига шароит яратилиши керак.

2. Масалан, меҳнат қилиш қобилиятининг олди-сотди жараёни амалга оширилиши натижасида меҳнат қилиш қобилиятини берувчилар (сотувчилар) унга эгаллик қилиш ҳуқуқларини сотиш эвазига иш ҳақи (баҳосини) олишлари, меҳнат қилиш қобилиятини олувчиларга эса ҳақ тўлаш эвазига меҳнатга эгаллик қилиш ҳуқуқини сотиб олиш имконияти яратилиши зарур. Сотиб олувчи ишчининг меҳнат қилиш қобилиятига эгаллик қилиш, ундан унумли фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлиши лозим. Бинобарин, меҳнат бозорида фуқароларнинг ўзи эмас, балки меҳнат қилиш қобилияти олди-сотди қилинар экан, сотувчи билан олувчи ўртасида ижтимоий-иқтисодий муносабатлар келиб чиқади, улар ўртасида меҳнат битимлари тузилади, меҳнат битимида иш ҳақи миқдори, иш ҳажми ҳамда ҳар икки томоннинг бурч ва мажбуриятлари кўрсатилади ва ҳоказо.

6. 3. Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ва меҳнат унумдорлиги даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда хўжаликдаги мавжуд меҳнат ресурсларидан фойдаланиш катта аҳамият касб этади. Меҳнат ресурсларидан қандай фойдаланаётганлигининг қуйидаги кўрсаткичлари мавжуд:

1. *Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш коэффициенти* бир йилда ҳақиқатда ишлаган ресурсларни мавжуд меҳнат ресурсларига бўлиш йўли билан қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$MP_k = \frac{MP}{MP_m}, \text{ бунда: } MP_k - \text{ҳақиқатда ишлаган меҳнат}$$

ресурслари (нафар); MP_m — мавжуд бўлган меҳнат ресурслари.

2. *Меҳнатга лаёқатли ҳар бир кишининг 1 йилда, 1 ойда ишлаб чиқаришда қатнашган вақти (киши-кунлар, соатлари)*. Бунда жами сарфланган иш вақтларини, меҳнат ресурсларини ишда меъёр бўйича сарфланадиган вақтга бўлиш йўли билан меҳнатдан фойдаланиш коэффициенти аниқланади. Бу меҳнат ресурсларининг иш вақти фондидан фойдаланиш коэффициенти бўлиб, ишчи-хизматчиларнинг бир йил, бир ой давомида ҳақиқий ишлаган кунлари жами иш кунларига нисбатан олинади. Бунда календарь кунлар миқдоридан байрам, дам олиш, таътил кунлари айириб ташланади. Бу қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$I_{вк} = \frac{I_{в}}{I_{н}}. \text{ Бунда: } I_{в} - 1 \text{ кишининг ишлаган вақти (к/к/с)}$$

$I_{н}$ — ишлаши лозим бўлган (меъёрида) вақт.

3. *Меҳнатнинг мавсумийлик коэффициенти*. Бунинг учун бир ой давомида энг кўп ишлаган кун (соатлар) энг кам ишлаган ой билан таққосланиши натижасида аниқланиши мумкин.

Профессор А.Абдуғаниев пахтачилик соҳасидан қуйидаги мисолни келтиради: пахтачиликда сентябрь, октябрь ойларида ўртача 30-31 кун, январь, февраль ойларида эса 10-15 кун ишланиши мумкин: $(30,31):(10,15) = 2,3$. Бу ерда меҳнатнинг мавсумийлиги шу ойлар ичида 2,3 га тенг дейиш мумкин.

Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги меҳнат унумдорлигини ифодалайди. 1-бобда қайд этилганидек, 1 йил, 1 ой, 1 кунда ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот қиймати миқдори уни етиштириш учун сарфланган вақт миқдорига тақсимлаш йўли билан аниқланади.

$$M_y = \frac{Y_{Mk}(Y_{Mu})}{C_v};$$

Бу ерда: M_y — меҳнат унумдорлиги даражаси (сўм, г.к);

Y_M (Y_{Mu}) — ялпи маҳсулот қиймати миқдори (сўмда);

C_v — сарфланган вақт (киши кунда, соатида).

Юқоридаги формуланинг акси ҳам меҳнат унумдорлиги даражасини ифодалайди. Юқорида келтирилган формулалар меҳнат ресурсларидан қандай фойдаланилаётгани, меҳнат унум-

дорлиги қандай эканлигини таҳлил қилиш ва тегишли тадбирлар қўллашга ёрдам беради.

6.4. Меҳнат ресурсларидан фойдаланишни яхшилаш, уларнинг унумдорлигини ошириш йўллари

Республика қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш, меҳнат унумдорлиги даражасини ошириш энг муҳим масала ҳисобланади. Аҳолини иш билан таъминлашга давлатимиз тегишли қонун ва фармонлар чиқариш йўли билан биржалар орқали ёрдам қилмоқда.

Қишлоқ хўжалигида қўйилган вазифани адо қилиш учун даставвал хўжалик ҳар томонлама ва чуқур таҳлил қилиниши керак. Бунинг учун мавжуд ишлаб чиқаришнинг ихтисосланганлик даражаси, бунда меҳнат ресурсларининг малакаси, тадбиркорлик ҳолати кўриб чиқилиши зарур. Ихтисослашиш, агросаноат интеграциясини ривожлантиришга интилиш кўзда тутилмоғи керак. Бунда кичик корхоналар, цехлар ташкил қилиш ҳамда сақлаш ва хизмат кўрсатиш корхоналарини яратишга, ишлаб чиқариш режаларида барча тармоқларда механизациялаштиришга ижобий таъсир қиладиган янги техникалар, самарали технологияларни жорий этишга эътибор берилиши керак.

Меҳнат ресурсларидан фойдаланишни яхшилаш, меҳнат унумдорлигини ошириш мақсадида ходимларни моддий ва маънавий рағбатлантиришни ривожлантириш тақозо этилади. Албатта, қишлоқда ишлаётган ва истиқомат қиладиган барча меҳнаткашларнинг шароитларини яхшилаш ҳам талаб қилинади.

Қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигининг ўсиши ишбилармон малакали ходимлар ва раҳбарларнинг етарли даражада мавжудлигига ҳам боғлиқ. Даставвал қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги ва чорва маҳсулдорлигини ошириш меҳнат унумдорлигини ўстиришнинг муҳим шarti ҳисобланади. Агар ҳосилдорлик ўсиши билан маҳсулот бирлиги учун кетган меҳнат сарфи камайса, бу меҳнат унумдорлиги ўсаётганлигидан dalolat беради. Ёки ҳосилдорлик ўсиши билан меҳнат сарфи ундан ортиб кетса, у ҳолда меҳнат унумдорлиги ўсмаган бўлади. Одатда, шуниси муҳимки, экинларнинг ҳосилдорлик ва чорва моллари маҳсулдорлик даражасининг ўсиши ўз навбатда ялпи маҳсулот етиштиришни кўпайтиришга ва натижада меҳнат унумдорлиги ортишига олиб келади. Республика хўжаликлариди бу соҳада битмас-туганмас имкониятлар мавжуддир.

Қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигини оширишнинг асосий йўллари қуйидагилардан иборат:

- хўжаликнинг фондлар билан таъминланиш ҳамда меҳнатнинг фондлар билан қуrollаниш даражасини ошириш;
- асосий фондлардан фойдаланишни интенсифлаштириш;
- қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни интенсифлаш ва концентрациялашни кучайтириш;
- ўсимликчилик ва чорвачиликда илғор технологияни жорий қилиш;
- меҳнатни ташкил қилишни яхшилаш ва унинг интенсифик даражасини ошириш;
- агросаноат мажмуи кадрлари малакасини ошириш;
- меҳнатни моддий жиҳатдан рағбатлантиришни кучайтириш.

Хўжаликларнинг тракторлар, комбайнлар ва қишлоқ хўжалик машиналари билан юқори даражада таъминланиши ўсимликчилик ва чорвачиликда меҳнат унумдорлиги ошишига олиб келади. Чунончи, сўт-товар фермаларини комплекс механизациялаш сўт етиштириш жараёнидаги оғир ишларни 35%га қисқартириш имкониятини беради ва ҳ.к.

Қисқача хулосалар

Бу бобда меҳнат ва меҳнат ресурслари ҳақида тушунча, бу ресурсларнинг аҳамияти, улардан фойдаланиш коэффициенти, меҳнат унумдорлигининг моҳияти, унинг аҳамияти, меҳнат бозори, уни ривожлантириш масалалари ёритилган.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Меҳнат ва меҳнат ресурслари таркиби деганда нима тушунилади?
2. Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги коэффициенти кўрсаткичлари қандай аниқланади?
3. Меҳнат бозори дейилганда нимани тушунасиз?
4. Меҳнат унумдорлиги дейилганда нимани тушунасиз?
5. Меҳнат ресурслари ва меҳнат унумдорлигини оширишнинг қандай йўллари бор?

Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида» ги қонуни, 1991.
2. Каримов И.А. Деҳқончилик тараққиёти¹ — фаровонлик манбаи. -Т.: «Ўзбекистон», 1996.
3. Холмуминов Ш. Рынок труда: проблемы формирования и регулирования. -Т.: «Фан», 1994.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА КАПИТАЛ ҚЎЙИЛМАЛАР, УЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИ

7. 1. Инвестициялар ва уларнинг самарадорлигини ошириш йўллари

Бозор муносабатлари шароитида агросаноат мажмуи тармоқларининг барқарор ривожланиши инвестицион фаолигини, корхоналарга зарур бўлган пул ва моддий ресурслар берилишини тақозо этади.

Инвестиция хўжалик фаолияти жараёнида асосий ва айланма фондлар олиш учун узок муддат давомида капитал қўйилишини (сарфланишини) ифодалайди. Шундай қилиб, инвестиция фақат асосий фондларни кенгайтириш мақсадидагина қўйилгани эмас, балки корхоналарнинг айланма маблағларини тўлдириш ва барпо этиш жараёнидаги харажатлардан ҳам иборатдир. Хўжалик фаолияти иншоот (объект) ларга узок муддат давомида қўйилган капитал агарда у фойда олишга имкон берса ҳамда ижтимоий самарадорликка эришилсагина ўзини ўзи оқлай олади.

Одатда, инвестициялар молиявий ва ҳақиқий (реал) шаклда бўлади. Улардан биринчиси қимматли қоғозлар сотиб олишни, шунингдек, ишлаб чиқаришга маълум мақсад билан қўйиладиган пуллари кўзда тутади.

Реал (ҳақиқий) инвестициялар — моддий ишлаб чиқариш заҳираларининг ўсишини таъминлаш, асосий фондларни такрорий ишлаб чиқариш мақсадида қўйиладиган капиталдир. Миллий счот (ҳисоб) лар тизимида реал инвестициялар дейилганда, асосий капитал ва моддий ишлаб чиқаришнинг ўсишига сарфланадиган капитал қўйилмалари тушунилади.

Бозор шароитларида бир қанча турдаги қимматли қоғозлар мавжуд:

- *акционерлик жамиятларининг акциялари* шу жамият ишига қўшилган ҳиссани ва унинг фаолиятидан олинадиган даромадга эгаллик қилиш ҳуқуқининг таъкидланиши;

- *облигациялар* эгалари билан уни чиқарган шахс ўртасидаги қарз (заём) ларнинг таъкидланиши;

- қимматли қоғозлар давлатнинг қарз мажбуриятларини ифодаловчи ҳужжат бўлиб, уларда давлат қарздор сифатида кўрсатилади;

• қимматли қоғозлар, масалан, вексел, давлат тасарруфи чеклари ва б.лар сотиб олиш ёки сотиш ҳуқуқи билан бериледи;

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришидаги инвестициялар қуйидаги йўналишларга бўлинади:

• эскирган ва тутилган ускуналарни алмаштириш;

• янги технологияни жорий қилиш ва замонавий техника ва ускуналарни қўллаш;

• қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш қўламини кенгайтириш;

• ишлаб чиқаришнинг янги турларини ривожлантириш.

Қишлоқ хўжалигига инвестициялардан иқтисодий асосда сарфланган маблағларни зудлик билан қайтариш кўзда тутилган. Бунга юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда унинг таннархи арзон бўлишини таъминлаш орқали эришиш мумкин.

Бозор шароитларида инвестиция сиёсатининг энг зарур элементлари қуйидагилардан иборат:

• танловга бардошли лойиҳаларни танлаб олиш;

• харажатлар тез қопланишини мўлжаллаш;

• инвестицияларни бозор шароитида сотиш ва унинг сифатига эътибор қаратилишига эришиш;

• рақобатчиларнинг ишлаб чиқариш имкониятларини ҳисобга олиш.

Одатда, инвестициялар умумий ва соф инвестицияларга бўлинади. Соф инвестициялар капитал сарфлаш ва амортизация ажратмаси ўртасидаги фарқни ифодалайди.

Соф инвестицияларни қуйидаги формула бўйича ҳисоблаш мумкин:

$$C_i = K_c - A$$

Бу ерда: C_i — соф инвестиция;

K_c — капитал сарфлаш;

A — асосий фондларнинг эскиришидан олинган амортизация ажратмалари суммаси.

Товар ишлаб чиқарувчиларга боғлиқ бўлган омилар жумласига қуйидагилар киради:

• қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги ва чорвачилик маҳсулдорлиги;

• биринчи навбатда инвестициялар жойи (объекти)ни танлаш;

• ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва концентрациялаш;

• қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг асосий турларини етиштириш технологияси;

• инвестицияларнинг ўз хусусиятига қараб узоқ ва қисқа муддатли инвестицияларга бўлиниши;

• меҳнат унумдорлиги даражаси ва ишлаб чиқариш таннархи.

Аммо инвестицияларда товар ишлаб чиқарувчиларга боғлиқ бўлмаган қатор омиллар ҳам бор. Улар жумласига қуйидагилар киради:

- қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва саноат молларининг баҳолари;
- кредитнинг фоиз ставкаси;
- фойдадан олинадиган солиқ ставкалари;
- инфляция жараёнлари;
- қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришнинг мавсумийлиги;
- маҳсулотларга, баҳоларга нисбатан талаблар;
- қишлоқ хўжалик маҳсулотларини мажбурий топшириш;
- маҳсулотга бўлган жаҳон баҳолари.

7.2. Капитал қўйилмаларининг моҳияти

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш жараёнида асосий фондлар аста-секин эскиради ва сафдан чиқа бошлайди. Бу оддий такрорий ишлаб чиқаришни, керак бўлса кенгайтирилган такрорий ишлаб чиқаришни талаб қилиши мумкин. Асосий маблағлар такрорий ишлаб чиқаришнинг бош манбаи — капитал сарфлаш асосида намоён бўлади.

Корхонада *капитал сарфлаш* дейилганда, янгисини тиклаш, шунингдек, кенгайтириш, амалда ишлаб турган асосий фондларни реконструкция ва модернизация қилиш тушунилади.

Капитал яроқсиз деб топилиб, рўйхатдан ўчирилган фондларни тиклаш, шунингдек, қўшимча меҳнат воситаларини кенгайтирилган такрорий ишлаб чиқаришга сарфлаш учун ишлатилади. Ишлаб чиқариш жараёнида қатнашиш усулларига кўра, капитал қўйилмалар ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳаларига сарфланади (10-жадвал).

10-жадвал

Агросаноат мажмуасини ривожлантириш учун капитал сарфлари кўрсаткичлари

Жами капитал сарфи:

Ишлаб чиқариш билан боғлиқ ва ноишлаб чиқаришга тегишли капитал маблағлар учун манбалар;

Давлатнинг бюджет сарфлари вилоятнинг бюджет сарфи;

Вилоятнинг, бюджет корхона ва ташкилотларнинг ўз маблағлари

Маҳсулот ишлаб чиқариш билан алоқадор воситалар ишлаб чиқариш билан боғлиқ капитал сарфланадиган воситалар саналади. Улар жумласига тракторлар, комбайнлар, қишлоқ

хўжалик машиналари ва ускуналар, иш ва маҳсулдор ҳайвонлар киради. Кўп йиллик кўчатлар, шунингдек ишлаб чиқаришга боғлиқ бўлган бино ва иншоотлар, асосий ҳайвон подасини ташкил қилиш учун капитал сарфлари қисман бракка ажратилган маҳсулдор ва иш ҳайвонлари сотилишидан келган пул маблағлари ҳисобига тикланади. Асосий воситаларни тиклаш учун капитал таъмир амортизация ажратмалари ҳисобига амалга оширилади.

Қишлоқ хўжалигида капитал қўйилмалар қуйидаги йўналишлар бўйича сарфланади:

ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган қурилиш ва иншоотларни реконструкциялашга

қурилиш сметасига кирадиган ускуна ва инвенторлар сотиб олишга

трактор, комбайн, транспорт воситалари, қишлоқ хўжалик машиналарини олишга

маҳсулдор ва иш ҳайвонларининг асосий подасини яратишга

боғ, токзор барпо этиш ва кўп йиллик кўчатлар эктиришга

ерларни яхшилаш бўйича (иншоотсиз) тадбирларни амалга оширишга

лойиҳа-қидирув ишларига

мавжуд ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва янгисини ривожлантиришга

6-чизма. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришда фойдаланилган капитал қўйилманинг асосий йўналишлари.

Ноишлаб чиқаришга тегишли капитал сарфлари таркибига уй-жой қурилиши, маданий-маиший, соғлиқни сақлаш, маориф эҳтиёжлари учун хизмат қилувчи бинолар киради. Корхоналарнинг ижтимоий инфратузилмаси билан боғлиқ бўлган асосий фондларни тиклаш ҳам ноишлаб чиқа-

ришга тегишли қўйилмалар ҳисобланади. Улар қишлоқ хўжалигининг пировард натижасига ноишлаб чиқариш йўли билан таъсири кўрсатади.

Капитал сарфлари ўз моҳиятига кўра келажакдаги асосий фондлардир. Чунончи, хўжаликларда янгидан узумзор барпо этиш учун экилган ток кўчатлари шу кўчатлар билан банд майдонни ижарага олувчи ҳисобига 3 йил давомида парвариш қилинади. Шу даврда бу узумзор учун амортизация ажратилмайди, ижара ҳақи ҳам тўланмайди. Одатда, қишлоқ хўжалигида сарфланган жами капитал қўйилма (сарфи) *ялпи капитал қўйилма*, улардан ишга туширилгани эса *соф капитал қўйилма*, деб аталади.

7.3. Инвестициялар ҳамда капитал сарфлар (қўйилмалар)нинг манбалари

Асосий фондларни такрор ишлаб чиқариш жараёни узлуксизлиги уларнинг эскириб ишдан чиққанларини тўлдириб туриш ҳисобига амалга оширилади.

Қишлоқ хўжалигида капитал қўйилмаларнинг молиявий манбаларига қуйидагилар киради:

- асосий ишлаб чиқариш фаолиятдан олинган фойда;
- амортизация ажратмалари;
- қисман иқтисодий рағбатлантириш фонди маблағлари;
- хўжаликнинг бошқа маблағлари.

Бундан ташқари капитал қўйилмалари учун четдан олинadиган қарз ҳисобидан ҳам фойдаланилади. Чунончи,

- банклар кредитлари;
- акционерлик жамияти қатнашчиларининг кассаларида сақланган маблағлар;
- акциялар сотишдан келадиган пул маблағларидан, шунингдек, инвестиция ҳисобидан ҳам фойдаланиш мумкин ва ҳ.к.

7.4. Капитал қўйилмаларнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш тартиби

Маълумки, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида, чунончи, мелиорация ишларига қилинаётган капитал сарфлари икки хил иқтисодий самара беради. Улардан бири айрим хўжалик доирасидаги самарадорлик, иккинчиси эса халқ хўжалиги миқёсидаги самарадорликдир.

Биринчисида ирригация ва мелиорация ишларига капитал сарфлашнинг иқтисодий самарадорлиги қўшимча капитал сарфлангандан сўнг олинган маҳсулот миқдори ва капитал сарфла-

масдан аввал олинган маҳсулот миқдори ўртасидаги фарқ асосида аниқланади. Бунда қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$C_K = \frac{M_2 - M_1}{K};$$

Бу ерда: C_K — самарадорлик коэффициенти;

M_1 ва M_2 — мелиорацияга капитал сарфламасдан олдин ва сарфлангандан сўнг стиштирилган маҳсулот;

K — хўжаликнинг мелиорация ишларига харажатлар.

Маълумки, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, очик ва ёпиқ дренажлар, зовур ва лотоқлар ўтказиш ва ҳ.к. тадбирлар учун капитал маблағлари сарфланади. Бу сарфларни қоплаш муддати капитал сарфламасдан олдин ялпи маҳсулотдан олинган соф фойда билан капитал сарфлангандан сўнг олинган соф фойда ўртасидаги фарқ орқали аниқланади. Сўнгра капитал суммасини ўртача йиллик соф фойдага бўлиш йўли билан мелиорация ишлари амалга оширилган ерларга кетган капитал сарфларни қоплаш муддати аниқланади.

Мелиорация ишларига қилинган капитал сарфларнинг халқ хўжалиги миқёсидаги самарадорлиги даставвал ижтимоий меҳнат унумдорлиги ошайтганлигида, бундай тадбирдан умумдават миқёсидаги катта тежамкорликка ва тўлиқ самарага эришилаётганлигида намойн бўлади.

Ўзлаштирилаётган қўриқ ва бўз ерларнинг ҳар гектари учун сарфланган ҳар бир сўм ҳисобига олинган қўшимча маҳсулот ва соф даромад суммаси халқ хўжалиги миқёсидаги мелиорация ишларига сарфланган капиталнинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичи бўлади.

Одатда, тежаш ҳисобига олинган қўшимча соф фойда қанча кўп бўлса, капитал ҳам шунча тез муддат ичида қопланади.

Сарфланадиган капитал маблағларни қоплаш муддати қуйидаги тартибда аниқланади: илмий-тадқиқот институтлари маълумотига кўра, 1 т. пахта газламаси сотилгач, айланма солиғидан давлат бюджетига келиб тушадиган фойданинг жами суммаси, шу жумладан, ҳар гектар ўзлаштирилган пахта майдонига ўрта ҳисобда тўғри келган суммаси олинади. Шундай қилиб,

$$\text{коплаш муддати} = \frac{\text{сарфланган капитал (балансда)}}{\text{ўртача йиллик фойда} + \text{айланма солиғи}}$$

Мелиорация ишлари учун кетган капитал сарфларининг халқ хўжалиги миқёсидаги самарадорлигини аниқлашда давлат ва хўжаликларнинг ирригация ва мелиорация иншоотлари ва объектларига қилган сарфлари аниқ ҳисобга олинган бўлиши муҳимдир.

Бошқача айтганда, капитал сарфлашнинг халқ хўжалиги жи-
хатидан умумий самарадорлигини миллий даромад ўсаётганлигида
кўриш мумкин. Капитал сарфлашнинг халқ хўжалиги самарадорли-
ги ўсган миллий даромаднинг капитал сарфларига нисбатан олинади.

Қишлоқ хўжалигида капитал сарфлашнинг иқтисодий самара-
дорлигини аниқлашда катор кўрсаткичлардан фойдаланиш мумкин.

Бугун қишлоқ хўжалиги ва унинг айрим тармоқлари бўйича
капитал сарфлашнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлашда йил-
лик соф маҳсулот (ялпи даромад) капитал сарфига тақсимланади:

$$Ис = \frac{СМ}{К} \quad ёки \quad \frac{СД}{К} ;$$

Бу ерда: СД — ялпи даромаднинг ўсиши (соф маҳсулот).

Корхона доирасида капитал сарфлашнинг иқтисодий са-
марадорлигини аниқлашда йиллик ўсган фойда капитал сар-
фига тақсимланади:

$$Кэ = \frac{\Phi}{К} ;$$

Бу ерда: Φ — корхонанинг иқтисодий самарадорлиги ва
х.к.

Янгидан қурилаётган иншоот бўйича иқтисодий сама-
радорлик қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$Ис = \frac{Им - Мт}{Кс} ;$$

Бу ерда: Им — корхона йил давомида ишлаб чиқарган
маҳсулотнинг кўтара баҳодаги суммаси;

Мт — йиллик ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг таннархи;

Кс — қурилаётган иншоотнинг смета бўйича қиймати ёки
амалга оширилаётган тадбирларга кетадиган капитал сарфлари.

Тармоқлар ва корхоналар бўйича таннархни пасайти-
риш кўрсаткичи қўлланилади.

Бунда самарадорлик маҳсулот таннархини арзонлашти-
риш ҳисобига тежалган маблағ (пул)ни капитал сарфига
тақсимлаш орқали аниқланади.

$$Ис = \frac{M_1 - M_2}{K_2 - K_1} ;$$

Бу ерда: M_1 ва M_2 — капитал сарфламасдан аввалги ва
сарфлангандан кейинги маҳсулот таннархи;

K_2 ва K_1 — капитал сарфлашнинг биринчи ва иккинчи
вариантида суммаси.

7.5. Сўнги йилларда республикамизда инвестиция миқдори ва суръатларининг ошиб бориши ҳамда уларнинг самарадорлиги

Профессор А. Абдуғаниев¹ маълумотлари бўйича, республика мустақилликка эришгандан сўнг 1998 йилгача ички иқтисодиётга 8 млрд. АҚШ доллари миқдорида чет эл инвестицияси кириб келди. Жумладан, АСМ учун 1994 йилда 2млрд. 224 млн. сўмлик капитал қўйилмалар сарфланган бўлса, 1998 йилга келиб, бу кўрсаткич 24950 млн. сўмни ташкил этди. Дастлабки йилларда сарфланган маблағларнинг 70-80%и давлат бюджети ҳисобига тўғри келган бўлса, сўнги йилларда эса унинг салмоғи камайиб 30-35%гача тушди. Бундан кўриниб турибдики, давлатимиз раҳбарияти юритаётган инвестиция сиёсати натижасида мамлакатимизда инвестиция миқдори кўпайиб, МДХ давлатлари орасида Ўзбекистон бу борада етакчи ўринни эгалламоқда. Бунда республикамизнинг ишончли шерик эканлиги маълум бўлмоқда ва муҳим аҳамият касб этмоқда.

Қишлоқ хўжалигида сарфланаётган инвестициялар доимо самарали бўлиши зарур. Бунинг учун:

- инвестицияларни (капитал қўйилмаларни) зарур ва самарали йўналишларга сарфлаш;

- ишлаб чиқариш объектларига сарфланаётган маблағларни имконият даражасида тежашга эришиш;

- ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш бўйича барча жараёнларни тўлиқ механизациялаш, электрлаштириш;

- барча ишлаб чиқариш воситаларидан йил давомида тўлиқ ва самарали фойдаланиш;

- янги техника ва илғор технологияларни тезроқ ишлаб чиқаришга жорий этиш;

- тармоқдаги лойиҳа-қидирув ишларига сарфларни тежаш;

- экинларнинг янги навларини, чорва ҳайвонларининг маҳсулдор зотларини яхшилаш зарур ва бошқалар.

Таъкидланган барча масалалар қишлоқ хўжалигида тезроқ, ижобий ҳал этилса, инвестициялар (капитал қўйилмалар) келажакда сўзсиз юқори самара беради.

¹Ушбу мавзу проф.А.Абдуғаниевнинг «Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти» фаши бўйича дастуридан олинди.

Қисқача хулосалар

Бу бобда капитал қўйилмаларнинг ижтимоий - иқтисодий зарурлиги, аҳамияти, манбалари, сарфланиш йўналишлари, иқтисодий самарадорлигини аниқлаш тартиби, сўнгги йилларда инвестиция миқдори ва унинг кўпайиш истиқболлари ҳақида атрофлича тушунча берилган.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Нима учун капитал қўйилмалар зарур?
2. Уларни қандай манбалар ҳисобига шакллантириш мумкин?
3. Улардан фойдаланиш даражаси, иқтисодий самарадорлиги қандай аниқланади?
4. Уларнинг иқтисодий самарадорлигини қандай тадбирлар асосида ошириш мумкин?

Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик тўғрисида» ги қонуни. Ўзбекистоннинг янги қонунлари. -Т.: «Адолат», №2, 1991.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Дехқон хўжаликлари тўғрисида» ги қонуни. «Халқ сўзи», 1998, 6 июнь.
3. Каримов И.А. Хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш ва рақобатчилик муҳитини шакллантириш иқтисодий ислохотлар иккинчи босқичининг асосий вазифаси. -Т.: «Ўзбекистон», 1995.
4. Каримов И.А. Давлатимиз мулкани хусусийлаштириш ва кўп укладли иқтисодиёт асосларини шакллантириш. -Т.: «Ўзбекистон», 1995.
5. Каримов И.А. Қишлоқ истиқбои — юрт истиқболи. -Т.: 1990.
6. Коваленко Н.Я. Экономика сельского хозяйства, Курс лекций, -М. 1999.
7. Йўлдошев С.Х. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги юксалища, -Т.: «Ўзбекистон», 1991.

ҚИШЛОҚ ХҲЖАЛИГИДА ЯЛПИ МАҲСУЛОТ ВА ТОВАР МАҲСУЛОТИ, УЛАРНИ ТАҚСИМЛАШ ВА КҮПАЙТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

8.1. Ялпи маҳсулот ва товар маҳсулоти ҳақида тушунча, уларнинг аҳамияти

Қишлоқ хўжалиги корхоналарида маълум муддат ёки йил давомида ғалла, сабзавот, пахта, сут-гўшт каби маҳсулотлар етиштирилади ва тегишли хизматлар бажарилади. Маълум муддат давомида яратилган жами маҳсулот ва тегишли хизматлар йиғиндиси *ялпи маҳсулот* дейилади.

Ялпи маҳсулот натура ва пул шаклида ҳисобга олинади. Ялпи маҳсулотларнинг турлари ҳар хил. Чунончи, бир йилда етиштирилган ғалла, пахта ва ҳоказо ялпи маҳсулотлар мавжуд бўлиб, уларни бир-бирига т., центнерлар ҳолатида қўшиб бўлмайди. Шу сабабли хўжалик бўйича тегишли йил бўйича жами ялпи маҳсулот миқдорини аниқлаш учун уларнинг тегишли йилдаги давлат баҳосда ёки солиштирма баҳоларда қийматлари аниқланади. Шу асосда тегишли йил бўйича ялпи маҳсулот миқдори аниқланади. Одатда, ялпи маҳсулот икки қисмдан иборат бўлиб, бир қисми омборлардаги ҳамма тайёр маҳсулотлар ва иккинчи қисми эса тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатларидир. Ҳорий йил кузида ерни келаси йил ҳосили учун ҳайдаб, уни тайёрлаб қўйиш билан боғлиқ харажатлар тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатларига киради. Шунини айтиш керакки, тайёр маҳсулотларнинг бир қисми ички эҳтиёжлар (уруғлик, см-хашак, сут, гўшт ва ҳ.к.)ни, умумий овқатланиш эҳтиёжларини қондириш учун қолдирилади.

Маълумки, қишлоқ хўжалигида бир турдаги маҳсулот ҳам деҳқончиликда, ҳам чорвачилик маҳсулоти таркибида ўз ифодасини топади. Масалан, см-хашакни олиб кўрайлик. У асосан, деҳқончилик маҳсулотидир. Аммо молларга озуқа сифатида айни вақтда чорвачилик ялпи маҳсулотлари қийматида ҳам киради. Бинобарин, бир турдаги маҳсулот иккинчи соҳада етиштирилган маҳсулотда такрорланади. Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти қийматини аниқлашда деҳқончилик ва чорвачиликдаги жами маҳсулотлар олинади.

Шунини айтиш керакки, ўсимликчилик ва чорвачиликда ялпи ва товар маҳсулотларини ҳисоблашда ёрдамчи маҳсулотлар (ғўзапоя, гўнг ва ҳ.к.) баъзан чиқариб ташланади, баъзан ҳисобга

киритилади. Маълумки, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти жамият ялпи маҳсулотининг бир қисмидир.

Ялпи маҳсулотларнинг кўпчилик қисми, техника экинлари, пилла, қорақўл тери каби маҳсулотларнинг ҳаммаси, давлатга сотиш мақсадида чиқарилган (сотилган) маҳсулотлар эса *товар маҳсулоти* дейилади. Маҳсулотларнинг товарлилик даражаси уларнинг четга сотилган, яъни чиқарилган маҳсулотлари миқдорига бўлган нисбати асосида аниқланади. У қуйидаги формула билан ифодаланади:

$$T = \frac{TM}{ЯМ} \cdot 100;$$

Бу ерда: T — хўжалик ёки тармоқларнинг товарлилик даражаси;

TM — товар маҳсулоти (натура ёки пул ифодасида);

$ЯМ$ — ялпи маҳсулот (натура ёки пул ифодасида).

Чунончи, «Туркистон» ширкат хўжалигида етиштирилган 10 000 ц. буғдойдан 7 000 центнери четга сотилган. Бу ерда фаллачилик соҳасининг товарлилик даражаси 70%ни ташкил этади.

Дехқончиликнинг товарлилик даражасини аниқлашда тугалланмаган ишлаб чиқариш ҳисобга олинмайди, чунки у сотилмайди. Шунини айтиш керакки, хўжаликдаги айрим тармоқларнинг товарлилик даражасини аниқлашда натура кўрсаткичларидан фойдаланса ҳам бўлади. Агар икки ва ундан кўпроқ соҳалар бўйича ялпи маҳсулотни аниқламоқчи бўлсак, юқорида айтилганидек, улар пулга айлантирилади.

Одатда, ялпи ва товар маҳсулотларининг кўпайиши катта халқ хўжалиги аҳамиятига эга. Бу ерда ялпи ва товар маҳсулоти қанчалик кўп бўлса, хўжалик ёки тармоқнинг иқтисодий ҳолати ҳам шунча ўсиб боради, пул даромади кўпаяди, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, қайта ишлаш ва енгил саноат корхоналарининг узлуксиз ишлашлари учун қулай имкониятлар яратилади.

8.2. Қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти таркиби, ўзгариши

Амалга оширилаётган аграр-иқтисодий ислохотлар натижасида республика қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти 1995-1999 йиллар мобайнида 6,7 марта ортиб, 1999 йили 833,0 млрд. сўмликни (ҳақиқий баҳода) ташкил қилди. Бундай ўсишга:

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмининг кўпайиши;

- ишлаб чиқаришнинг таркибан ўзгариши ва ривожланиши ҳисобига эришилди.

Ялпи маҳсулотнинг 97-98%и нодавлат секторда этиштирилмоқда. Унинг таркибида 55-50%и ўсимликчилик, 44-45%и эса чорвачилик тармоғи ҳиссасига тўғри келади. Республика-миз қишлоқ хўжалигида ғаллачилик устувор равишда ривожлантирилмоқда. Шу боис 1993 йилдан буён дон этиштириш ҳажми 2 баробарга кўпайди. Бунга донли экинлар ҳосилдорлигини ошириш ва экин майдонларини кенгайтириш ҳисобига эришилмоқда.

Республика-мизда 2002 йилда ғаллачиликда, айниқса, юқори натижаларга эришилди. Бу ҳосилдорликни муттасил ошириб бориш йўллари изланаётгани, йилнинг сарғин келиши, дехқон, фермер, ширкат хўжаликларида этиштирилган доннинг режа ёки шартномадан ортиқча қисми этиштирувчиларда қолдири-ётганлиги, моддий рағбатлантириш тобора кучлироқ кўлам олаётгани, энг муҳими, ер ҳақиқий эгасини топганлиги натижасидир.

Айнан шу сабабли бошқа турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари этиштириш ҳажми ҳам йил сайин ўсмоқда. Чунончи, 1995-1999 йилларда 687,1 минг т. картошка этиштирилди ёки бу борада 45,4% ўсишга эришилди, узум этиштириш эса 2 баробар кўпайди.

Маҳсулот этиштириш ҳажмининг кўпайишига мулкчилик ва хўжалик юритишнинг турли шакллари-га кенг йўл берилганлиги, илғор техника ва технологиядан фойдаланишга эътибор кучайганлиги ижобий таъсир кўрсатмоқда.

8. 3. Маҳсулотларни сотиш ва уларнинг товарлилик даражаси

Маълумки, дон каби маҳсулотларнинг давлат ихтиёридаги хомашё захирасини яратмасдан туриб, сн-гил ва озиқ-овқат сано-атининг йил давомида узлуксиз ишлашини таъминлаб бўлмайди.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари тайёрлаш ва давлатга топшириш (сотиш)нинг халқ хўжалигидаги аҳами-яти кўйидаги заруриятлар туфайли кескин ошади:

- мулкчиликнинг турли шакллари мавжудлиги туфайли то-варларни алмашлаб туриш;
- йил давомида аҳолини озиқ-овқат, сн-гил саноатни хомашё билан таъминлаш;
- захира яратиш;
- чет мамлакатларга қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш мақсадида экспорт фондларини вужудга келтириш;

- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ўзига хос хусусияти бўлган мавсумийлик туфайли (айниқса, деҳқончиликда) стиштирилган маҳсулотларни йил давомида бир маротаба тайёрлаш зарурати ва ҳ.к.лар.

Айнан шу заруриятлар туфайли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари турли йўллар билан давлатга ва истеъмолчиларга сотилмоқда, тарқатилмоқда. Пахта, ғалла, пилла каби маҳсулотлар эса давлат буюртмаси асосида харид қилинмоқда.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари уларни сотиб олувчи ташкилотлар билан стиштирувчи – ширкат, фермер ва бошқа шаклдаги хўжаликлар ўртасида тузиладиган шартномалар асосида сотилади. Шартномада маҳсулотларнинг тури, сифати, миқдори, баҳоси, сотиш вақти, маблағни ўтказиш муддати, пеня, жарима тўлаш шартлари ҳам кўрсатилади. Ҳар икки томон шартномада белгиланган бурч ва мажбуриятларини бажаришлари керак. Кўпинча битим маҳсулотни олувчилар томонидан бажарилмаётир. Чунончи, маҳсулотлар сотишга стказиб берилмоқда, аммо мол стказиб берувчи тегишли пул маблағларини деҳқонлар ҳисобига ўз вақтида ўтказилмаслик ҳоллари учрамоқда.

Бу ўринда қайд этиш керакки, шартномалар кўпинча талаб даражасида тузилмайпти.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг бир қисми истеъмолчиларга бозорлар орқали келишилган баҳо билан сотилмоқда, аммо кўп қисми савдогарлар кўлига ўтмоқда ва улар баҳоларга монополия қондасини жорий қилмоқдалар. Бозорларда мол ҳақиқий эгаси томонидан, меҳнаткашлар учун арзон ва қулай баҳоларда сотилиши лозим.

Маҳсулотнинг товарлилик даражасини аниқлаш тартиби шу бобнинг 1-мавзуйида баён этилгандир.

8. 4. Ялли маҳсулотни кўпайтириш йўллари

Аввалги ўринларда қайд этиб ўтилганидек, мустақиллик йилларида, айнқса, бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнлари кучайган 1993-2002 йиллар мобайнида кўп укладли иқтисодиёт туфайли қишлоқ хўжалигининг ғаллачилик, пахтачилик каби тармоқларида ялли маҳсулот стиштириш ҳажми кўпайди. Бунга эса асосан экинлар ҳосилдорлигини ошириш ҳаракатлари кучайганлиги, экин майдонларини кенгайтириш ҳисобига эришилмоқда. Бу ўринда эслатиб ўтиш керакки, айрим хўжаликларда экин майдонларини кенгайтириш имкониятлари ўта чекланган. Бундай шароитда фақат маҳсулот стиштиришни экинлар ҳосилдорлигини, чорва моллари маҳсулдорлигини ошириш орқалигина кўпайтириш мумкин.

Ер майдони бирлиги ҳисобига қўшимча маблағ ва меҳнат сарфлаш йўли билан маҳсулот етиштиришни кўпайтириш *ишлаб чиқаришнинг интенсив ривожланиши*, деб аталади.

Шуни айтиш керакки, ерлар мелиоратив ҳолатини яхшилаш, тупроқ унумдорлигини ошириш, замонавий техникани қўллаш, серҳосил, тезпишар навлардан, сифатли уруғликлардан фойдаланиш, такомиллашган технологияни татбиқ этиш кабилар, ишлаб чиқариш харажатларини ҳам, айти пайтда ер майдони бирлиги ҳисобига етиштирилаётган маҳсулот ҳажмини ҳам кўпайтиради.

Қишлоқ хўжалигини интенсивлаштириш асосида ривожлантиришнинг ижобий томони ва афзалликлари шундаки, бунда даставвал ишлаб чиқариш жараёнида қўлланадиган техника ва технология такомиллашади, кимёлаштириш ва бошқа тадбирлар туфайли тупроқ унумдорлиги ортади, чорва моллари зоти яхшиланади, натижада ҳар гектар ер майдони ҳисобига кўп ва арзон маҳсулот етиштирилади.

Қишлоқ хўжалигида интенсивлаштириш даражасини ошириш орқали ялпи маҳсулот ҳажмини кўпайтириш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш тақозо этилади:

- ирригациялаш ва мелиорациялаш;
- механизациялаш ва комплекс механизациялаш;
- ўсимликчилик ва чорвачиликни кимёлаштириш;
- ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш, агросаноат интеграцияни жорий қилиш;
- фан ютуқлари, илғорлар тажрибасини жорий қилиш;
- илғор техника ва технологияни жорий қилиш, тезпишар, серҳосил пахта, галла навларини жорий қилиш, чорва наслини яхшилаш;

- ишчи ва хизматчилар малакасини ошириш, уларни меҳнатига ўз вақтида ҳақ тўлаш, моддий ва маънавий рағбатлантириш жараёнини такомиллаштириш;

- фермер, ширкат хўжаликлари ва мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган бошқа турдаги корхоналар ташкил қилиш жараёнини янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш;

- инвесторлар маблағларини ишлаб чиқаришга кўйлаб жалб этиш ва ҳ.к.

Бу каби тадбирлар ўз вақтида амалга оширилса, маҳсулот етиштириш кескин кўпаяди, иқтисодийни кўтариш имконияти яратилади.

Қисқача хулосалар

Ушбу бобда ялпи ва товар маҳсулотлари ҳақида тушунча берилган, уларнинг аҳамияти, маҳсулотларни сотиш ва товарлик даражасини ошириш, ялпи маҳсулот ҳажмини кўпайтириш йўллари баён этилган.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Ялпи маҳсулот таркиби қай тарзда ўзгаради?
2. Ялпи маҳсулот қандай тартибда тақсимланади?
3. Ялпи маҳсулотнинг товарлиқ даражаси қандай қилиб аниқланади, товар маҳсулоти нима?
4. Ялпи маҳсулот ҳажмини ва қийматини оширишнинг қандай йўллари мавжуд?

Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик тўғрисида» ги қонуни, Ўзбекистоннинг янги қонунлари. -Т.: «Адолат», №2, 1991.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Дехқон хўжаликлари тўғрисида» ги қонуни. «Халқ сўзи», 1998, 6 июнь.
3. Каримов И.А. Хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш ва рақобатчилик муҳитини шакллантириш иқтисодий ислохотлар иккинчи босқичининг асосий вазифаси. -Т.: «Ўзбекистон», 1995.
4. Каримов И.А. Давлатимиз мулкни хусусийлаштириш ва кўп укладли иқтисодиёт асосларини шакллантириш. -Т.: «Ўзбекистон», 1995.
5. Каримов И.А. Қишлоқ истиқболи — юрт истиқболи. -Т.: 1990.
6. Коваленко Н.Я. Экономика сельского хозяйства. Курс лекций, -М. 1999.
7. Йўлдошев С.Х. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги юксалида. -Т.: «Ўзбекистон», 1991.

IX боб. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ЖОРИЙ ВА ЎРТАЧА ХАРАЖАТЛАР

9.1. Харажатлар, уларни туркумлаштирилиши ва камайтиришнинг аҳамияти

Моддий ишлаб чиқариш жараёнида корхоналар турли хилдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда хизматлар бажариш учун моддий ва пул ҳамда меҳнат шаклида, бошқача айтганда, натура (минерал ўғитлар, ёнилғи-мойлаш ашёлари, уруғлик ва ҳ.к.) ҳолатида харажат қиладилар. Бундай харажатлар корхонани тиклаш ҳамда бошқариш учун ҳам сарфланади.

Харажатлар ижтимоий ва индивидуал харажатларга бўлинади.

Товар қиймати дейилганда, уни стиштириш учун кетадиган ижтимоий зарурий жонсиз (буюмлашган) ҳамда жонли меҳнат сарфлари, яъни ишлаб чиқариш харажатлари тушунилади. Бунда ишлаб чиқарилаётган ҳар бир маҳсулот ижтимоий харажатлар нуқтаи назаридан қуйидаги уч қисмдан ташкил топади:

- сарфланган ишлаб чиқариш воситаларининг ишлатилиши натижасида маҳсулотларга кўчиб ўтган қиймат ва шунингдек, сарфланган айланма воситалар суммаси C ҳарфи билан белгиланади;

- жонли меҳнат, яъни ходимнинг ўзи учун яратилган маҳсулот қиймати V ҳарфи билан белгиланган;

- жамият учун яратилган қўшимча маҳсулот қиймати кичик m ҳарфи билан ифодаланади. Бу ифода пул ҳолатида соф даромадни ифодалайди.


Шундай қилиб, ишлаб чиқарилаётган ҳар бир маҳсулот ўз қиймати жиҳатидан қуйида келтирилган элементлар қийматидан таркиб топган: . Буларнинг умумий йиғиндиси маҳсулот қиймати бўлиб, ижтимоий харажатларни ифодалайди.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидаги бундай ижтимоий харажатлар 7-чизмада келтирилган.

Бу харажатлар ҳар бир корхонанинг индивидуал харажати бўла олади ва маҳсулот таннархини аниқлашда асос бўлади.

Одатда, ҳар бир хўжалик, ҳар бир бригада, фермер ва ҳ.к.лар ўз имкониятлари даражасида бозор иқтисодиётида харажатлар ҳажмини қатор тадбирлар орқали қисқартиришга интиломи керак. Хўжаликнинг ҳар бир тармоғида амалга ошириладиган харажатлар 1995 йилнинг 1 январидан бошлаб жорий этилган тартибга биноан туркумлаштирилган. Бу тартиб «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш харажатларининг тар-

киби ҳамда молиявий натижаларини шакллантириш тўғрисидаги низом»да (Тошкент, 1999й) ўз ифодасини тўлиқ топган.



7-чизма. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарини харажатлари.

Ишлаб чиқарувчи харажатлар доимий ва ўзгарувчи харажатлардан ташкил топади. Профессор А. Абдуғанисов тақдим қилган дастурга кўра, қишлоқ хўжалигида амалга ошириладиган сарфлар ўзгарувчан ҳамда доимий харажатлардан ташкил топади. Улар ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажми ва иш миқдорининг ўзгариши билан узвий боғланган бўлади. Доимий харажатлар ишлаб чиқариладиган маҳсулот ҳажмининг ўзгариши билан боғлиқ эмас. Маҳсулот ҳажмининг кўпайиши ёки камайиши билан доимий харажатлар ўзгармайди. Масалан, ср

учун айрим асосий воситаларга тўланадиган ижара ҳақи, айрим асосий воситаларнинг эскириш суммаси (амортизация суммаси) тўловлари ва бошқалар доимий харажатлар таркибига киради. Ўзгарувчи харажатлар бевосита ишлаб чиқариладиган маҳсулот ҳажми ўзгариши билан боғлиқ. Ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар миқдорининг кўпайиши ўзгарувчан харажатлар ҳам кўпайишини тақозо этади. Уларга хомашё, ёқилғи, ем-хашак, меҳнатга тўланадиган иш ҳақи, электр энергияси, унинг харажатлари ва бошқалар киради. Доимий ва ўзгарувчан харажатларнинг йиғиндиси жами харажатларни ташкил этади. Улар қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

1. Маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархига киритиладиган харажатлар:

- а) бевосита ва билвосита моддий харажатлар;
- б) бевосита ва билвосита меҳнат харажатлари (иш ҳақи);
- в) бошқа бевосита ва билвосита харажатлар;

2. Ишлаб чиқариш таннархига киритилмайдиган, бироқ асосий фаолиятдан кўрилган фойда ҳисобига олинадиган ҳамда давр харажатларига киритиладиган харажатлар;

- а) маҳсулотни сотиш билан боғлиқ бўлган харажатлар;
- б) корхонани бошқариш харажатлари (маъмурий сарф-харажатлар);

в) бошқа операцион харажатлар ва зарарлар.

Ҳар бир корхонанинг умумхўжалик фаолиятдан кўрилган фойда ёки зарарларни ҳисоблаб чиқишда хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий фаолияти бўйича ҳисобга олинадиган харажатлар асос бўлади.

Профессор А. Абдуғаниев қайд этганидек, одатда, қишлоқ хўжалигида қилинадиган харажатлар узоқ ва қисқа муддатли харажатлардан ташкил топади. Бундай харажатлар қанчалик тежалса, корхона маблағлари ҳам шунчалик тежалади, даромад ва фондлар кўпаяди.¹

9. 2. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг таннархи (ўрғача харажатлари), уларнинг турлари, аҳамияти

Турли хилдаги маҳсулотларни стиштириш (хизматларни бажариш) учун моддий маблағлар ва меҳнат сарфланади.

Маҳсулотнинг ҳақиқий таннархи уни ишлаб чиқариш жараёнидаги ҳақиқий сарфлардан таркиб топиб, $C + V$ ҳарфла-

¹ Ушбу мавзу проф. А. Абдуғаниевнинг «Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти» фани бўйича дастуридан олинди.

ри орқали ифодалангандир. Бу ерда C — моддий-пул харажатлари ва V — меҳнатга кетадиган сарфларни ифодалайди. Маълумки, маҳсулот таннархи даражаси муҳим иқтисодий кўрсаткич бўлиб, хўжаликнинг иқтисодий фаолияти даражасини белгилайди. Одатда, маҳсулот таннархи қанча паст, арзон бўлса, пул маблағлари ҳам шунчалик тежалган бўлади, даромад кўпаяди. Таннарх даражаси ишлаб чиқариш реи табеллигига ҳам ижобий таъсир қилади.

Маҳсулот таннархи қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг муҳим иқтисодий кўрсаткичларидан биридир. У ҳар бир хўжалиқда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши қанчага тушаётганлигини кўрсатади.²

Таннархда корхоналар хўжалик фаолиятининг сифатий жиҳатлари ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги, технология ва ишлаб чиқаришнинг ташкилий ҳолати, фан ютуқлари ва илғорлар тажрибаси қандай жорий қилинаётганлиги, хўжалик жиҳатидан бошқариш даражаси ақс этади. Маҳсулот таннархи даражаси қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг оқилона жойлашуви ва ихтисослашуви, ишлаб чиқариш самарадорлигини аниқлаш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг баҳолар даражасини аниқлашда зарур кўрсаткич саналади.

Ялпи маҳсулот таннархи уни ишлаб чиқариш учун кетган харажатлар суммасини ифодалайди. Бирлик маҳсулотнинг таннархи жами сарфларни ялпи маҳсулотга бўлиш йўли билан аниқланади. У қуйидаги тартибда аниқланади:

$$T = \frac{X}{ЯМ};$$

Бу ерда: X — ишлаб чиқаришга кетган сарфлар суммаси, сўм; $ЯМ$ - қишлоқ хўжалигида ялпи маҳсулот ҳажми, т. ц.


Қишлоқ хўжалигида маҳсулот таннархи билан бирга (автохўжалик, тракторлар, иш ҳайвонлари томонидан) айрим ишларнинг таннархи ҳам аниқланади. Бундай ҳолатда т. -километр, шартли эталон гектар, от-қучининг таннархи ҳам аниқланади ва улардан фойдаланилади. Усимликчиликда ҳар гектар майдонга ишлов берилиши натижасида 1 га таннархи, чорвачилиқда 1 бош мол ва иарранда ўстириш таннархи аниқланади.

Хўжалик фаолиятини таҳлил қилишда иқтисодий ва ишлаб чиқариш йўналишига қараб қишлоқ хўжалик маҳсулотлари таннархининг қуйидаги турлари мавжуд (8-чизма).

Ишлаб чиқариш таннархи. Бунга ҳамма маҳсулотнинг

² Коваленко Н.Я. Экономика сельского хозяйства, с 310-315, М., 1999.

олиниши ҳамда транспортда омборларгача стказиш билан боғлиқ бўлган харажатлар киради. Усимликчиликда ишлаб чиқариш таннархига ишлаб чиқаришни бошқариш ва ташкил қилиш билан боғлиқ харажатлар ҳам киритилади.



8-чизма. Қишлоқ хўжалиги маҳсулот таннархининг турлари.

Тўлиқ ёки коммерция таннархига маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ харажатлар киради. Ҳар бир центнер маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархига қараганда сотиш таннархи юқори бўлади.

Шунингдек, қишлоқ хўжалик корхоналарида режали, ҳисоботли ёки ҳақиқий ва қутилаётган таннарх ҳисобланади ва аниқланади.

Режали таннарх йил бошида олдиндан мейёр бўйича аниқлаб қўйилади. У ишлаб чиқариш, шунингдек, тўлиқ таннарх асосида аниқланади.

Қутилаётган таннарх ўтган уч чоракдаги ҳақиқий сарфга тўритинчи чоракда режалаштирилаётган сарфлар қўшилган ҳолда ҳисоблаб чиқилади. Харажат турлари бўйича ҳақиқий ва режали таннарх солиштириб кўрилади, маблағ ва меҳнат сарфлари бўйича йўл қўйилган хатолар кўриб чиқилиб, тегишли тадбирлар белгиланади.

Шу тариқа аниқланган таннарх даражаси таҳлил қилинади. Сўнгра барча ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланиш даражаси ва уларни яхшилаш, янги техника ва технологияларни жорий этиш тадбирлари кўриб чиқилади ва уларни амалга ошириш чоралари кўрсатилади.

Шуни айтиш керакки, бозор муносабатларига ўтиш даврида Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида деярли ҳамма турдаги маҳсулот таннархи даражаси анча қимматлашганлигини кўриш мумкин.

9.3. Харажатлар таркиби ва маҳсулот таннархини аниқлашнинг услубий асослари

Маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланаётган харажатлар шу маҳсулотлар таннархларини режалаштиришда, ҳисобот объектининг шаклланиш манбаларига кўра элементлари ва моддалари бўйича гуруҳлантирилган.

Харажат элементлари дейилганда, иқтисодий мазмуни бўйича деярли бир хил харажатлар, моддалари бир ва бир неча элементларни ўз ичига олган харажатлар тушунилади.

Харажатлар маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида қатнашиш хусусиятига кўра, асосий ва ёрдамчи харажатларга бўлинади. Асосий харажатлар маҳсулот ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ бўлган харажатлардир. Улар тўғри ва эгри, ёрдамчи харажатлардан иборат бўлиб, сўнгилари бригада, бўлимни бошқариш учун кетадиган харажатларни ҳам ўз ичига олади.

Таннархни ҳисоблашда асосий харажатларнинг бир қисми бирорта экин тури ёки чорвага олиб борилади. Улар жумласига меҳнатга бериладиган ҳақ, ёнилғи-мойлаш материаллари, уруғлик, ем-хашак, тўшама, ўғитлар, ўсимлик ва чорва молларни ҳимоя қилиш ва бошқалар билан боғлиқ харажатлар киради. Маълум маҳсулот турининг таннархига тўғридан-тўғри бормайдиган (ёрдмчи ишлаб чиқариш, умум ишлаб чиқариш ва умум-хўжалик харажатлари) эгри йўл билан тақсимланади.

Маҳсулот таннархини ҳосил қилувчи харажатлар иқтисодий моҳиятига кўра, қуйидаги элементлардан ташкил топади:

- моддий харажатлар;
- иш ҳақи харажатлари;

- асосий фондлар амортизацияси;
- бошқа харажатлар.

Моддий сарфлар маҳсулот таннархига қўйидаги баҳода (қўшилган қийматга солиқ олинмаслик шарти билан) ҳисобланади:

- ўз ишлаб чиқаришидан ўтган йил боши балансида бўлганларининг қиймати бўйича, жорий йилдагиси эса (режа) ҳақиқий таннархи бўйича ҳисобланади ва ҳ.к.

9.4. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг таннархини пасайтириш йўллари

(Бу мавзунини тайёрлашда проф. А.Абдуғаниев қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигидан олган маълумотлардан фойдаланилди.)

Маълумки, қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги таркибидаги хўжаликлар маҳсулот етиштириш, хизматлар кўрсатиш учун жуда кўп маблағ сарфламоқдалар. Чунончи, 1997 йилда жами харажатлар 123,3 млрд. сўмни ташкил этган, шундан 90,8%и деҳқончилик тармоқларида маҳсулот етиштириш учун, 9,2%и эса чорвачилик маҳсулотлари етиштиришга сарфланган. Деҳқончиликдаги умумий харажатларнинг 73,0%и ёки 81,9 млрд. сўми пахтачиликда, 18,95%и ёки 21,2 млрд. сўми ғаллачиликда сарфланган. Харажатлар 1998 йилда янада кўпайган. Натижада қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг таннархлари ҳар ортган. Чунончи, 1 ц. пахта хомашёсининг таннархи 1997 йилда 2467,1 сўмни ташкил этган бўлса, 1998 йилга келиб, 3307,7 сўмга етган ёки 34,1%га ортган. Шу миқдордаги ғалла маҳсулотларининг ўртача таннархи шу йиллар мобайнида 899,4 сўмдан 1151 сўмга етган ёки 28%га ошган. Бундай ҳолатни бошқа маҳсулотлар таннархида кузатиш мумкин.

Етиштирилган пахта таннархида харажатларнинг 41-43%ини меҳнат ҳақи, 11-12,5%ини уруғлик, 10-12%ини ёнилғи-мойлаш материаллари сарфлари ташкил этган. Пахта таннархи даражаси вилоятлар ва тармоқлар ўртасида бир-биридан кескин фарқ қилмоқда. Бунга бир қанча омиллар сабаб бўлмоқда. Табиий шароит, хўжаликларнинг техника билан қуролланиш ва ундан фойдаланиш даражаси, уруғлик чигит навларидаги фарқлар, пахтачиликда янги технологиянинг қўлланиши ва мутгасил такомиллаштириб борилиши, қатор ораларига ўз вақтида сифатли ишлов бериш ва суғориш, қолаверса, ишловчиларни (фермер, ширкат хўжаликларини) моддий рағбатлантиришнинг жорий қилиниши пахта ҳосилдорлигини ошириш ва таннархини пасайтириш турлича бўлишига сабаб бўлмоқда.

Албатта, экинлар ҳосилдорлигини ва чорва маҳсулдорлигини


ни оширишнинг қатор йўллари ва имкониятлари бор. Чунончи:

- ирригация, мелиорация, кимёлаштириш даражасини муттасил кўтара бориш;

- асосий ва айланма воситалардан унумли фойдаланиш, барча агротехника тадбирларини ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш, янги технологияларни жорий қилиш, серҳосил, тезпишар ҳамда ҳосилини машиналарда териб олишга мос ғўза навларини кенг жорий қилиш;

- фермер, ширкат хўжалиklarига кенг йўл бериш, уларнинг ҳар томонлама мукамал ва мустаҳкам бўлишига эришиш, муттасил моддий рағбатлантириш ва ҳ.к.лар.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши самарадорлигига эришишнинг зарур шарти маҳсулот етиштириш таннархини муттасил арзонлаштира боришдан иборат. Бу маҳсулот етиштириш жараёнида моддий-пул харажатларини қисқартиришни тақозо этади. Моддий-пул харажатларини қисқартириш йўллари эса қўп.



9-чизма. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таннархини пасайтириш йўллари

Қисқача хулосалар

Ушбу бобда қишлоқ хўжалиги корхоналарида харажатлар, уларнинг туркумланиши, харажатларнинг таркиби ва маҳсулот таннархини аниқлаш усули ҳамда таннархини пасайтиришнинг тежамли йўллари ҳақида фикр юритилган.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Харажатлар деганда нимани тушунасиз? Уларнинг қандай турлари бор?
2. Харажатлар қандай туркумлаштирилади?
3. Маҳсулот таннархини аниқлаш тартиби ва харажатларни қисқартириш йўллари нималардан иборат?

Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик тўғрисида»ги қонуни. Ўзбекистоннинг янги қонунлари. -Т.: «Адолат», №2, 1991.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Дехқон хўжаликлари тўғрисида» ги қонуни. «Халқ сўзи», 1998, 6-июнь.
3. Каримов И.А. Хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш ва рақобатчилик муҳитини шакллантириш иқтисодий ислохотлар иккинчи босқичининг асосий вазифаси. -Т.: «Ўзбекистон», 1995
4. Каримов И.А. Давлатимиз мулкани хусусийлаштириш ва кўп укладли иқтисодиёт асосларини шакллантириш. -Т.: «Ўзбекистон», 1995.
5. Каримов И. А. Қишлоқ истиқбои — юрт истиқболи. -Т.: 1990.
6. Коваленко Н. Я. Экономика сельского хозяйства. Курс лекций. -М, 1999.

КОРХОНАЛАРНИНГ ДАРОМАДЛАРИ, ФОЙДАЛАРИ, УЛАРНИНГ ТАҚСИМЛАНИШИ

10.1. Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг даромад ва фойдалари

Маълумки, тармоқдаги мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган корхоналар турли хил қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирадилар. Бу маҳсулотлар бозор эҳтиёжлари учун сотилади ва айрибошланади. Шунингдек, улардан етиштирувчиларнинг ички эҳтиёжлари учун ҳам фойдаланилади.

Маҳсулотлар натура ($ц$) ҳолатида ҳисобга олинади. Айни вақтда уларнинг пул ифодасида қийматлари аниқланади. Аввалги ўринларда қайд этилганидек, маҳсулот қиймати буюмлашган меҳнат (C) ҳамда жонли меҳнат (V), шунингдек, кўшимча қиймат (m) дан ташкил топади. Ялпи даромад ($V+m$) тармоқ миқёсида миллий даромад ҳам дейилади.

Хўжаликдаги етиштирилган жами товар маҳсулотларни сотиш эвазига олинган даромаддан шу маҳсулотни етиштириш учун қилинган харажатларга ажратилгандан сўнг қолгани ялпи фойда бўлади. Ялпи фойда суммасидан солиқлар, тўловлар, жарима ва пеня суммалари айриб ташланса, қолгани хўжаликнинг соф фойдаси ҳисобланади. Ялпи ва товар маҳсулотлар қанча кўпайса, ялпи ва соф фойда ҳам шунча кўпаяди.

Иқтисод фанларида «самарадорлик» ва «иқтисодий самарадорлик» тушунчалари ҳам бор. Иқтисодий самарадорлик деган тушунча самарадорлик тушунчасига қараганда кенгроқ маънони беради ва улар бир-бирлари билан чамбарчас боғлангандир. Масалан, маҳаллий ва минерал ўғитлардан фойдаланиш натижасида экинлар ҳосилдорлиги оширилади. Буни минерал ўғитдан фойдаланиш самарадорлиги деса бўлади. Иқтисодий самарадорлик ўз навбатида, самарадорлик билан чамбарчас боғлиқ, аммо ундан кенгроқ маънога эга. Сарфланган харажатлар ҳисобига қанча кўп соф фойда олинган бўлса, иқтисодий самарадорлик даражаси ҳам шунча юқори бўлади. Шунинг учун иқтисодий самарадорликнинг бу икки даражасига эришилса, корхона меҳнаткашларининг турмуш фаровонлиги ортади. Бунга эришмоқ учун барча имкониятларидан тўлиқроқ фойдаланиш тақозо этилади.

10.2. Даромадни, фойдани, иқтисодий самарадорликни аниқлаш тартиби

Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ялпи даромадлари, ялпи ва соф фойда каби кўрсаткичлари улар фаолияти даражасидан далолат беради ва рентабелликни аниқлашда, қолаверса, хўжа-

лик молиявий ҳолатини таҳлил қилишда ўзига хос аҳамият касб этади. Айтайлик, корхонанинг маълум бир даврдаги пул даромади жами сотилган маҳсулотлар, кўрсатилган хизматлар миқдорини уларнинг ҳақиқий баҳоларига кўпайтириш натижасида аниқланади. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланилади:¹

$$Pd = Cm \times Mb ;$$

Бунда: Pd – пул даромади (сўмда); Cm – сотилган маҳсулотлар, хизматлар миқдори (т., цент); Mb – сотилган маҳсулотларнинг, қилинган хизматларнинг баҳолари тарифлари.

Корхонанинг ялпи даромади, аввалги ўринларда баён этилгандек, ялпи маҳсулот қийматидан ишлатилган воситаларнинг қийматини (амортизация суммаси қўшилиб) айириш натижасида аниқланиши мумкин. Бунда қуйидаги формула қўлланилади:

$$(C + V + m) - C = V + m$$

Корхонанинг ялпи фойдаси маҳсулот сотишдан, хизмат кўрсатишдан олинган пул даромадларидан шу маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун сарфланган харажатларни айириш натижасида қуйидаги формуладан фойдаланиш орқали аниқланади:

$$Яф = Cd - Cm ;$$

Бунда: Яф – ялпи фойда (сўмда); Cd – маҳсулот сотишдан тушган пул даромади (сўмда); Cm – сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш харажатлари.

Корхонанинг соф фойдаси ялпи фойда суммасидан давр харажатлари, кўзда тутилмаган харажатлар, молиявий харажатлар суммасини айириш натижасида аниқланади. Буни қуйидаги тенглик ёрдамида аниқлаш мумкин:

$$Cф = Яф - (Dx + Mx + Kx) ;$$

Бунда: Cф – соф фойда суммаси; Dx – давр харажатлари (сўмда);

Kx – кўзда тутилмаган тасодифий харажатлар (сўмда).

Корхона ишлаб чиқариш жараёнининг иқтисодий самардорлигини ифодаловчи кўрсаткич рентабельлик ҳисобланади. Унинг даражасини аниқлаш учун соф фойда суммасини таннарх ёки харажатлар суммасига тақсимлаб, 100га кўпайтирилади. Унинг тенглиги қуйидагича:

$$Pd = \frac{Cф}{Cm} \times 100\% ;$$

¹Формулалар проф.А.Абдуғаниев «Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти» фани бўйича дастурдан олинди.

Бунда: Рд — рентабеллик даражаси (фоизда). Бу кўрсаткич ёрдамида корхона тармоқ миқёсида алоҳида маҳсулотларни етиштириш учун қилинган ишлаб чиқариш харажатларининг иқтисодий самарадорлик даражаси, яъни 1 сўмлик ишлаб чиқариш харажатлари эвазига олинган соф фойда суммаси аниқланади. Бу кўрсаткичнинг юқорилиги тармоқ ёки хўжалик самарадорлиги ҳам юқори, яхши эканлигидан далolat беради.

Корхона фаолиятини рентабеллик меъёри, умумий иқтисодий самарадорлиги ҳам аниқланиши мумкин. Бунда ишлаб чиқаришда қатнашадиган ерларнинг, асосий воситаларнинг қийматлари ҳисобга олинishi мақсадга мувофиқдир. Ернинг қиймати услубий қўлланма ёрдамида аниқланади. Бу рентабелликни ушбу тенглик ёрдамида аниқлаш мумкин:

$$P_n = \frac{C}{A_{иф} + (A_{сф} \cdot E_k) + E_k} \times 100\% ;$$

Бунда: Рн — рентабеллик нормаси (фоизда);

Асф — асосий фондлар қиймати; Аиф — айланма фондлар қиймати; Ек — асосий фондларнинг иқтисодий самарадорлиги коэффициенти;

Ек - ернинг қиймати (сўмда).

Бу кўрсаткич ёрдамида корхона ихтиёридаги барча ишлаб чиқариш ресурсларидан иқтисодий жиҳатдан самарали фойдаланганлик даражаси аниқланади. Унинг даражаси ҳам доимо юқорига интилиши керак.

10.3. Қишлоқ хўжалигида даромадлар, ялпи ва соф фойданинг ўзгариши

Қишлоқ хўжалигида ҳам давлат раҳбарлигида бозор иқтисодиёти муносабатлари пайдо бўлмоқда ва шакллантирилмоқда. Чунончи, баҳолар, солиқлар, кредитлар соҳасида қатор ислохотлар амалга оширилмоқда. Қишлоқларда ялпи маҳсулот кўпаймоқда, пул харажатлари ортмоқда, даромадлари кўпаймоқда.

Профессор А.Абдуғаниев тақдим этган йиллик ҳисоботлар таҳлилига кўра, 1997-1998 йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ўртача сотиш баҳоси 15150,9 мартага, саноат маҳсулотлариники эса 134431 мартага ошган. Улар ўртасидаги нисбатлар эса 1:8,9 га тенг бўлган. Оқибатда қишлоқ хўжалигида фойда камайиган натижада қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги таркибидаги тармоқ корхоналари хўжалик фаолиятини 1996 йили 11153,5 млн сўм, 1997 йилда 16111,3 млн сўм зарар

билан якунлаган. Биргина Андижон ва Фаргона вилоятларидаги хўжаликларнинг умумий хўжалик фаолиятини (мулкчилик шакллари), иқтисодий самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар асосида таҳлил қилиш, бу борада тегишли хулосалар чиқариш имконини беради.

10.4. Қишлоқ хўжалигида пул даромадларини, ялпи ва соф фойдани кўпайтириш йўллари

Қишлоқ хўжалигида пул даромадларини янада кўпайтириш учун даставвал экинлар ҳосилдорлигини ва чорва маҳсулдорлигини ошириш ва сифатли маҳсулот етиштириб, бозор иқтисодига мос бўлган илғор техника ва агрозооветеринария тадбирларини ўз вақтида амалга ошириш тақозо этилади. Ирригация, мелиорация, илғор агрокимё ва ҳ.к. тадбирларни амалга ошириш билан бирга экинларни алмашлаб экишни кенг жорий қилиш, меҳнатнинг оқилона шаклларини ташкил этиб, ходимларга ойлик маошларини ўз вақтида бериш ва ҳ.к.лар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши самарадорлиги ошишини таъминлайди. Пировард натижада хўжаликларда ялпи даромад, пул тушумлари, ялпи ва соф фойда, рентабеллик ва иқтисодий самарадорлик ошади ва ҳ.к.лар.

Қисқача хулосалар

Ушбу бобда қишлоқ хўжалик корхоналарининг даромадлари, фойдалари, уларни ҳисоблаш тартиби, корхоналар фаолиятини яхшилашда уларнинг иқтисодий самарадорлиги ва бу самарадорликни ошириш йўллари баён этилган.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Қандай даромад турлари бор ва улар қандай аниқланади?
2. Қандай турдаги фойдалар мавжуд ва улар қандай аниқланади?
3. Даромад ва фойда миқдорини қандай кўпайтириш мумкин?
4. Ишлаб чиқариш самарадорлиги қандай қилиб аниқланади?

Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик тўғрисида» ги қонуни. Ўзбекистоннинг янги қонунлари, -Т.: «Адолат», №2, 1991.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Деҳқон хўжаликлари тўғрисида» ги қонуни. «Халқ сўзи», 1998, 6 июнь.
3. Каримов И.А. Хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш ва рақобатчилик муҳитини шакллантириш иқтисодий ислохотлар иккинчи босқичининг асосий вазифаси. -Т.: «Ўзбекистон», 1995.
4. Каримов И.А. Давлатимиз мулкани хусусийлаштириш ва кўп укладли иқтисодиёт асосларини шакллантириш. -Т.: «Ўзбекистон», 1995.
5. Каримов И.А. Қишлоқ истиқбои — юрт истиқболи. Т., 1990.
6. Коваленко Н. Я. Экономика сельского хозяйства. Курс лекций. -М., 1999.
7. Йўлдошев С.Х. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги юксалишда. -Т.: «Ўзбекистон», 1991.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА МАҲСУЛОТЛАРНИНГ БАҲОЛАРИ, УЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

11.1. Баҳо ҳақида тушунча ва унинг аҳамияти, вазифалари

Жамиятимизда товар-пул муносабатлари мавжуд. Шу туфайли қиймат қонуни ва унга боғлиқ бўлган категориялар, жумладан, баҳолар мавжуд. Товар қийматининг пулда ифодаланиши *баҳо*, деб аталади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига қўйиладиган баҳоларнинг асосий моҳияти буюмлашган ижтимоий зарур харажатларни қиймат, пул шаклида ифодалашдан иборат. Иқтисодий асосланган харид баҳолар моддий сарфлар ва меҳнат харажатларинигина эмас, балки қўшимча маҳсулотнинг бир қисмини ҳам ўз ичига олади.

Баҳо — маҳсулот қийматининг пулдаги ифодаси бўлсада, харид баҳолар ҳар қандай шароитларда ҳам маҳсулот қийматининг ўзи билан айнан мос келади, деган маънони беради, деб бўлмайди.

Қишлоқ хўжалигида яратилган соф даромад харид нархлари таркибига кирмайди, балки айрим йўллар орқали, айтайлик, харид, улгуржи ва чакана баҳолар орқали умумхалқ эҳтиёжлари учун давлат бюджетига, мамлакат мудофааси, давлатни бошқариш, маориф, соғлиқни сақлаш, ижтимоий-маданий эҳтиёжлар ва ҳ.к.ларга берилади, сарфланади.

Аввалги ўринларда қайд этилганидек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотарига баҳо қўйишда қиймат категориясидан ташқари, ҳақиқий харажатларни ўзида акс эттира олувчи таннарх категорияси ҳам бор ва у инобатга олинади. Олдин таъкидлаганимиздек, маҳсулот (товар) қийматининг пулда ифодаланиши унинг баҳосини белгиласа ҳам, аслида баҳо қиймат атрофида бўлади: ундан юқори ёки пастроқ бўлиши мумкин. Одатда, маҳсулот қийматига баҳо қанчалик яқинлашиб келса, унинг халқ хўжалиги ривожланишига ижобий таъсири ҳам шунчалик юқори бўлади. Шунини айтиш керакки, қиймат қонунларидан оқилона фойдаланилган ҳолда маҳсулотга қўйиладиган баҳо унинг қийматидан биров пастроқ бўлиши тақозо қилинади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига давлат баҳо сиёсатида даставвал дифференциал рентага эътибор берилади. Қўйилаётган баҳо ҳар бир ишлаб турган корхона харажатларини қоплаб, муайян миқдорда маблағ жамғариш имкониятини бера олсин. Маҳсулот-

ларга белгиланган баҳо даражаси ишлаб чиқариш ва меҳнатни рағбатлантириш омили саналади.

Бугунги бозор иқтисодиёти даврида бозор ҳолатини белгиловчи асосий иқтисодий категория — баҳодир. Баҳо бозордаги талаб ва таклиф натижасида келиб чиқади.

Баҳо халқ хўжалиги аҳамиятига эга бўлган қатор функцияларни бажаради ва улар қуйидагилардан иборат (10-чизмага қаранг):

Бозор шароитларида баҳонинг функциялари (вазифалари)

Режа. Ишлаб чиқаришни ички хўжалик жиҳатидан режалаштириш, маҳсулотнинг тақсимланиши, айирбошлаш қиймат шаклида режалаштириш жараёнида баҳолар ёрдамида амалга оширилади.

Ўлчов. Баҳо ягона пул белгиларида товар қийматини ўлчайди. У товар ишлаб чиқаришда ижтимоий зарурий меҳнат сарфларини ифодалайди.

Бошқариб туриш. Бозор иқтисодиётида баҳолар талаб ва таклифларни баробарлаштириб турувчи асосий воситадир. Баҳо ишлаб чиқарувчи ёки товар сотувчининг пулга бўлган талабини харидорнинг жавоби билан узвий боғлаб туради.

Тақсимловчи. Баҳоларнинг ўсиши ёки пасайиши даромад ва фойда тармоқлар, корхоналар, аҳолининг ижтимоий гуруҳлари ўртасида қайта тақсимланишига олиб келади.

Назорат қилиш. Баҳолар моддий бузумлар ҳамда табиат ресурслари, уларнинг ҳаракатлари ва сақланишлари устидан ҳисоб ва назорат олиб бориш воситасига айланади.

Рағбатлантириш. Баҳолар товар ишлаб чиқарувчиларнинг ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш, ҳаражатларини камайтириш ва фойда миқдорини кўпайтириш хизматини ўтайди.

Ижтимоий. Чакана баҳоларнинг ўзгариши аҳоли даромадлари ва сарф-ҳаражатлари ортишига, оила бюджетини қайта тақсимлашга олиб келади, аҳоли ҳар қандай товар турларини олиш, ижтимоий бойлик яратиши ва хизмат кўрсатишни таъминлаш имкониятларига эга бўлади.

10-чизма. Баҳо бажариладиган, халқ хўжалиги аҳамиятига эга бўлган бир қатор вазифалар.

1. *Ўлчов ва ҳисобга олиш функцияси.* Унинг ёрдамида у ёки бу маҳсулот хўжалик учун қанчага тушаётганлиги; ялпи ва товар маҳсулотлар таннархи ва рентабеллик, ялпи даромад, капитал сарфлар қанчага тушаётганлигини, айрим тармоқларнинг иқтисодий самарадорлиги аниқланади, ҳисоб-китоб қилинади.

2. *Баҳонинг рағбатлантириш функцияси.* Баҳо — давлат қўлидаги ишлаб чиқаришнинг тез ривожланиши ва кўплаб ялпи ва товар маҳсулот етиштиришда фаол таъсир этувчи восита ва қуролдир.

3. *Баҳонинг тақсимловчилик функцияси.* Маълумки, баҳо — ялпи даромадни, шунингдек, фондларни истеъмол ва қайта тақсимлаш воситасидир.

4. *Баҳонинг тўғри ва қайта тақсимлаш функцияси.* Бу йўналишда баҳо қолоқ хўжаликларнинг ўсиш даражасини ўрта ва илғор хўжаликлар даражасига етказиш вазифасини бажаради. Ҳар бир хўжалик баҳоларнинг юқорида қайд этилган функциялари (вазифалари) тизимидан тўлиқ фойдаланиши тақозо этилади.

Баҳо миқдорини тўғри белгилаш учун бозор сиёсатини яхши билиш ва унга амал қилиш лозим. Маълумки, бозорлардаги баҳо эркин савдо асосида шаҳар аҳолиси билан қишлоқ корхоналари (фермер, ширкатлар) ўртасида келишув асосида амалга оширилади, ривожланади ва ҳ.к.

Шуни айтиш керакки, ҳар бир корхона ва хўжалик бозорларда фаол қатнашиш натижасида бозор баҳоларига таъсир кўрсатади. Бозор баҳосининг ўзгаришига давлатнинг қатнашиши ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Масалан, байрам кунларида вилоятлардаги фермер ва ширкатлар сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ярмаркаларини ташкил этиш, шаҳар аҳолисини арзон маҳсулотлар билан таъминлаш имкониятини яратади ва ҳ.к.

11.2. Қишлоқ хўжалигида баҳолар тизими

Савдога, бозорга жуда кенг имкониятлар, эркинликлар берилган бозор иқтисодиёти шароитларида баҳоларнинг бир қанча турлари амал қилади. Улар жумласига қуйидагилар киради (II-чизмага қаранг):

- харид баҳолари;
- улгуржи баҳолар;
- чакана баҳолар;
- солишгирма (қиёсий) баҳолар;
- эркин ёки шартномавий келишилган баҳолар;
- бошқарилиб туриладиган баҳолар.

Бозор шароитларида баҳолар тизими

Эркин (шартномавий) баҳолар - харидор ва товар ишлаб чиқарувчиларнинг иқтисодий манфаатларини ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

Тартибга солиб турилувчи баҳолар давлат томонидан бошқарилиб турилади.

Улгуржи баҳолар – ишлаб чиқарувчи ўз маҳсулотини буюртмачига улгуржи (кўтара) нархда сотади.

Чакана баҳо билан товар истеъмолчиларга сотилади.

Солиштирма баҳодан товар айланишининг жисмоний ҳажмини ўлчаб, солиштириш учун фойдаланилади.

Харид (сотиб олиш) баҳоси быййча давлат ыз эҳтиёжи учун маҳсулот сотиб олади.

Кафолатли (ҳимоя қилувчи) баҳо орқали маҳсулот давлат эҳтиёжлари учун сотиб олинади.

Гаров баҳоси орқали сотиб олишда муайян мулк гаровга қўйилади.

Бартер баҳоси мол айирбонлашда қўлланилади.

Базис баҳоси дастлабки олди-сотдида текшириб кўрилади.

11-чизма. Бозор шароитида баҳолар тизими.

Харид баҳолар – баҳолар ёрдамида давлат пахта, ғалла, пилла каби маҳсулотларни тегишли тайёрловчи ташкилотлар орқали харид қилади. Мисол, 1999 йилда 1 т. пахта хомашёси учун харид баҳоси 34800 сўм, 2000 йили эса 52500 сўм миқдориди белгиланган эди.

Улгуржи баҳо – саноат моллари учун қўйилган баҳолардир. Бундан товар ишлаб чиқарувчи корхоналар буюртмачи корхоналарга, улгуржи савдо билан шуғулланувчи корхоналарга товарларини сотишда фойдаланишади. Улгуржи баҳони бел-

гилашда бир маҳсулотга кетган ишлаб чиқариш харажатлари ва тижорат харажатлари ҳисоблаб чиқилади ва эътиборга олинади.

Чакана баҳолар — бунда савдо корхоналар томонидан улгуржи баҳоларга савдо устамаси қўйилади ва шу ҳисобдан харажатлар ва тегишли солиқлар қопланади, шунингдек фойда олинади.

Эркин баҳолар бозорда талаб ва таклиф асосида шаклланади. У сотувчи ва сотиб олувчиларнинг келишиши асосида белгиланиб, иккала томоннинг ҳам манфаатини кўзда тутлади.

Тартибга солиб туриладиган баҳонинг динамикаси ва таркиби давлат томонидан бошқарилиб турилади. Чунончи, бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида пахта, ғалла, пилла, қорақўл сингари 8 хил маҳсулотнинг баҳоси ва миқдори давлат томонидан белгиланмоқда. Бозор иқтисодиётида қуйидаги баҳолар ҳам қўлланилади:

- базис баҳолар;
- транспорт баҳолари;
- смета қийматлари баҳоси — бу қурилишда қўлланилади;
- таъриф баҳолари — маҳсулот учун қўлланилмай, балки турли хилдаги ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш хизматлари учун белгиланган таъриф баҳоси ва ҳ.к.

11.3. Бозор шароитида баҳоларни такомиллаштириш масалалари¹

Фан-техника тараққиёти даврида талаб ва таклифни эътиборга олиб, баҳоларнинг мутлақ ўзгариши такомиллаштирилиши мумкин. Мақсадга эришиш учун давлатнинг агросаноат мажмуасини ривожлантиришда қўлланиладиган нарх ва молия-кредит сиёсати қўзланган вазифаларни амалга оширишга йўналтирилган бўлиши керак. Чунончи:

- давлатнинг истеъмол моллари билан ўзини-ўзи таъминлашини рағбатлантириш, шунингдек, мамлакатни озиқ - овқат таъминоти хавфсизлигига эришиш;

- қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотлари ўртасидаги эквивалентлик муносабатларини таъминлашга эришиш;

- қишлоқ товар ишлаб чиқарувчиларнинг даромадларини кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни таъминлайдиган даражада рағбатлантириш;

¹ Бу мавзунини тайёрлашда Н. Я. Коваленконинг «Экономика сельского хозяйства» (Курс лекции, Москва, 1999 г. 340-345 бетлар) дарслигидан фойдаланилди.

• фан-техника ютуқларини жорий қилиш, бу билан ишлаб чиқариш самарадорлиги ва меҳнат унумдорлиги ўсишига кўмак бериш;

• давлат ичида ягона иқтисодий режани ташкил қилиш, яқин ҳамда узоқ хорижга чиқиш ва бошқалар.

Бозор иқтисодиётида баҳо муносабатлари қуйидаги тамойилларга асосланиши керак:

а) эркин баҳоларни давлат томонидан бошқариладиган баҳолар билан уйғунлаштириш;

б) талаб ва таклиф таъсирида баҳолар тенглигига ҳаракат қилиш;

в) таклиф қилинаётган маҳсулотларнинг баҳоларини ҳисоблашда меъёрлилик усулидан фойдаланиш;

г) товар ишлаб чиқарувчиларнинг даромад олишларини таъминлаш;

д) ишлаб чиқариш харажатларини камайитириш ва самарадорлигини ошириш;

з) нархлар ва молия-кредит муносабатларининг ўзаро алоқасини мослаштириш;

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг баҳоларини белгилашда қуйидаги услублардан фойдаланилмоқда:

- ўртача харажатлар (таннарх) ҳамда фойдани мақбул миқдорда таъминлаш;

- маҳсулотларнинг реал қийматига асосланиш. Бунда талаб ва таклиф ҳам ўз аксини топади, бунинг учун маҳсулотларни сифатли қилиб чиқариш, мақсадга эришиш учун фан-техника ютуқларини, самарали технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш тақозо қилинади.

Ҳаётда, бозор шароитларида баҳо белгилашнинг алоҳида усуллари мавжуд:

а) ўртача ишлаб чиқариш харажатлари ва фойда эътиборга олинади;

б) зарарсиз ишлаш ва фойда олиш кўзда тутилади;

в) товарнинг реал (ҳақиқий) қийматидан келиб чиқилади;

г) мавжуд ўртача баҳоларга асосланилади.

Товарнинг реал қийматини инобатга олган ҳолда баҳо белгилашнинг асосий омили ишлаб чиқариш харажати эмас, балки харидорларнинг маҳсулотга берган ҳақиқий баҳосидир (12-чизма).

Бозор иқтисодиётида баҳо муносабатларининг тамойиллари

Эркин баҳо ҳосил бўлишини давлат баҳоси билан уйғунлаштириш

Талаб ва таклиф таъсири остида баҳоларни расмийлаштиришда баробарликка эришиш

Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ва саноат маҳсулот баҳолари эквивалентлигини таъминлаш

Таклиф баҳоларини ҳисобга олишда норматив (меъёр) лар усулидан фойдаланиш

Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш учун товар ишлаб чиқарувчилар даромади етарли даражада бўлишини таъминлаш

Қишлоқ хўжалиги самарадорлигини ошириш ва ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш

Баҳоларни маҳсулот сифати ва унинг сотилиш вақтига қараб табақалаштириш

Қишлоқ хўжалигида фан-техника тараққиётини рағбатантириш

Ўзаро шартли ва молия-кредит муносабатларини мақсадга мувофиқлаштириш

12-чизма. Бозор иқтисодиётида баҳо муносабатларининг тамойиллари.

Қисқача хулосалар

Ушбу бобда қишлоқ хўжалигида баҳо турлари, бозор ша-роитида баҳоларнинг янада такомиллашув истиқболлари ҳақи-да фикр юритилган.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Корхоналар фаолиятида баҳо ва унинг аҳамияти нима-лардан иборат?
2. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотишда фойдала-ниладиган баҳолар?
3. Баҳолар қандай такомиллаштирилади?

Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик тўғриси-да» ги қонуни, Ўзбекистоннинг янги қонунлари. -Т.: «Адолат», №2, 1991.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Дехқон хўжаликлари тўғрисида» ги қонуни. «Халқ сўзи», 1998, 6 июнь.
3. Каримов И.А. Хусусийлаштириш жараёнларини чуқур-лаштириш ва рақобатчилик муҳитини шакллантириш иқтисо-дий ислохотлар иккинчи босқичининг асосий вазифаси. -Т.: «Ўзбекистон», 1995.
4. Каримов И.А. Давлатимиз мулкани хусусийлаштириш ва кўп укладли иқтисодиёт асосларини шакллантириш. -Т.: «Ўзбекистон», 1995.
5. Каримов И.А. Қишлоқ истиқболи — юрт истиқболи, -Т.: 1990.
6. Йўлдошев С.Х. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги юкса-лишда. -Т.: «Ўзбекистон», 1991.

ҚИШЛОҚ ХҲЖАЛИГИ СОҲАЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЁТИ

12.1. Ғаллачилик иқтисодиёти

Мамлакакимиз ўсимликчилик тармоқлари орасида ғалла етиштириш алоҳида аҳамият касб этади. Ғалла даставвал нон — инсоннинг асосий ризқи, қайта ишлаш саноатининг хомашёси, шунингдек, сут, гўшт, тухум ва бошқа маҳсулотлар етиштиришнинг асосий манбаидир.

Ғалла — чорвачилик ва иаррандачилик учун энг арзон, энг тўйимли концентрат озиқадир.

Маълумки, кўп йиллар мобайнида Ўзбекистонда етиштирилаётган ғалла, айниқса, буғдой аҳолининг, шу жумладан, қишлоқ меҳнатқашларининг эҳтиёжларини мутлақо қондира олмади. Шу сабабли ўтган даврларда Ўзбекистон ва бошқа пахтакор минтақаларга Россия Федерацияси вилоятларидан кўплаб ғалла келтирилар эди.

Эндиликда эса, четдан ғалла келтириш кескин камайди. Бу маҳсулотга бўлган энг зарур эҳтиёжларимиз инобатга олиниб, мамлакатимизнинг ғалла мустақиллигини таъминлаш масаласи даставвал Республикаимиз Президенти И.Каримовнинг диққат-эътиборида бўлди. Бу соҳада тегишли тадбирлар амалга оширилиши натижасида бир мунча ютуқлар қўлга киритилди.

Мамлакатимизда ғалла етиштиришнинг жуда кўп имкониятлари мавжуд. 2001 йилда республикаимиз Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги хўжаликларда 2401250 т. бошоқли дон ҳосили олинди, ўртача ҳосилдорлик 26,3 ц.ни ташкил этди. Айрим вилоятларда бу борадаги кўрсаткич янада юқорироқ бўлмоқда: Чунончи, Хоразм вилоятида бошоқли дон ҳосилдорлиги 39,2 ц, Бухорода 48,9 ц ни ташкил қилди. 2001 йилда республикада шолининг ўртача ҳосилдорлиги 24,5 ц га етди, ammo айрим вилоятларда у 5-10 ц. дан ошмаётир. Бу соҳада ҳали фойдаланилмаётган имкониятлар кўп.

Ғаллачиликда асосий вазифа ҳосилдорликни оширишдир. Бунинг учун эса қатор тадбирларни амалга ошириш тақозо этилади. Чунончи:

- суғориладиган туманларда ер мелиорациясини яхшилаш ва зах ерларни қуришиб, ишга тушириш;
- дон етиштиришда кимёвий воситаларидан кўпроқ фойдаланиш;
- серҳосил ва навли дон экишни кучайтириш;

- дон экинлари таркибида шолени кўпайтириш;
- машиналар тизимини такомиллаштириш, механизациялаш ишларини ўз вақтида ва сифатли ўтказиш, ғалла ўриш комбайнларидан унумли фойдаланиш;
- дончилик хўжалик юритиш маданиятини ошириш, агротехника тадбирларини ўз вақтида сифатли қилиб ўтказиш, уруф тайёраш, тупроқни яхшилаб ишлаш, ҳосилни ўз вақтида йиғиб-териб олиш ва ҳоказолар шулар жумласидандир.

Маълумки, кўп йиллар давомида минерал ўғитлар етарли бўлмаганлиги сабабли дон экинлари, айниқса, буғдой ҳосилдорлиги паст эди. Кимё саноати тез суръатлар билан ривожланаётган ва минерал ўғитлар кўплаб ишлаб чиқарилаётган ҳозирги вақтда эса буғдой, арпа, сули, мақкажўхори, шולי ва бошқа дон экинлари ҳосилдорлигини ошириш учун имкониятлар яратилмоқда. Маълумки, минерал ўғитларнинг қўлланилиши даставвал дон экинлари ҳосилдорлигини ошириш имкониятини беради. Ҳисоб-китобларга кўра, 1 ц. (таъсир қилувчи) минерал ўғит ёрдамида бемалол 15 ц.га қадар қўшимча дон ҳосили олиш мумкин. Илғорлар тажрибасига кўра, экинларни азот ўғитлари, тегишли дозада фосфорли ва калийли ҳамда маҳаллий ўғитлар билан биргаликда озиқлантириш катта самаралар бермоқда.

Ғалла ҳосилдорлигини оширишда агротехника тадбирларини ўз вақтида ва сифатли қилиб ўтказиш, маҳаллий ва минерал ўғитлардан тўла ҳамда мақсадга мувофиқ фойдаланиш билан бирга янги, ҳосилдор, тезпишар ва гибрид навларни кенг қўллаш ҳам катта аҳамиятга моликдир. Ўзбек селекционерлари ҳамда фермер ва ширкатлар томонидан янги навлар ҳисобига Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида буғдойдан юқори ҳосил олишга муваффақ бўлинмоқда. Олимларимиз ва илғор ғаллакорлар томонидан яратилаётган янги навлар орасида ҳар қандай касалликларга чидамли, ўсимлиги эгилиб, ётиб қолмайдиган, яхши парвариш натижасида гектарига бемалол 50-60 ц.дан ҳосил бера оладиган, нони эса юқори сифатли буғдой навлари бор.

Янги ғалла навларини етиштириш мақсадида илмий-тадқиқот институтлари алоҳида ўрин тутади. Андижон суғориладиган ерларда дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти, унинг Ғаллаорол филиали, ТошДАУ ана шулар жумласидан.

Қишлоқ хўжалиги раҳбарлари ва мутахассислари ҳар бир хўжаликнинг ички шароитларига қараб, қанча ерни шудгорга қолдириш ёки беда алмашлаб экишни қандай жорий этиш масалаларини оқилона ҳал этишлари зарур.

Маълумки, зарарли ҳашаротлар, касаллик ва ёввойи ўт ғалланинг расамадида ўсиб ривожланишига салбий таъсир эта-

ди, ҳосилининг бир қисмини нобуд қилади, дон сифатини ёмонлаштиради. Бундай ҳолга йўл қўймаслик учун ўз вақтида самарали кимёвий кураш олиб бориш керак.

Илғор хўжаликларнинг тажрибаси ғаллани вақтида нобуд қилмай йиғиштириб олиш гектар бошига қўшимча равишда 2-3 ц.дан ҳосил олиш мумкинлигини кўрсатмоқда. Шундай экан, биргина ўрим-йиғимни кечиктирмай ўтказиш эвазига мамлакатимиз бўйича қўшимча равишда қанча дон олинишини хомчўт қилиб кўринг-а!

Шоликорлик республикамиз дон хўжалигида ўзига хос ўрин тутати. Бу соҳа яхши ривожланмаса, четдан кўплаб гуруч келтириш заруратга айланади.

Аммо мамлакатимизда шоланинг ҳосилдорлиги ҳали ҳам паст ва ҳар гектар майдон ҳисобига ўртача 20-25 ц.дан ошмаётир.

Республикамизда шולי деярли ихтисослашган ширкат ва фермер хўжаликларида, шунингдек, пахтакор хўжаликларда етиштирилмоқда. Ҳар гектар ҳисобига 40-50 ц/тнер шולי етиштираётган хўжаликлар оз эмас. Уларнинг тажрибаси шоланинг ялпи ҳосилини ҳосилдорликни ошириш ҳисобига кўнайитириш имкониятлари мавжудлигини кўрсатмоқда.

12.2. Пахтачилик иқтисодиёти

Мамлакатимизнинг иқтисодий қудратини ошириш ва мустақамлашда ғалла, металл, ёқилғи ва бошқа маҳсулотлар қатори пахта хомашёси ҳам катта аҳамиятга эга.

Ҳозирги вақтда бир т. пахтадан 3 минг метр ва ундан кўпроқ газлама, 200-250 кг. кунжара, 100-110 кг. ўсимлик мойи ва бошқа маҳсулотлар олинади.

Маълумки, совет ҳокимияти йилларида кўплаб сув омборлари ва каналлар қурилди, янги ерлар ўзлаштирилди. Аммо бутунги кунга келиб Амударё ва Сирдарёдан кўп сув олиниши (сув омборларида тўплаш) оқибатида Орол денгизи ҳалокат ёқасига бориб қолди. Амударё этагидаги минтақада экологик шароит ёмонлашди. Бу аҳоли саломатлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Ўзбекистон ҳукумати Қорақалпоғистон ва Хоразм аҳолисига бу масалада ҳар томонлама ёрдам бериш тадбирларини амалга оширмоқда.

Республикамиз мустақилликка эришгач, пахтачилик, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитларида хусусий мулкчиликка асосланган фермер ва ширкат хўжаликларида ривожлана бошлади. Бу ҳосилдорлик йил сайин ошиб боришига замин яратди (II-жадвал).

Ўзбекистонда пахта ялпи ҳосили, ҳосилдорлиги ва экин майдони динамикаси

Йиллар	Пахта экиладиган майдон, минг га	Ялпи ҳосил (минг т.)	Ҳосилдорлик, ц/га
1999	1517,4	3600,0	21,8
2000	1444,5	2452	22,6
2001		2560	23,7

Жадвалда қайд этилганидек, Ўзбекистонда 1999 йилда ялпи пахта ҳосили 3600 минг т.ни, ҳосилдорлик эса 21,8 ц.ни ташкил этди. Аммо кейинги йилда пахта майдони қисқарди, унинг ҳосилдорлиги эса 1,9 ц.га кўпайди. Натижада ялпи пахта ҳосили бироз камайди.

Мамлакатимизда йиллик ривожлантириш суръатини ҳозирги даражадан бирмунча тезлаштириш ҳисобига ошира бориб, бундан кейинги йилларда пахта ҳосилини янада кўпайтириш вазифаси қўйилмоқда. Мақсадга эришишнинг икки йўли бор: биринчиси — гектар бошига ҳосилдорликни ошириш ва иккинчиси — экин майдонини кенгайтириш ҳисобига ялпи ҳосилни кўпайтириш. Республикамизда кўп йиллар давомида пахтанинг ўртача ҳосилдорлиги 28-29 ц.дан бўлгани ҳолда, Хоразм вилоятида у 35-36 ц.ни ташкил қилган эди.

Хоразмликлар бундай кўрсаткичга эришиш учун тупроқнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида катта ишларни амалга оширдилар. Биринчи навбатда ер ости сизот сувларини қочириш билан тупроқнинг шўрланмаслиги учун йирик коллектор-дренажлар барпо қилдилар. Бундан ташқари ўтмишдаги собиқ қолхозларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, маҳаллий ва минерал ўғитларни кенг қўлланиш ва амалга оширилган бошқа тадбирлар, қолаверса, пахтакорларнинг фидокорона меҳнатлари пахтачиликда мисли кўрилмаган ютуқлар қўлга киритилишига замин бўлди.

Демак, ҳар бир хўжаликда, асосий эътибор дехқончилик маданиятини кўтаришга, хусусан, тупроқ унумдорлигини оширишга қаратилса, пахтадан муттасил юқори ҳосил олиш асосида ялпи ҳосилини кўпайтириш мумкин.

Ҳар гектар майдон ҳисобига кўпроқ маблағ ва меҳнат сарфлаш, ерни сифатли ишлаш ва ғўза парваришининг илғор, прогрессив усулларини, янги серҳосил, селекцион ғ.вларни кенг жорий қилиш, ўғитлардан, ғўза касаликлари ва зарарли ҳашаротларга қарши курашда таъсирчан захарли химикатлардан, ёввойи ўтларга қарши курашда эса, гербицидлардан оқилона фойдаланиш, суғориш сифатини яхшилаш, сув танқис бўлган ерларда «Исроил» технологиясини қўллаш, алмашлаб экишни жорий қилиш ва барча

жараёнларни тўлиқ механизациялаштириш пахта ҳосилдорлигини ошириш резервларидандир. Ҳозирги вақтда пахтачиликда муҳим муаммолардан бири — ўғитлардан фойдаланишда исрофгарчиликка йўл қўймаслик ва унинг самарадорлигини оширишга эришишдан иборатдир.

Кўп йиллик маълумотларга кўра, пахта-беда алмашлаб экишнинг жорий қилиниши катта иқтисодий самаралар беради. Маълумотларга кўра, пахта ҳосилдорлигини ошириш ҳар гектар майдондаги ғўза туллари сони етарли миқдорда бўлишига ҳам боглиқ.

Илғор хўжаликларда масалага шуну нуқтаи назардан ёндашилмоқда: алмашлаб экишга алоҳида эътибор берилмоқда, шунингдек, ғўза туллари тегишли меъёрда сақланиб қолиши учун ҳамма тадбирлар, чунончи, карталарни яхшилаб текислаш, тупроқни шўр босмаслиги учун яқоб бериш (Хоразм ва Қорақалпоғистонда), зовур-дренаж тармоқларини ўтказиш ва бошқа ишлар ўз вақтида, сифатли амалга оширилмоқда.

Кузатишлардан маълум бўлишича, тупроқнинг ўртача шўрланиши натижасида пахта ҳосилининг 25%и, кучли даражада шўрланиши натижасида 40%и йўқолмоқда.

Шуни айтиш керакки, пахтачиликда ҳосилни йиғиб-териб олиш ва нобудгарчиликка йўл қўймай, уни ўз вақтида давлат омборларига топшириш кўп меҳнат талаб қиладиган ишларнинг энг асосийсидир. Маълумки, пахтачиликда ҳосилни етиштиришга кетадиган меҳнат сарфининг 40-45%и уни териб олишга сарфланмоқда. Терим ишларининг асосий қисми эса ҳали ҳам қўлда бажарилмоқда. Меҳнат унумдорлиги эса, қўл меҳнатига қараганда машиналарда 40-50 марта юқори бўлади. Масалан, бир теримчи кун бўйи қўл билан ўрта ҳисобда 70 кг. пахта тера олади. Ҳосилдорлиги 40 ц. бўлган бир гектар ердаги пахта-ни териб олиш учун 57 киши-кунга талаб қилинади. Ваҳоланки, бу ҳосилни кунига 4-5 т. пахта терадиган машина билан бир кунда бемалол териб ола билади.

Илғор хўжаликлар, комплекс механизациялашган бригада ва звенолар терим агрегатларидан самарали фойдаланиш борасида диққатга сазовор ишлар қилмоқдалар, уларнинг унумли ва соз ишлаши учун зарур бўлган барча имкониятлар яратилмоқда ва ҳоказолар.

12.3. Чорвачилик тармоқлари иқтисодиёти¹

а) Чорвачиликнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти

Чорвачилик қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг муҳим ва мураккаб соҳаларидан бўлиб, аҳолини гўшт, сут, тухум билан, саноатни эса тери, жун каби хомашёлар билан таъминлайди. У ўз йўналиши ва жойлашишига қараб қорамолчилик,

¹ Коваленко Н.Я. Экономика сельского хозяйства. М, 1999. с 427,432,437,438.

қўйчилик (қоракўлчилик), паррандачилик ва ҳоказо тармоқларга бўлинади.

Чорвачилик ўсимликчилик, шу жумладан, деҳқончилик билан чамбарчас боғлиқ. Чорва молларининг гўнги, минерал ўғитлар билан биргаликда тупроқ унумдорлигини, экинлар ҳосилдорлигини оширишда таъсирли восита ҳисобланади. Бундан ташқари, чорвачиликдан йил давомида даромад олинishi шу йўналишдаги хўжаликларни молиявий-хўжалик жиҳатидан мустаҳкамланишини таъминлайди.

Ўз навбатида деҳқончилик чорвачилик учун похол, сомон, арпа, сули каби ем-хашакларни етиштириб беради. Умуман олганда, чорвачилик қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотларининг ярмига яқинини беради. Чорвачилик харажатларининг 50%и ва ундан кўпроғини ташкил қилаётган ем-хашак деҳқончиликда етиштирилади.

Маълумки, деҳқончиликдаги қолдиқ маҳсулотлар (сомон, похол, тўпони ва ҳ.к.лар) молларга едирилиш натижасида чорвачиликдан ҳар хил маҳсулотлар олинади. Шу сабабли чорвачилик тармоқларини сут, тухум, гўшт, жун каби маҳсулотлар етиштириб берувчи фабрика, деб ҳам аташ мумкин.

Шундай қилиб, ҳар бир хўжаликда деҳқончилик ва чорвачилик тармоқларининг ривожлантирилиши ердан фойдаланиш даражасини яхшилайти, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг самарадорлигини оширади.

Маълумки, чорвачилик қишлоқ хўжалигида ялпи ва товар маҳсулоти етиштириш бўйича ўсимликчилик тармоқларидан сўнг иккинчи ўринни эгаллаб турибди.

Чорвачилик иқтисодиётини ўрганишда бу соҳанинг яна бир муҳим хусусиятига — унда иш жараёнларини тўғри уюштириш мақсадида, пода такрорий ишлаб чиқаришига алоҳида эътибор бериш талаб қилинади. Бунинг учун даставвал пода таркибини, яъни молларнинг ёши, жинси, маҳсулдорлиги жиҳатидан салмоғини тўғри белгилаш керак. Айтайлик, борди-ю, пода айланмасида урғочи моллар салмоғи белгиланган меъёрдан ортиб кетса, гўшт етиштириш хажми ва аксинча урғочи молларнинг миқдори оз бўлса, сут ва бузоқ олиш камайти. Шу сабабли пода айланмаси ва унинг таркибида урғочи ва бошқа турдаги моллар салмоғининг тўғри ва оқилона белгиланиши тармоқ иқтисодий самарадорлигини оширади.

Шуни айтиш керакки, чорва бош сони жиҳатдан секинлик билан ривожланмоқда. Бу 12-жадвалда акс этирилган.

Ўзбекистонда маҳсулдор ҳайвонлар туғининг кўпайиш динамикаси (2003 йилнинг 1 январига берилган маълумот, минг бош ҳисобида)

Йиллар	Сигирлар	Чўчқалар	Қўй-эчки
2000	2310,0	83,0	8863,6
2001	2343,4	85,8	8932,5
2002	2361,8	81,6	9022,6

Республикамизда кейинги 3 йил давомида (2000-2002 йил) сигирлар бош сони кўпаймаган, чўчқа бош сони камайган, қўй-эчкилар бош сонининг бироз кўпайгани кузатилмоқда. Республикамизда, шунингдек, Тошкент вилояти хўжаликларида кейинги йилларда қорамолларнинг маҳсулдорлигини оширишда муайян ютуқларга эришилди.

Вилоятнинг айрим хўжаликларида қишлоқ хўжалиги экинларининг рационал тузилмаси жорий қилиниб, мўл-кўл ем-хашак базаси яратилмоқда. Натижада чорва молларининг маҳсулдорлиги кўпаймоқда.

Маҳсулдор сигирларнинг тобора кўпайиши билан бирга кам сут берадиган сигирларни гўнг учун семиртириш, шунингдек, уларнинг бир қисмидан олти ойгача бўлган ёш бузоқларни эмиздириб боқишда фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Сут маҳсулотларини кўпайтириш билан чекланиб қолмай, унинг мойлилик даражасини ошириш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Хозирги вақтда кўпчилик чорвачилик фермаларида етиштириладиган сер сутнинг мойлиги у қадар юқори эмас: 3,5-3,6%дан ошмаяпти. Сигирлар сер сут, сути эса мойли бўлиши, аввало, уларнинг ёшига, асраш ва боқилиш усулига насли бўлишига боғлиқ. Илмий-тадқиқот институтларининг тажрибаси серсут ва сути қуюқ сигирларни мойли сут берадиган сигирларнинг буқалари билан урчигиш ҳамда уларни яхшилаб боқиш ва парвариш қилиш орқали мойи кўп сут берадиган моллар яратиш мумкинлигини кўрсатмоқда. Сермой сутни йил давомида деярли бир меъёрда етиштириш аҳолининг сутга бўлган талаб ва эҳтиёжларини етарли даражада қондиришда катта аҳамиятга эга.

Ваҳоланки, мамлакатимизда сут етиштириш мавсумий хусусиятга эга. Унинг кўп қисми бузоқлар кўп туғиладиган (баҳор) ойларга тўғри келади. Суғориладиган дехқончилик туманларида олинаётган сутнинг кўп қисми йилнинг иккинчи ва учинчи чорақларга, яъни баҳор ва ёз ойларига тўғри келаётганини Тошкент вилояти Қуйи Чирчиқ ва Оққўрғон туманларидаги хўжаликлар мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Сигирлардан йил давомида бузоқ олиниши аҳолининг сутга бўлган эҳтиёжларини ойма-ой таъминлаб туриш имкониятини яратади. Бунда чорва биноси учун транспорт воситаларидан йил давомида деярли бир меъёрда фойдаланиш мумкин.

Моллар сонини, сут ва гўшт маҳсулотлари миқдорини кўпайтиришда қорамол подалари таркибида сигирлар салмоғини тўғри белгилаш алоҳида аҳамиятга эга. Бу эса айрим минтақа ва туманларда қорамолчиликнинг сут ва гўшт маҳсулотлари етиштириш бўйича ихтисослаштирилишига боғлиқ.

Одатда, мол подасида сигирлар салмоғи кўпайиши билан қорамолчиликнинг интенсивлик даражаси ортиб боради, натижада сут миқдори кўпаяди ва тармоқнинг самарадорлиги ҳам ортади. Масалан, подада сигирлар салмоғи 30% бўлган ва ҳар бошдан 3000 кг.дан сут соғиб олинган хўжаликларда йилига олинган сут миқдори 900 ц. ва ҳар 100 бош мол ҳисобига 30 тадан бузоқ олинган бўлади. Борди-ю сигирлар салмоғи 50%гача етказилса, соғиб олинган сут миқдори 600 ц.гача кўпаяди ёки 1500 ц.га етади, унда ҳар 100 бош мол ҳисобига 45-50 тага яқин бузоқ олиш имконияти яратилади.

Пода таркибидаги сигирлар салмоғининг оширилиши туфайли ем-хашак ва бошқа эҳтиёжлар учун қўшимча харажатлар талаб қилинади. Аммо маҳсулот етиштиришнинг ўсиш суръати қўшимча сарфлар миқдоридан ортиқроқ бўлади. Чунончи, Н. М. Бурлаков маълумотларига кўра, сигирларнинг подадаги салмоғи 35%дан 60%гача етказилганда қўшимча равишда 16,4% хашак сарфланса, мавжуд мол вазнлари сақланган ҳолда сут етиштириш 71,4%га кўпаяди¹.

Сигирларнинг сут маҳсулдорлиги молларнинг насли, ёши, асраш ва боқиш усулларига ҳам боғлиқ. Маълумки, сигирларга сарфланадиган озуқанинг дастлабки бир қисми мол ўзини тирик ҳолда сақлаб туриши учун кетадиган «унумсиз қисм», бевоСИТА Сут маҳсулоти яратиш учун сарфланадиган қисми эса «маҳсулдор қисм», деб аталади.

Ялиш сут маҳсулотини кўпайтириш сигирларнинг хизмат муддати камида 10-12 йилга етказишини тақозо қилади. Бу ва юқорида айтиб ўтилган вазифаларни ҳал қилмоқ учун кўрсатиб ўтилган тадбирлар (қисир сигирлар сонини камайитириш ва ҳ.к.) дан ташқари жами сигирларни ва айниқса, урғочи бузоқларни қочиритиш муддатларини (масалан, 16-18 ойдан) ўтказиб юбормаслик, бу ишларни ўз вақтида мақсадга мувофиқ ташкил қилиш керак.

Маълумки, зотли ғунажинларнинг вазни бир ярим ёшидаёқ 300-350 кг.га етади. Бундай ғунажинлар баъзан 2-2,5

¹Бурлаков Н. М. Интенсификация скотоводства. Изд. Знания, 1966.

ёшгача қочирилмасдан қолади. Уларни қочириш муддатларининг ўтказиб юборилиши оқибатида эса олинадиган бузоқлар ва сут маҳсулотлари миқдори мўлжалдагидан камроқ бўлади.

Сигирларни сунъий уруғлантириш йўли билан наслдорликни тобора яхшилаб бориш ҳам чорва маҳсулдорлигини оширишнинг муҳим шартларидан биридир. Шунинг назарда тутиб, республикамиз ва унинг айрим вилоятларида насли молларни кўпайтириш соҳасида кейинги йилларда муайян ишлар амалга оширилди.

Баъзи жойларда қўшни республикалардан ёш, насли моллар келтирилди. Аммо яхши парвариш қилинмаслиги, етарли даражада озиклантирилмаслиги оқибатида уларнинг бир қисми ҳаром ўлди.

Наслчилик ишларини кенг йўлга қўйиш қорамолчилик маҳсулдорлигини ошириш омилidir. Бу жиҳатдан, айниқса, мамлакатимиз тажриба хўжаликларида олимларимиз томонидан маҳсулдорлиги юқори, мойли ва серсут, тез етиладиган, ҳар қандай касалликларга чидамли янги гибрид сигирларни ҳосил қилиш соҳасида изланиш ва тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Арзон, мўл-кўл ва сифатли гўшт етиштириш ҳам сутчиликдан кам аҳамиятга эга эмас.

Чорвачилик соҳасида кўп йиллар давомида олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари шунинг кўрсатадики, гўштни таркиби молнинг семизлик даражасига боғлиқ ҳолда ўзгаради. (13-жадвалга қarang).

Молларнинг семизлик даражаси ортиши билан уларда мой қатламлари кўпроқ тўпланади, ҳар бир кг. гўштида калория миқдори ҳам озгин молларнинг гўштидаги калория миқдorigа нисбатан кўп бўлади. Юқорида келтирилган маълумотларга кўра, масалан, 1,5 ёшида оғирлиги 200 кг. келадиган ахта хўкизлар 80-90 кг. тўш (калла-почасиз соф ҳолдаги сўйилган гўшт) беради. Агар шу ёшдаги ахта хўкизлар яхшилаб боқиб семиртирилса, улардан 50-58% тўш чиқади, демак, 190-209 кг. соф тўш, бинобарин, икки ҳисса кўп гўшт олиш мумкин. (Д. Д. Левантин маълумотлари

13-жадвал

Гўшт таркибининг семизлик даражасига боғлиқ ҳолда ўзгариши

Гўштни таркиби (фоиз хисобида)	Гўшт навлари		
	ўртача семизликдан паст	ўртача семизликда	юқори семизликда
Сув	74,2	71,0	56,3
Оқсил	20,6	20,0	18,9
Мойлар	3,5	8,0	24,5
1 кг. гўшда сақланадиган калория, гр.	1200	1580	3070

Юқори семизликдаги ҳўкиздан олинадиган мой 15-20 кг бўлиб, у жами йирик вазнга нисбатан 3,9-5,2%ни ташкил қилади.

Семизлиги ўртачадан паст бўлган молдан олинган тўшда 21,6% суяк ва тоғай моддаси, 14,3% бирлаштирувчи тўқималар бўлиб, улардан инсон учун тайёрланадиган овқатнинг сифати ҳам жуда паст бўлади. Ва, аксинча, семиз молдан олинган тўшда эса суяк ва тоғай моддаси 15,1%дан, бирлаштирувчи тўқималар 9,5%дан ошмайди.

Юқори семизликдаги мол гўшти билан озгин-ўртача семизликдаги мол гўшти ўртасида фарқ жуда катта. Улар аввало, тўйимлилиги ва мазалилиги жиҳатидан бир-биридан ажралиб туради. Уларнинг навларига қараб тўланадиган нархлар ҳам табақалаштирилган бўлади. Аммо, шунга қарамай айрим хўжаликларда сотилаётган ҳар бош қорамолнинг тирик вазни 240-250 кг. дан: қўй ва эчкиларники 40-45 кг дан ошмаётир. Бу кўрсаткич баъзи хўжаликларда ундан ҳам паст бўлмоқда. Бундай ҳолатнинг асосий сабабларидан бири бутун қиш ва айрим даврларда молларнинг ёмон боқилишидир.

Республикамиз хўжаликларида бугунги кунда семизлик даражаси пастлиги ва ҳаром ўлиш ҳоллари рўй бераётганлиги туфайли кўплаб молларни ортиқча чиқим қилишга тўғри келмоқда. Бундай ҳолга барҳам бериш учун қисир қолган сигирларни ва боқиб семиртирилган ҳар бир мол вазнини 300-400 кг. га етказиш зарур, шундагина гўшт етиштиришни кўпайтириш ва сифатли тери олиш имконияти яратилади. Шунингдек, семиз молларни сотишни ўз вақтида тўғри уюштириш ҳам катта аҳамиятга эга. Бундан мол эгалари ҳам, истеъмолчилар ҳам манфаатдордир.

б) Чорвачилик соҳаларида маҳсулот етиштириш самарадорлиги

Чорвачилик маҳсулотлари етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигига баҳо беришда қатор натура ва қиймат кўрсаткичларидан, чорвачиликнинг иқтисодий самарадорлигига баҳо беришда эса асосан қиймат кўрсаткичларидан фойдаланилади. Бу кўрсаткичлар:

- тармоқда банд бўлган ҳар бир ходим, ҳар бир киши-соати, ҳар бир шартли қорамол, ҳар 100 сўмлик асосий ишлаб чиқариш қийматига тўғри келадиган ялпи маҳсулот, ялпи даромад ва фойда суммасидан;

- ҳар 1 сўмлик ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобига олинган маҳсулотдан;

- етиштирилган ва сотилган чорвачилик маҳсулоти бўйича рентабеллик даражасидан;
- фойда нормасидан;
- айрим турдаги чорвачилик маҳсулотларининг ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлигига баҳо бериб, солиштиришда натура ва қиймат кўрсаткичларидан фойдаланилади;
- қишлоқ хўжалиги чорваларининг маҳсулдорлиги;
- ҳар бир ходим, ҳар бир киши-соатига, шунингдек, ҳар бир мол боши ҳисобига натура ва қиймат ҳолида маҳсулот чиқиши;
- ҳар бош мол, ҳар 1 ц. маҳсулотга ва ҳар 1 сўмлик ялпи маҳсулотга тўғри келадиган ишлаб чиқариш харажатлари суммаси;

- 1 ц. маҳсулотни сотиш (реализация) баҳоси;
- ҳар 1 бош чорва моли ва ҳар бир ц. маҳсулот ҳисобига олинган фойда;

- маҳсулот етиштиришнинг рентабеллик даражасидан иборат.

Чорва наслари, уларни асраш тизими, пода таркиби, озиқлантириш рационлари, усули, меъёри ва ҳ.к.лар бўйича самарадорликка қиёсий иқтисодий баҳо беришда чорва маҳсулдорлиги, ҳар бош чорва ҳисобига натура ва пул ҳисобида маҳсулот чиқиши, меҳнат унумдорлиги, ҳар бош мол ҳисобига меҳнат ва умумий сарфлар, қўшимча сарфларнинг қопланиши, маҳсулот таннархи, ҳар бош молга ва 1 ц. маҳсулотга тўғри келадиган соф даромад ёки фойда, рентабеллик даражаси каби кўрсаткичлардан фойдаланилади.

Чорвачилик маҳсулотлари етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигига эришиш йўллари кўп. Бунда моддий-пул маблағларини тежаб сарфлаган ҳолда маҳсулдорлик ўсишини таъминлаш ўзига хос ўрин тутди.

Шунингдек, жамики технологик иш жараёнларини комплекс механизациясиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Дарҳақиқат, иш жараёни комплекс механизациялаштирилса, бирлик чорва маҳсулоти ҳисобига меҳнат сарфи 35-40%га қисқарипи мумкин.

Чорвачиликда рентабеллик даражасини оширишнинг катта резервларидан бири — етиштирилаётган чорва маҳсулоти сифатини яхшилашдир. Бу фикр фақат сут сифатини яхшилашгагина эмас, балки мол ҳамда парранда гушти ва бошқа турдаги маҳсулотларга ҳам тегишлидир.

Чорвачилик маҳсулотлари етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш меҳнатни ташкил қилиш ва моддий рағбатлантириш йўллари янада такомиллаштиришга ҳам боғлиқ ва ҳоказолар.

Қисқача хулосалар

Бу бобда Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоқлари саналган ғаллачилик, пахтачилик ва чорвачиликнинг мамлакатимиз иқтисодиётида тутган ўрни тегишли маълумотлар асосида ёритилган, уларни янада ривожлантириш йўллари қисқача баён этилган.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Ғаллачилик Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига қандай таъсир этмоқда?
2. Ғаллачиликни ривожлантиришдан асосий мақсад нима?
3. Пахтачиликни янада ривожлантиришдан мақсад?
4. Чорвачиликни ривожлантириш қандай мақсадни кўзда тутади ва унга эришиш учун нималар қилиниши керак?

Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик тўғрисида» ги қонуни, Ўзбекистоннинг янги қонунлари. -Т.: «Адолат», №2, 1991.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Дехқон хўжаликлари тўғрисида» ги қонуни. «Халқ сўзи», 1998, 6-июнь.
3. Каримов И.А. Хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш ва рақобатчилик муҳитини шакллантириш иқтисодий ислохотлар иккинчи босқичининг асосий вазифаси. -Т.: «Ўзбекистон», 1995.
4. Йўлдошев С. Х. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги юксалишида -Т.: «Ўзбекистон», 1991.
5. Коваленко Н. Я. Экономика сельского хозяйства. Курс лекций. -М., 1999.
6. Стат ежегодник. Народное хозяйства Республики Узбекистана. За 1997, 1998, 1999, 2000, 2001 г.
7. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалик вазирлиги маълумотлари.

ҚИШЛОҚ ХҲЖАЛИГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИ

13.1. Қишлоқ хўжалиги иқтисодий самарадорлигининг моҳияти¹

Ҳар қандай жамиятнинг иқтисодий тараққиёти заминда ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигининг ўсиши ётади. Ҳар бир хўжалик тизимидаги ишлаб чиқариш самарадорлиги эса ўзига хос мазмунга эга бўлиб, у:

- ишлаб чиқаришнинг ижтимоий шакли билан;
- ишлаб чиқаришнинг мақсадга мувофиқ йўналиши билан;
- мазкур омиллар тизимига тегишлилиги ҳамда ишлаб

чиқариш натижалари билан аниқланади.

Мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш шароитида самарадорликнинг энг олий ўлчови — жамият ва шахс эҳтиёжларини тўлиқ қондиришдан иборат.

Ишлаб чиқариш самарадорлиги, одатда, икки хил: соф иқтисодий ва ижтимоий-иқтисодий самарадорлик кўринишида мавжуд бўлади. Эҳтиёжларини яратилаётган маҳсулот ҳисобига қондириш, одатда, ишлаб чиқариш натижаларини моддий-пул харажатлари билан солиштириб кўрилгандагина иқтисодий самарадорлик кўрсаткичи тўлиқроқ ва яққолроқ намоён бўлиши мумкин.

Иқтисодий самарадорлик — ишлаб чиқариш воситалари ва жонли меҳнат сарфланиши натижасида олинган пировард фойдали самара, соддароқ айтганда, жами сарфларнинг қайти-мидир. Қишлоқ хўжалигида бу энг оз жонли ва буюмлашган меҳнат сарфланган ҳолда майдон бирлиги ҳисобига энг кўп маҳсулот олиншини ифодалайди.

Қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган у ёки бу тадбирларга баҳо беришда иқтисодий самарадорлик ўлчов сифатида хизмат қила олади. Бутун халқ хўжалиги миқёсида иқтисодий самарадорликнинг ўлчови сифатида аҳоли жон бошига тўғри келадиган миллий даромад миқдори олинади. Миллий даромад — фақатгина одамлар эҳтиёжини қондириш манбаи бўлмай, у ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш ва такомиллаштириш манбаи ҳам саналади.


Қишлоқ хўжалигида самарадорликнинг ўлчови энг оз жонли

¹Коваленко Н.Я. Экономика сельского хозяйства. М., 1999.

ва буюмлашган меҳнат сарфланган ҳолда соф маҳсулот (яъни даромад) қўпайтирилишидан иборат. Бунга эса, ерлардан, моддий ва меҳнат ресурсларидан оқилона (унумли) фойдаланиш эвазига эришилади.

Ишлаб чиқариш натижалари билан қилинган харажатларни солиштириб кўришда иқтисодий самарадорлик қўйидаги турлардан ташкил топиб, улар бир-бири билан узвий боғлиқ (13-чизмага қаранг):

- халқ хўжалиги миқёсидаги самарадорлик;
- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши самарадорлиги;
- хўжаликлар (фермерлар, ҳиссадорлик жамиятлари ва б.лар)да ишлаб чиқариш самарадорлиги;
- айрим тармоқлар (чорвачилик, ўсимликчилик)да самарадорлик;
- хўжалик ичидаги бўлинмалар (бригада, звено, фермалар) да самарадорлик;



13-чизма. Иқтисодий самарадорликнинг турлари.

- айрим экинлар ёки маҳсулотлар (ғалла, картошка, сабзавот, гўшт, суг ва ҳ.)нинг ишлаб чиқариш самарадорлиги;

- айрим хўжалик тадбирлари (мелиорациялар, агротехника ва ҳ.к самарадорлиги).

Қишлоқ хўжалигида пировард иқтисодий самарадорликка эришиш ҳамма ресурслардан узлуксиз равишда тежамкорлик билан унумли фойдаланиш ва исрофгарчиликка йўл қўймаслик, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини пасайтиришни тақозо этади.

13.2. Иқтисодий самарадорликка баҳо бериш

Қишлоқ хўжалиги иқтисодий самарадорлигига баҳо бериш учун ишлаб чиқариш жараёнига таъсир қилувчи турли омиллар оқибатида келиб чиқадиغان аниқ кўрсаткичларга эга бўлишимиз лозим. Шундагина қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш жараёнини яхлит ҳолда таҳлил қилиш ва иқтисодий самарадорлигининг асосий йўналишлари тўғрисида ишонарли хулосалар чиқариш мумкин.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг самарадорлигига баҳо беришда соҳанинг пировард натижаларга таъсир қилувчи ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олиниши лозим. Қишлоқ хўжалиги иқтисодий самарадорлиги унинг натура ва қиймат кўрсаткичлари тизими билан ҳам аниқланади. Натура кўрсаткичларига даставвал ҳосилдорлик ва қишлоқ хўжалиги молларининг маҳсулдорлик кўрсаткичлари киради.

Одатда, ҳосилдорлик даражаси бошқа кўрсаткичлар миқдорига бевосита таъсир кўрсатади. Аммо натура кўрсаткичлари эришилган самарадорликнинг фақат бир томонини акс эттира олади. Иқтисодий самарадорликни аниқлаш учун ҳосилдорлик ва чорва маҳсулдорлиги бўйича муайян кўрсаткичларга эришиш жараёнидаги ялпи меҳнат сарфларини билиш ҳам зарур. Бир хил даражадаги ҳосилдорликка турли миқдорда меҳнат ва маблағ сарфланган ёки маҳсулот сифати турлича бўлиши ҳам мумкин. Бу каби ҳолатлар ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсир кўрсатади.

Шу сабабли самарадорликни аниқлашда хатоликка йўл қўймаслик учун ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдорининг қиймат кўрсаткичларига таяниш лозим. Қиймат кўрсаткичлари фақат ҳисоб учунгина зарур бўлмай, балки ўзига хос иқтисодий аҳамиятга ҳам эга. Чунки, улар товар-пул муносабатларининг ривожланишида, ишлаб чиқариш маҳсулоти эса бозорда товар сифатида қатнашади.

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий самарадорликнинг асосий қиймат кўрсаткичлари ялпи даромад, соф даромад ва фойдани ўз ичига олади.

Иқтисодий самарадорликнинг энг муҳим кўрсаткичлари — ялпи маҳсулотни (ЯМ) жонли ва буюмлашган меҳнатга бўлган нисбати орқали аниқланади.

$$Ия = \frac{ЯМ}{И_x + A_\phi + XKэ};$$

Бу ерда: ЯМ — ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулоти қиймати, сўм; I_x — ишлаб чиқариш харажатлари, сўм; A_ϕ — асосий ишлаб чиқариш фондлари; $Kэ$ — фондларнинг самарадорлик коэффициенти;

Ялпи даромад (ЯД)нинг жонли ва буюмлашган меҳнатга бўлган нисбати:

$$И_д = \frac{ЯД}{И_c + A_\phi * K}.$$

Қишлоқ хўжалигида ялпи даромад миқдори маҳсулотларнинг етиштирилиб, сотилишига, сотилган баҳоси ва моддий сарфлар миқдorigа ҳам боғлиқ.

Соф даромаднинг жонли ва буюмлашган меҳнатга бўлган нисбати қуйидагича:

$$Э_ч = \frac{СД}{И_c + A_\phi + Kэ}.$$

Соф даромад қўшимча маҳсулотнинг қийматдаги ифодаси бўлиб, ялпи маҳсулот ва ишлаб чиқариш харажатлари ўртасидаги фарқдан иборатдир.

Соф даромад ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш ва ижтимоий истеъмол фондларини ўстириш манбаи ҳисобланади. Соф даромад яратилган ва реализация қилинган соф даромадга бўлинади. Реализация қилинган соф даромад хўжалик олган фойдага тўғри келади. Бунда фойданинг (Φ) жонли ва буюмлашган меҳнат харажатларига нисбати олинади:

$$И_\phi = \frac{\Phi}{И_c + A_\phi * Kэ}.$$

Фойда сотилган товар маҳсулот ҳисобига олинган суммадан тўлиқ таннархни айириб ташлаш билан аниқланади. У қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$\Phi = (С_m - K_k C) - C_k;$$

Бу ерда: См — сотилган маҳсулотдан олинган пул;

ҚқС - қўшилган қийматдан олинадиган солиқ;

Ск — тўлиқ ёки коммерция таннархи.

Рентабеллик даражаси муҳим иқтисодий категория бўлиб, корхонанинг зарарсиз ишлаш даражасини ифодалайди.

Рентабелликда фақат жонли меҳнатгина эмас, қилиб бўлинган меҳнат, сотилган маҳсулотнинг сифати, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва уни бошқариш даражаси ҳам акс эттирилган бўлади. Одатда, рентабеллик иккига: халқ хўжалиги рентабеллиги ва хўжалик ҳисобидаги рентабелликка бўлинади.

Халқ хўжалиги рентабеллиги яратилган жами соф даромад, хўжалик ҳисобидаги рентабеллик корхона реализация қилган соф даромад орқали аниқланади. Рентабеллик даражасини аниқлашда фойданинг жами харажатга ёки тўлиқ таннархга нисбати олинади.

Ишлаб чиқариш рентабеллик даражаси қўидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$P_c = \frac{CД}{T_m} \times 100\% \quad \text{ёки} \quad P_d = \frac{\Phi}{T_k} \times 100\% ;$$

Бу ерда: P_c ва T_k — соф даромад ва фойда бўйича рентабеллик даражаси (фоиз);

T_m ва T_k — ишлаб чиқариш таннархи ва коммерция (тўлиқ) таннархи, сўм.

Рентабеллик даражаси — маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация асосида қилинган моддий ва меҳнат сарфлари бирлиги эвазига олинган фойда белгиланади.

Ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланишнинг ҳолатини аниқлаш учун фойда нормаси кўрсаткичидан фойдаланамиз.

Фойда нормаси дейилганда фойданинг ўртача йиллик асосий айланма маблағларга бўлган нисбати тушунилади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши самарадорлигига ҳар томонлама баҳо бериш учун меҳнат унумдорлиги, маҳсулот таннархи, шунингдек, фондлар, инвестиция, капитал қўйилмалари ва уларнинг самарадорлиги ҳам ҳисобланади.

13.3. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга таъсир қилувчи омиллар кўп ва хилма-хилдир. Улардан баъзилари қишлоқ хўжалиги корхоналарининг жамоат

фаолиятига боғлиқ бўлса, айримлари ишлаб чиқаришнинг ташкил этилиши ва технологияларнинг жорий қилиниши, ишлаб чиқариш ресурсларидан унумли фойдаланиш, фан-техника ютуқларининг қўлланиши билан боғлиқдир.

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлигининг асосий кўрсаткичи сотилган маҳсулотдан олинган фойда суммасидан иборат. Унинг даражаси қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотишдан олинган фойдага ҳамда маҳсулотни етиштириш ва сотиш жараёнидаги харажатларга боғлиқ.

Одатда, корхона олаётган фойдага сотилаётган маҳсулотнинг баҳоси, шунингдек, товар маҳсулот ҳажми ҳам таъсир қилади.

Уз навбатида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг баҳоси аввало талаб ва таклиф таъсирида, шунингдек, маҳсулотларнинг сотилиши йўлларига кўра шаклланади.

Сотилишдан олинadиган фойда миқдори маҳсулотнинг сифат даражасига боғлиқ. Ностандарт ва сифатсиз маҳсулотлар бозорда паст ва арзон баҳо билан сотилади ёки сотилмасдан қолиши ҳам мумкин. Шу туфайли пахта, ғалла, қорақўл тери ва пилла, сут сифатига алоҳида эътибор берилади. Сотилadиган маҳсулотлар сифатининг ёмонлиги сотувчини ҳам даромаддан махрум этади.

Олинadиган пул даромадлари миқдорини кўп жиҳатдан ялпи ва товар маҳсулот, унинг товарлилик даражаси ҳам белгилайди.

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш самарадорлигининг асосий йўллари ялпи маҳсулотларни кўпайтириш, уларнинг ишлаб чиқариш харажатларини камайитириш, шунингдек, сотиш йўллариини такомиллаштиришдан иборат.

Ишлаб чиқаришнинг пировард натижаларига маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнларида моддий-пул воситалари кўп сарфланаётганлиги сабаб бўлмоқда. Ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш кўп жиҳатдан ер, меҳнат ва моддий ресурсларидан самарали фойдаланишни тақозо этади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш жараёнидаги сарфлар таркибида асосий ўринни уруғлик, экиш материаллари, меҳнат ҳақи, чорвачиликда эса ем-хашак ва асосий фондларнинг амортизацияси сарфлари эгалламоқда. Демак, экинларга ишлов бериш ва ҳосилни йиғиб-териб олишни комплекс механизациялаш зарур. Бу жонли меҳнат сарфини қисқартиради, натижада жонли меҳнат сарфи моддий-пул харажатлари ҳажмидан камаяди.

Ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш ва харажатлар сарфини қисқартиришда, йўл-транспорт хўжалигини ривожлантириш, маҳсулотларни янгича усулда тараларга жойлаштириш ҳамда тежамкорлик катта аҳамият касб этади (14-чизмага қаранг) ва ҳоказо.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши самарадорлигини ошириш йўллари
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмининг ўсиши
Қишлоқ хўжалиги экинлар ҳосилдорлигининг ўсиши
Қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари маҳсулдорлигининг ўсиши
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифатининг яхшиланиши ва нобудгарчилигининг камайиши
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари товарлилик даражасининг ўсиши
Маҳсулотларни қайта ишлаш, омборларда сақлашнинг янги усулини жорий қилиш
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига моддий-пул харажатларини камайтириш
Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ихтисослашуви, концентрациялашувини чуқурлаштириш
Маҳсулотларнинг меҳнат, материаллар ва фондлар сифимларини камайтириш
Иш унуми юқори техника ва илғор технологияларни жорий қилиш
Ўсимликчилик ва чорвачилиқда сермеҳнат ишларни механизациялаш даражасини ошириш
Умумхўжалик ва умум ишлаб чиқариш сарфларини қисқартириш
Меҳнатни ташкил қилиш ва моддий жиҳатдан рағбатлантириш
Сотишнинг бозор йўллари ва маҳсулотларга баҳолар тизими

14-чизма. Маҳсулотларни янгича усулда тараларга жойлаштириш.

Қисқача хулосалар

Бу бобда қишлоқ хўжалигида иқтисодий самарадорликнинг моҳияти, самарадорликнинг турлари, кўрсаткичлари, уларни аниқлаш иқтисодий самарадорликка баҳо бериш, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш омиллари ва йўллари ҳақида фикр юритилган.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги ҳақида тушунча ва унинг аҳамияти?
2. Ишлаб чиқаришда иқтисодий самарадорлик ва самарадорликлардан нима тушунилади?
3. Иқтисодий самарадорликнинг қандай кўрсаткичлари ва уларни аниқлашнинг қандай усуллари бор?
4. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида иқтисодий самарадорликни ошириш омиллари нималардан иборат?

Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг «Деҳқон хўжаликлари тўғрисида» ги қонуни. «Халқ сўзи», 1998, 6 июнь.
2. Каримов И.А. Хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш ва рақобатчилик муҳитини шакллантириш иқтисодий ислохотлар иккинчи босқичини асосий вазифаси. - Т.: «Ўзбекистон», 1995
3. Йўлдошев С.Х. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги юксалишида. - Т.: «Ўзбекистон», 1991.
4. Коваленко Н.Я. Экономика сельского хозяйства. Курс лекций. - М., 1999.
5. Стат.ежегодник. Народное хозяйства Республики Узбекистана. За 1997, 1998, 1999, 2000, 2001.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик тўғрисида» ги қонуни Ўзбекистоннинг янги қонунлари. -Т.: «Адолат», №2, 1991.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Дехқон хўжаликлари тўғрисида» ги қонуни. «Халқ сўзи», 1998, 6 июнь.
3. Каримов И.А. Хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш ва рақобатчилик муҳитини шакллантириш иқтисодий ислохотлар иккинчи босқичининг асосий вазифаси. -Т.: «Ўзбекистон», 1995.
4. Каримов И.А. Давлатимиз мулкни хусусийлаштириш ва кўп укладли иқтисодиёт асосларини шакллантириш. -Т.: «Ўзбекистон», 1995.
5. Каримов И.А. Қишлоқ истиқболи — юрт истиқболи. -Т.: 1990.
6. Каримов И.А. Қишлоқ хўжалигини ислох қилиш. Аграр муносабатларни янги турларини шакллантириш. -Т.: «Ўзбекистон», 1995.
7. Каримов И.А. Дехқончилик тараққиёти — фаровонлик манбаи. -Т., «Ўзбекистон», 1996.
8. Коваленко Н. Я. Экономика сельского хозяйства. Курс лекций, -М., 1999.
9. Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қонун ва меъерий ҳужжатлар, I — II қисмлар, Тошкент, 1998.
10. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги материаллари: Қишлоқ хўжалигида нодавлат мулк ва тадбиркорларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг шаклланиш босқичлари, 2002.
11. Зиёвуддинов Ш. Социалистик қишлоқ хўжалик экономикаси. Ўқув кўланмаси. Т., 1975.
12. Попов Н. А. Экономика сельского хозяйства. Учебник, -М., 2000.
13. Стат.ежегодник, Народное хозяйства Республики Узбекистана. За 2000, 2001 г. Ташкент.
14. Абдуғаниев А. «Иқтисодиёт ва статистика» факультети деканатида сақланаётган «Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти» дастури (матни).
15. Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонуни, 1991.

16. Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришга доир қонун ва меъерий ҳужжатлар, I қисм, Тошкент, 1998.

17. Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришга доир қонун ва меъерий ҳужжатлар, II қисм, Тошкент, 1998.

КИРИШ.....	5
I боб. «ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИҚТИСОДИЁТИ» ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ, УСУЛЛАРИ.....	7
1.1. «Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти» фанининг предмети (мақсади) ва вазифалари.....	7
1.2. Қишлоқ хўжалигининг халқ хўжалигида тутган ўрни ва аҳамияти.....	8
1.3. Қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятлари.....	9
1.4. «Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти» фанининг ўрганиш усуллари ва унинг бошқа фанлар билан боғлиқлиги.....	9
1.5. Қишлоқ хўжалигини ихтисослаштириш ҳамда тармоқларнинг бири-бирига боғлиқ ҳолда ривожланиши.....	11
Қисқача хулосалар.....	13
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	13
Асосий адабиётлар.....	13
II боб. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА НОДАВЛАТ МУЛК ВА ТАДБИР-КОРЛИКНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ ВА УЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ.....	14
2.1. Қишлоқ хўжалигида мулкчиликнинг нодавлат шакллари вужудга келиши ва уларнинг шаклланиш bosқичлари.....	14
2.2. Ширкат хўжаликларида меҳнатнинг пировард натижаларга боғлиқ ҳолда ташкил этилиши.....	17
2.3. Оила пудратига ресурслардан самарали фойдаланишда чек тизимининг аҳамияти.....	24
2.4. Айрим тоифадаги хўжаликларнинг кўлами, маҳсулот етиштиришда тутган ўрни ва салмоғи.....	26
Қисқача хулосалар.....	29
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	29
Асосий адабиётлар.....	29
III боб. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ЕР-СУВ РЕСУРСЛАРИ ВА УЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ.....	30
3.1. Ернинг қишлоқ хўжалигидаги аҳамияти ва хусусиятлари.....	30
3.2. Ер фонди ва қишлоқ хўжалик ерлари, уларнинг таркиби, фойдаланувчиларга тақсимланиши.....	33
3.3. Ер-сувдан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини ифодловчи кўрсаткичлар, уларни аниқлаш.....	34

3.4. Ер мониторинги ва давлат ер кадастри.....	36
3.5. Ер-суддан фойдалнишни яхшилаш ва самарадорлигини ошириш масалалари.....	38
Қисқача хулосалар.....	40
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	40
Асосий адабиётлар.....	40

IV боб. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ МОДДИЙ-ТЕХНИКА РЕСУРСЛАРИ, ФАН-ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ, САМАРАЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ..... 41

4.1. Моддий-техника ресурслари, уларнинг туркумлаштирилиши ва хусусиятлари.....	41
4.2. Фан-техника тараққиёти, унинг йўналишлари, самарали технологиялар.....	44
4.3. Қишлоқ хўжалигининг моддий-техника ресурслари билан таъминланганлиги ҳамда улардан фойдаланиш даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар.....	45
4.4. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаш ва машиналар тизимини такомиллаштириш.....	46
4.5. Бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалигида моддий-техника ресурсларини шакллантиришнинг хусусиятлари, улардан самарали фойдаланиш.....	48
4.6. Лизингнинг ресурсларни яратишдаги аҳамияти.....	49
4.7. Илмий-техника тараққиётининг иқтисодий самарадорлиги ва уни аниқлаш асослари.....	51
Қисқача хулосалар.....	53
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	53
Асосий адабиётлар.....	53

V боб. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ АСОСИЙ ВА АЙЛАНМА ФОНДЛАРИ, УЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ..... 54

5.1. Асосий ва айланма фондлар ҳақида тушунча, уларнинг аҳамияти ва туркумлари.....	54
5.2. Асосий ишлаб чиқариш фондлари ва уларнинг самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар.....	60
5.3. Айланма ишлаб чиқариш фондлари ва уларнинг самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар.....	63
5.4. Асосий ва айланма воситаларнинг яратилиши.....	63
5.5. Бозор шароитида асосий ва айланма ишлаб чиқариш фондларидан самарали фойдаланиш йўллари.....	64
Қисқача хулосалар.....	67

Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	67
Асосий адабиётлар.....	67

VI боб. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ БОЗОРИ, УЛАРДАН ФЙДАЛАНИШ ВА МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИ...68

6.1. Меҳнат ресурслари, уларнинг таркиби, унумдорлиги ва аҳамияти.....	68
6.2. Қишлоқ хўжалигида меҳнат бозори.....	70
6.3. Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ва меҳнат унумдорлиги даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар.....	71
6.4. Меҳнат ресурсларидан фойдаланишни яхшилаш, уларнинг унумдорлигини ошириш йўллари.....	73
Қисқача хулосалар.....	75
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	75
Асосий адабиётлар.....	75

VII боб. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА КАПИТАЛ ҚЎЙИЛМАЛАР, УЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИ..... 76

7.1. Инвестициялар ва уларнинг самарадорлигини ошириш йўллари...76	
7.2. Капитал қўйилмаларнинг моҳияти.....	78
7.3. Инвестициялар ҳамда капитал сарфлар(қўйилмалар)нинг манбалари.....	80
7.4. Капитал қўйилмаларнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш тартиби.....	80
7.5. Сўнгги йилларда республикамизда инвестиция миқдори ва сурьатларининг ошиб бориши ҳамда уларнинг самарадорлиги.....	83
Қисқача хулосалар.....	84
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	84
Асосий адабиётлар.....	84

VIII боб. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ЯЛПИ МАҲСУЛОТ ВА ТОВАР МАҲСУЛОТИ, УЛАРНИ ТАҚСИМЛАШ ВА КўПАЙТИРИШ ЙўЛЛАРИ..... 85

8.1. Ялпи маҳсулот ва товар маҳсулоти ҳақида тушунча, уларнинг аҳамияти.....	85
8.2. Қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти таркиби, ўзгариши....	86
8.3. Маҳсулотларни сотиш ва уларнинг товарлилик даражаси.....	87
8.4. Ялпи маҳсулотни кўпайтириш йўллари.....	88
Қисқача хулосалар.....	90

Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	90
Асосий адабиётлар.....	90

IX боб. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ЖОРИЙ ВА ЎРТАЧА ХАРАЖАТЛАР.....	91
--	-----------

9.1. Харажатлар, уларни туркумлаштирилиши ва камайтиришнинг аҳамияти.....	91
9.2. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг таннархи (ўртача харажатлари), уларнинг турлари, аҳамияти.....	93
9.3. Харажатлар таркиби ва маҳсулот таннархини аниқлашнинг услубий асослари.....	96
9.4. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг таннархини пасайтириш йўллари.....	97
Қисқача хулосалар.....	99
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	99
Асосий адабиётлар.....	99

X боб. КОРХОНАЛАРНИНГ ДАРОМАДЛАРИ, ФОЙДАЛАРИ, УЛАРНИНГ ТАҚСИМЛАНИШИ.....	100
---	------------

10.1. Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг даромад ва фойдалари... 100	100
10.2. Даромадни, фойдани, иқтисодий самарадорликни аниқлаш тартиби.....	100
10.3. Қишлоқ хўжалигида даромадлар, ялпи ва соф фойданинг ўзгариши.....	102
10.4. Қишлоқ хўжалигида пул даромадларини, ялпи ва соф фойдани кўпайтириш йўллари.....	103
Қисқача хулосалар.....	104
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	104
Асосий адабиётлар.....	104

XI боб. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА МАҲСУЛОТЛАРНИНГ БАҲОЛАРИ, УЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.....	105
--	------------

11.1. Баҳо ҳақида тушунча ва унинг аҳамияти, функциялари.....	105
11.2. Қишлоқ хўжалигида баҳолар тизими.....	107
11.3. Бозор шароитида баҳоларни такомиллаштириш масалалари... 109	109
Қисқача хулосалар.....	112
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	112
Асосий адабиётлар.....	112

XII боб. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ СОҲАЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЁ-	
138	

ТИ.....	113
12.1. Ғаллачилик иқтисодиёти.....	113
12.2. Пахтачилик иқтисодиёти.....	115
12.3. Чорвачилик тармоқлари иқтисодиёти.....	117
а) чорвачиликнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти.....	117
б) чорвачилик соҳаларида маҳсулот етиштириш самарадорлиги...	122
Қисқача хулосалар.....	124
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	124
Асосий адабиётлар.....	124
ХIII боб. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИ.....	125
13.1. Қишлоқ хўжалиги иқтисодий самарадорлигининг моҳияти...	125
13.2. Иқтисодий самарадорликка баҳо бериш.....	127
13.3. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари.....	129
Қисқача хулосалар.....	132
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	132
Асосий адабиётлар.....	132
АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	133

CONTENTS

Introduction.....	5
PART-I. Subject, methods of “Economy of agriculture” course	7
1.1. Subject and tasks of “Economy of agriculture ” course.....	7
1.2. Role of agriculture in the national economy and its essence	8
1.3. Special features of agriculture relations.....	9
1.4. Methods of studying of the course “Economy of agriculture ” and its relations with other courses	9
1.5. Specialization of agriculture and development of branches relatively to each other	11
Brief conclusions.....	13
Questions for discussion and control.....	13
Main literature.....	13
Part-II. Emergence of non-state property and entrepreneurship in agriculture and stages of its formation	14
2.1. Emergence of non-state form of property in agriculture and stages of its formation	14
2.2. Emergence of labor by relating it with final results in shirkats... ..	17
2.3. Importance of cheque system in national usage of resources in family contracts	24
2.4. Volume of some households, their role and share in production	26
Brief conclusions.....	29
Questions for discussion and control.....	29
Main literature.....	29
Part-III. Land and water resources in agriculture and their effective usage	30
3.1. Role of land in agriculture and its features	30
3.2. Land resources and agricultural lands, their components, distribution among users	33
3.3. Parameters indicating economic efficiency of using land and water and their calculation	34
3.4. Monitoring of land and state cadastry of land	36
3.5. Problems of perfection and increasing the efficiency of using water and land.....	38
Brief conclusions.....	40
Questions for discussion and control.....	40

Main literature.....	40
Part-IV. Material and technical resources of agriculture, progress of science and technique, efficient technologies and their usage.....	41
4.1. Material and technical resources, their classification and features....	41
4.2. Progress of science and technique, its directions, effective technologies	44
4.3. Parameters indicating the level of provision with material and technique resources and their usage in agriculture.....	45
4.4. Complex mechanization and improving the system of machines in agriculture.....	46
4.5. Features of shaping material and technical resources of agriculture and its effective usage in conditions of market economy.....	48
4.6. Role of leasing in formation of resources	49
4.7. Economic efficiency of scientific and technical progress and bases of its determination	51
Brief conclusions.....	53
Questions for discussion and control.....	53
Main literature.....	53
Part-V. Fixed and circulation funds of agriculture , their effective usage...	54
5.1. Concept of fixed and circulating funds, their essence and types.....	54
5.2. Fixed production funds and parameters indicating their efficiency...	60
5.3. Circulating production funds and parameters indicating their efficiency	63
5.4. Creation of fixed and circulating tools	63
5.5. Ways of effective using fixed of and circulating production funds in the conditions of market.....	64
Brief conclusions.....	67
Questions for discussion and control.....	67
Main literature.....	67
Part-VI. Labor market of agriculture, its usage and productivity of labor...	68
6.1. Man power, its structure, productivity and essence	68
6.2. Labor market of agriculture	70
6.3. Parameters indicating the level of using manpower and productivity of labor	71
6.4. Ways of improving the usage of manpower; increasing of productivity.....	73
Brief conclusions.....	75

Questions for discussion and control.....	75
Main literature.....	75
Part-VII. Investments of agriculture, their economic efficiency... ..	76
7.1. Investment and ways of increasing their efficiency	76
7.2. Essence of capital investment	78
7.3. Source of investments and capital investments	80
7.4. Indicators of economic efficiency of capital investments	80
7.5. Increasing the rate and amount of investment in the recent years and their efficiency	83
Brief conclusions.....	84
Questions for discussion and control.....	84
Main literature.....	84
Part-VIII. Gross and commodity production of agriculture, ways of their distribution.....	85
8.1. Concept of gross and commodity production, their essence	85
8.2. Structure of gross production and its variation in agriculture	86
8.3. Realization of goods and their quality level	87
8.4. Ways of increasing gross production	88
Brief conclusions.....	90
Questions for discussion and control.....	90
Main literature.....	90
Part-IX Current and average costs of agriculture	91
9.1. Costs, their classifications and importance of their decreasing	91
9.2. Cost price (average costs) of agricultural products, their types and essence	93
9.3. Composition of costs and methodological bases of indicating the cost price of a product	96
9.4. Ways of decreasing the cost price of agricultural products	97
Brief conclusions.....	99
Questions for discussion and control.....	99
Main literature.....	99
Part-X. Income, profit of firms, their distribution	100
10.1. Income and profit of agricultural firms	100
10.2. Order of calculating income, profit, economic efficiency	100
10.3. Deviation of income, total and net profit in agriculture	102

10.4. Ways of increasing the income, total and net profit in agriculture....	103
Brief conclusions.....	104
Questions for discussion and control.....	104
Main literature.....	104
Part-XI. Price of agricultural products, their perfection	105
11.1. Concept of price and its essence, functions.....	105
11.2. System of price in agriculture	107
11.3. Problems of improving price in market conditions	109
Brief conclusions.....	112
Questions for discussion and control.....	112
Main literature.....	112
Part-XII. Economy of agricultural branches.....	113
12.1. Economy of grain raising	113
12.2. Economy of cotton raising	115
12.3. Economy of branches of animal husbandry.....	117
a) importance of animal husbandry in economy	117
b) efficiency of production in the branches of animal husbandry.....	122
Brief conclusions.....	124
Questions for discussion and control.....	124
Main literature.....	124
Part-XIII. Economic efficiency of agricultural production	125
13.1. Essence of economic efficiency of agriculture.....	125
13.2. Evaluation of Economic efficiency.....	127
13.3. Ways of increasing the economic efficiency of agricultural production	129
Brief conclusions.....	132
Questions for discussion and control.....	132
Main literature.....	132
List of Bibliography.....	133

ШАҲОБ ЗИЁВУДДИНОВ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИҚТИСОДИЁТИ

Ўқув қўланма

Нашр учун маъсул:
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
Адабиёт жамғармаси директори
Қурбонмурод Ҳумаев

Мусаввир:

Акбарали Мамасолиев.
Муҳаррир — Д.Икромова
Техник муҳаррир — Ш.Тожиев
Мусахҳис — Ж.Йўлдошев
Компьютерда саҳифаловчи — Д.Иномов

Интернетдаги расмий сайтимиз: www.tsue.uz

Электрон почта манзили: info@tsue.uz

Теришга берилди 04.11.2003 й. Босишга рухсат этилди 20.01.2004 й.
Қоғоз формати 60x84 $\frac{1}{32}$. Офсет босма усулида босилди. Нашр босма
тобоғи 9. Нусхаси 200.

Буюртма № 13

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт Жамғармаси нашриёти.
700000, Тошкент, Ж-Неру, 1.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси босмахонасида
чоп қилинди.

Тошкент шаҳри, Халича Сулаймонова, 33-уй



ЗИЁВУДДИНОВ Шаҳобиддин — «Агроиқтисодиёт» кафедраси доценти, иқтисод фанлари номзоди. «Қишлоқ хўжалик экономикаси» ҳамда «Колхоз ва совхозларда ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва режалаштириш» номли ўқув қўлланмаларни нашр қилган. Бундан ташқари 40 дан ортиқ рисодалар ва илмий мақолалари мавжуд.

